Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази

ISSN 2181-998X





ТИББИЁТ ВА СПОРТ

MEDICINE AND SPORT

2023
2

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ

2023/2 ISSN 2181-998X

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ТИББИЁТ ВА СПОРТ
MEDICINE AND SPORT

Тошкент

www.sportmed.uz ISSN 2181-998X 2023/2

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бош муҳаррир
т.ф.н. К.К. Сирожитдинов

Бош муҳаррир ўринбосари
профессор И.Р. Мавлянов

Маъсул котиб
PhD Н.Ш. Усмоналиева

Таҳрир аъзолари

проф.. А.А. Ходжиметов, проф А.Т. Бабаев,
проф. А.Х. Аширметов, проф. Ж.А. Ризаев,
проф. Р.С. Мухамедов, проф. Х.Я. Каримов
т.ф.д. З.И. Мавлянов

Таҳрир кенгаши

Проф. Т.А. Абдуллаев (Ташкент)
Проф. А.Л. Аляви (Ташкент)
Проф. Т.У. Арипова (Ташкент)
Проф. И.А. Ахметов (Ливерпуль)
Проф. Ш.А. Боймурадов (Ташкент)
Проф. М.Р. Болтабаев (Ташкент)
Проф. Е.А. Гаврилова (С.Петербург)
Проф. Б.Г. Гафуров (Ташкент)
Проф. Б.Т. Даминов (Ташкент)
Проф. А.И. Икрамов (Ташкент)
Проф. В. Ираситано (Италия)
Проф. Р.Т. Камилова (Ташкент)
Проф. У.К. Камилова (Ташкент)
Проф. Г.М. Кориев (Ташкент)
Проф. Р.Д. Курбанов (Ташкент)
Проф. Д.К. Нажмутдинова (Ташкент)
Проф. Ф.Г. Назиров (Ташкент)
Проф. Б.А.Поляев (Москва)
Проф. Д.М. Сабиров (Ташкент)
Проф. Л.Н.Туйчиев (Ташкент)
Проф. Ф.И.Хамрабаева(Ташкент)

СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТИВНАЯ МЕДИЦИНА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: СПОРТ ТИББИЁТИНИНГ ЮТУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ 6
Сирожитдинов К.К., Мавлянов И.Р.

СИНХРОНИЗАЦИЯ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ФУНКЦИОНАЛЬНЫМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ СЕРДЦА ФУТБОЛИСТОВ 11
Агзамходжаева Н.У., Мавлянов И.Р.

АНАЛИЗ ВАРИАБЕЛЬНОСТИ СЕРДЕЧНОГО РИТМА СПОРТСМЕНОВ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКОЙ ГРЕБЛЕЙ 15
Таралева Т.А., Мавлянов И.Р., Парпиев С.Р., Вафин Д.М.

АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫХ ПАРАМЕТРОВ ЗДОРОВЬЯ ЧЛЕНОВ СБОРНЫХ КОМАНД УЗБЕКИСТАНА ПО ПАРАЛИМПИЙСКИМ ВИДАМ СПОРТА 19
Турсунов Н.Б.

РОЛЬ И ВЛИЯНИЕ КОМПЛЕКСНОГО ПОСТНАГРУЗОЧНОГО ВОССТАНОВЛЕНИЯ НА КАЧЕСТВО ЖИЗНИ СПОРТСМЕНОВ С НАРУШЕНИЕМ ЗРЕНИЯ 22
Саттарова Д.Б., Усманходжаева А.А.

ГЕНЕТИЧЕСКИ ДЕТЕРМИНИРОВАННЫЕ КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ ИНДИКАТОРЫ ФИЗИЧЕСКОЙ РАБОТОСПОСОБНОСТИ У СПОРТСМЕНОК ЦИКЛИЧЕСКИХ ВИДОВ СПОРТА 30
Рахимова Н.М., Мавлянов И.Р., Юлчиев С.Т.

ДОПИНГ-РИСКИ ПРИМЕНЕНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК В ПАРАЛИМПИЙСКОМ СПОРТЕ 37
Турсунов Н.Б.

АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЙ ПРОФИЛЬ СПОРТСМЕНОВ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКОЙ ГРЕБЛЕЙ 41
Таралева Т.А, Аблялимов Р.Т, Рузикулова А.Н, Абдуллаева Х.О.

КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА

РЕВМАТИЗМ КАСАЛЛИКЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ 43
Суюнов Н. Д., Икрамова Г. М., Исломова Ш. С.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, КЛИНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ ОЖИРЕНИЯ 49
Ботиров А.К., Абдуллажонов Б.Р., Эгамбердиев Б.А., Хакимов Д.М., Бозоров Н.Э., Ботиров Ж.А., Бобоев У.Н.

ТЕЧЕНИЕ РЕВМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ НА ФОНЕ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ 53
Тухтаева Н.Х., Азимова М.М.

РЕЛАПАРОТОМИЯ И РЕЛАПАРОСКОПИЯ В АБДОМИНАЛЬНОЙ ХИРУРГИИ 58
Ботиров А.К., Абдуллажонов Б.Р., Эгамбердиев Б.А., Бозоров Н.Э., Отакузиев А.З., Эгамов С.Ш.

РЕВМАТИЗМ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ 62
Суюнов Н. Д., Машарипова Р. Р., Хасанов Ф. О.

ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ У БОЛЬНЫХ ДЕТЕЙ АТОПИЧЕСКИМ ДЕРМАТИТОМ В ПРОЦЕССЕ ИГЛОРЕФЛЕКСОТЕРАПИИ И ПРИМЕНЕНИЯ ПРЕПАРАТА БРОНХО-МУНАЛ 69
Пакирдинов А.Б.

REVMATOID ARTRIT VA JIGARNING SURUNKALI DIFFUZ KASALLIKLARI PATOGENEZI VA KLINIK BOG‘LIQLIGI HAQIDA ZAMONAVIY TUSHINCHALAR 72
Shukurova F.N.

STRATEGIES TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT AND PREVENTION OF PATIENTS WITH PERIODONTAL DISEASE 77
Usmonov B.A.

МЕТАБОЛИЧЕСКИЙ СИНДРОМ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА: ДИЕТОТЕРАПИЯ И НУТРИЦЕВТИЧЕСКАЯ ПОДДЕРЖКА 79
Хасанова Г.Х., Тухтаева Н.Х.

СОДЕРЖАНИЕ

ФИЗИЧЕСКАЯ РАБОТОСПОСОБНОСТЬ, КАК УСЛОВИЕ ОЦЕНКИ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ОРГАНИЗМА ГРЕБЦОВ-КАНОИСТОВ ВЫСОКОЙ КВАЛИФИКАЦИИ В ГРЕБНОМ СЛАЛОМЕ ***83***
Исраилова Р.Г., Корбут В.М.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИДА СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ***86***
Мирджамалова Н.З.

TA‘LIMNI RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA TALABALARNI MUSTAQIL TA‘LIMINI TASHKIL QILISH ***89***
Yuldasheva K.A.

SPORTCHILARNING HARAKAT FAOLIYATI VA TEXNIK MAHORATNI TADQIQ QILISHDA SPORT BIOMEXANIKASINING METODLARI ***91***
Cho’lliyev S.I.

ПОВЫШЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КУРАШИСТОВ 15-16 ЛЕТ С ПОМОЩЬЮ ДВИГАТЕЛЬНЫХ ИГР ***94***
Акбаров А., Худоёрова Г.У.

УДК: 61:796/799

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: СПОРТ ТИББИЁТИНИНГ ЮТУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сирожитдинов К.К., Мавлянов И.Р.
Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри.

ТРЕТИЙ РЕНЕССАНС: ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ

Сирожитдинов К.К., Мавлянов И.Р.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, Ташкент, Узбекистан.

THE THIRD RENAISSANCE: ACHIEVEMENTS AND PROSPECTS OF SPORTS MEDICINE

Sirojitdinov K.K., Mavlyanov I.R.
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine, Tashkent, Uzbekistan

Аннотация. *Учинчи Ренессанс асослари нафақат ҳалқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида, балки жисмоний тарбия ва спортда ҳам ўз аксини топмоқда. Спортчиларда уларнинг жисмоний иш қобилиятини намоён этишни таъминловчи генлар хилма-хиллигини тадқиқ этиш ва спортчи яширин имкониятларини аниқлаш ва амалга ошириш учун реал шароитларни яратиш билан бир қаторда юқори спорт натижаларга эришиш учун уларнинг техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини доимий такомиллаштириб бориш зарур. Бу ўринда спорт ҳаракат кинематикасини, биомеханикасини тадқиқ этиш ўта муҳим бўлиб, спортчи генотипи билан унинг фенотипи уйғунлигини таъминласа, техник-тактик тайёргарликни машғулотлар давомида сайқаллаш натижасида жисмоний ҳаракатлар фойдали иш коэффициентининг ошиши, организм энергия тежамкорлигига олиб келиши ҳисобига спорт натижаларини яхшилашга олиб келади, яъни генетик имкониятларни реал амалга ошириш учун ричаг вазифасини ўтайди.*

Калит сўзлар: *Ренессанс, спорт тиббиёти, генетика, сунъий интеллект, гениология, генетик паспорт, эпигеном статуси, транскиптом профили, протеомика, метаболомика метаболизатор, фармакогенотиплаш.*

Резюме. *Основы Третьего Ренессанса находят отражение не только во всех сферах экономики, но и в физическом воспитании и спорте. Для достижения высоких спортивных результатов необходимо постоянно повышать эффективность технико-тактической подготовки, помимо исследования разнообразия генов, обеспечивающих проявление их физической работоспособности у спортсменов и создания реальных условий для выявления и реализации скрытый потенциал. В этом случае очень важно изучение кинематики и биомеханики спортивных движений, и если генотип спортсмена и его фенотип находятся в гармонии, то в результате шлифовки технико-тактической подготовки в ходе тренировочных физических движений увеличится коэффициент полезной работы. , организм будет экономить энергию, а это приведет к улучшению спортивных результатов, то есть генетика служит рычагом для реальной реализации возможностей.*

Ключевые слова: *Ренессанс, спортивная медицина, генетика, искусственный интеллект, генеология, генетический паспорт, эпигеномный статус, транскриптомный профиль, протеомика, метаболомика, метаболизатор, фармакогенотипирование.*

Summary. *The Basics of the Third Renaissance are reflected not only in all spheres of the economy, but also in physical education and sports. To achieve high sports results it is necessary to constantly improve the efficiency of technical and tactical training, in addition to the study of the diversity of genes that ensure the manifestation of their physical performance in athletes and to create real conditions for the identification and realization of the hidden potential. In this case it is very important to study the kinematics and biomechanics of sport movements, and if the genotype of the athlete and his phenotype are in harmony, then as a result of polishing the technical-tactical training during the training physical movements the coefficient of useful work will increase. The body will conserve energy, and this will lead to improved athletic performance, that is, genetics serves as a lever for the real realization of opportunities.*

Keywords: *Renaissance, sports medicine, genetics, artificial intelligence, genetics, genetic passport, epigenomic status, transcriptomic profile, proteomics, metabolomics, metabolizer, pharmacogenotyping.*

Дунё мамлакатимиздаги қатор янгиланиш ва жиддий ўзгаришлар туфайли “Янги Ўзбекистон” тушунчаси пайдо бўлганлигини эътироф этмоқда. Мамлакатимизда охирги йилларда кузатилаётган туб ўзгаришлар ва ҳалқ хўжалигининг барча жабҳаларидаги жадал тараққиёт, ижтимоий соҳадаги, жумладан ҳалқимиз ҳаётининг тубдан яхшиланиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат соҳасидаги либераллашув жараёнлари ва бошқалар, мамлакатимизда ўзига хос янгиланиш томонга қадам қўйилганлидан далолат бермоқда. Дарҳақиқат, муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини таъкидлади.

Уйғониш – Учинчи Ренессанс асослари нафақат ҳалқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида, балки жисмоний тарбия ва спортда ҳам ўз аксини топмоқда. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия, спорт ва оммавий спортни янада ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар қабул килинган. Юқоридаги фикрларимизнинг аниқ далили сифатида 2020 йилнинг 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли Президент Қарори ижросини таъминлашдаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар

институтини ташкил этилиши, 2020 йилнинг 30 октябрдаги, “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Президент Фармонининг 23- банди ижроси асносида, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 10 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда грант маблағларининг ажратилиши, ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докторантура учун камида 10 та ўрин ажратиш режалаштирилганлиги яққол мисол бўлади.

Бутун дунёда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, инсон организмини касалликларга нисбатан чидамлилигини оширишда асосий омил сифатида эътроф этилмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу фаолият ҳар томонлама ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади. Бинобарин жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий маданиятининг бир бўлаги сифатида инсонни катта ҳаётга тайёрлашда, унинг жисмоний, руҳий қобилиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда катта аҳамият касб этиб, кўп асрлик тажрибани қадимдан Олимпия мусобақалари ва миллий спорт ўйинлари кўринишида ўзида мужассамлаштирган.

Жисмоний фаоллик, бадантарбия машқлари, спорт билан мунтазам шуғулланиш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эришиш мумкин. Бу айниқса, соғлом, ҳар томонлама ривожланган, бармакол ёш авлодни шакллантиришда ўта муҳимдир. Юртбошимизнинг ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган ташаббусслари ўз амалий исботини топмоқда. Бу йўналишда юртимизда очилаётган спорт ва олимпия заҳиралари коллежлари, спорт мактаблари ва уларнинг моддий техника базасини йилдан-йилга яхшиланиб бориши, республикамиз турли ҳудудларида ташкил этилаётган турли спорт турлари бўйича ўқув-машғулотлар базалари ҳам юртимизда нафақат профессионал спортни, шу билан бир қаторда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожланиши муносиб ҳиссасини қўшмоқда ва спортга минглаб ёшларимизни жалб этмоқда.

Кейинги йилларда Республикамиз раҳбарияти томонидан спорт соҳасига қаратилган эътибор ўз натижаларини бермоқда. Миллий спортимизни нуфузли ҳалқаро турнир ва мусобоқаларда, жумладан минтақа ва дунё мусобоқаларида эришган ютуқлари, дунёда кучли 20 та давлатлар қаторига кириши муносабати билан дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг “спорт мамлакатига” айланиб бораётганини эътироф этмоқда. Ҳатто баъзи спорт турлари бўйича дунёда тенги йўқ эканлигини исбот қилмоқда. Бу сўзсиз, мамлакатимиз спорт соҳаси ҳам юксалиш даврида эканлигидан далолат беради.

Жисмоний тарбия ва спорт аввалambор, инсонларни саломатлигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилганлиги туфайли спорт тиббиёти соҳаси билан чамбарчас боғлиқдир. Спорт тиббиёти - тиббиётнинг бир қисми бўлиб, асосан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг жисмоний имкониятлари билан бажараётган жисмоний юкламалар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, ушбу мутаносиблик бузилиши туфайли келиб чиқадиган патологияолди ва патологик ҳолатларни олдини олиш, уларни даволаш ва реабилитацияси муаммоларини ўргатади. Табиийки, спорт тиббиёти фан сифатида юқори жисмоний юкламаларни инсон организмига салбий таъсирини ўрганади, организмни жисмоний юкламалар таъсирига мослаштириш ва шу орқали юқори жисмоний имкониятларга эришиш, ҳамда организмни экстремал юкламаларга нисбатан толерантлигини кўтариш орқали саломатликни мустаҳкамлаш ва турли касалликларга чалинувчанлигини олдини олиш муаммолари билан шуғулланади.

Бу ўринда спорт тиббиётининг болалар ва ўсмирлар спортида, қолаверса, оммавий спортда аҳамияти каттадир. Бинобарин, спорт, биринчи навбатда саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликлар келиб чиқишини олдини олишга қаратилганлиги туфайли ёшларимизни соғломлаштириш учун хизмат қилади, қолаверса, соғлом ва баркомол авлодни тарбиялаш орқали жамиятимиз ва унинг иқтисодини ривожлантирувчи асосий омил – инсон омили барқарорлиги таъминлашда хизмат қилади.

Маълумки, соғлом инсон жисмоний имкониятлари муайян чегарада чеклангандир. Спорт соҳасидаги мутахассислар фикрича, ҳозирги кунда катта спортда эришилган натижалар (рекордлар) инсон жисмоний имкониятларини юқори чўққисига чиққанлигидан далолат бермоқда. Чунки олимлар эътирофи бўйича спортчи жаҳон кўрсатгичлари даражасида натижа кўрсатиши учун у ўта истеъдодли ва қобилиятли бўлиши керак, рекорд натижани янгилаши учун у спортда “даҳо” бўлиши керак [3,4]. Аммо спорт натижалари ва рекордлар доимий янгиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда катта спортда “олтин” медаль тақдирини дақиқалар эмас, сониялар ва сония улушлари ҳал қилмоқда. Ана шу қимматли сониялар ва улар улушларига юқори истеъдод ва спорт маҳорати орқали эришиш мумкинлиги ва ушбу истеъдод ва маҳоратга спортчининг яширин ички имкониятларини ҳар томонлама ўрганиш ва очиш орқали эришилиши мумкинлиги ҳозирги кунда сир эмас.

Спорт тиббиётини асосий мақсадларидан бири бу катта спортда спортчиларнинг яширин иқтидор, ноёб истеъдодини очишга ва руёбга чиқишга хизмат қилишдан иборатдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун яратилаётган усул ва ёндашувлар чинакам инновация бўлиб, ҳозир замон ва келажак катта спортининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мақсадга эришиш учун спортчи фаолиятининг барча босқичларида (тайёргарлик, мусобақа олди, мусобақа, мусобақадан кейинги тикланиш) амалга ошириладиган барча йўналишларда (шифокор назорати, тактик-техник тайёргарлик, фармакологик коррекция, психологик тайёргарлик, спортчини рационал овқатлантириш жараёнлари) индивидуалликни таъминлаш заруриятини кўрсатади. Маълумки, индивидуаллик негизида ҳар бир инсон учун хос бўлган ирсий белгилар мажмуаси (генотип) [10,23] ва улар юзага чиқарадиган белгилар, хусусият ва функциялар мажмуаси (фенотип) ётади [9,27]. Спортчи генотипи ва фенотипи уйғунлигига асосланиб шакллантирилган тайёргарлик дастурлари индивидуалликни таъминлаб, спортчининг жисмоний ва руҳий фаолиятини оптимал ҳамкорлигига олиб келади ва юқори спорт натижаларига эришиш учун мустаҳкам замин яратади, ҳар бир спортчининг яширин имкониятларини очиш ва ишга тушиш имконини беради ва зарур бўлган сония ва улар улушларига эришиш шароитини яратади. Бу спортда, жумладан, спорт тиббиётида инновация бўлиб, спорт натижадорлигини оширишда янги имкониятларни очиб беради.

Ушбу йўналишларда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2013 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1994-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ВМҚ- 226- сонли қарорлари асосида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида ташкил этилган Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида охирги йилларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Иқтидорли ёш ва истиқболли спортчиларни, уларнинг индивидуал генетик ва фенотипик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлашнинг замонавий тиббий-биологик услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” йўналишида **“Дерматоглификага асосланган генетик хусусиятлар бўйича истиқболли спортчиларни танлаш усулларини такомиллаштириш”** номли илмий-амалий грант лойиҳасида ёш ва истиқболли спортчилар танлаб олишда уларнинг индивидуал генетик ва фенотипик хусусиятларни ўрганиш орқали амалга ошириш ва уларни спортда юқори натижаларга эришиш усулларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, дерматоглифик ва психо-физиологик тадқиқотлар асосида скрининг усуллар кўринишида болалар ва ўсмирларни спортга танлаш ва молекуляр-генетик тестлар ёрдамида янада чуқурроқ ўрганиш асосида танлаб олишнинг янги икки босқичли усули ишлаб чиқилди [2,6,17,22]. Олинган натижалар асосида “Бармоқларнинг дерматоглифик белгиларини аниқлаш дастури” номли ЭҲМ учун дастурга №DGU 08947 сертификат олинди [15]. Ҳозирда ушбу дастурни такомиллаштириш асосида яна янги ЭҲМ учун дерматоглифик белгилар ва генотип ассоциациялари орасидаги ўзаро боғлиқликлари негизида спорт турларига мойилликликни аниқлаш дастури ҳам “Интелектуал мулк Агентлигига” киритилган. Ҳозирги кунда ушбу дастурларни спорт мактабларида болаларни спорт йўналишлари бўйича танлаш жараёнида қўллаш бўйича синовларни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Спортчиларни якка тартибда тайёрлаш бўйича инновацион ёндашувлар ичида спортчилар математик моделини яратиш ва уларни спорт натижаларини башорат қилиш муаммолари алоҳида ўрин тутади. Ушбу йўналишда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида **“Спорт натижаларини башорат қилиш ва машқ дастурларини муқобиллаштириш учун спортчилар физиологик ҳолатининг математик моделини яратиш”** номли илмий-амалий грант лойиҳаси доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, спортчиларнинг генотип ва организм фаолиятини барча қирраларини акс эттирувчи фенотип белгилари, ҳамда шахсий спорт натижалари кўрсатгичлари орасидаги боғлиқликни **“сунъий интеллект”** модели негизида аниқланмоқда. Ушбу математик моделни яратиш спортчининг спорт натижаларини “физиологик баҳосини” минималлаштирилган ҳолда юқори спорт ҳолатига олиб чиқишдаги машқ режасини ишлаб чиқиш, ҳамда машқ жараёнларини тўғри ташкил этишга ёрдам беради [7]. Улардан фойдаланиш “мураббийлик синов ва хатолари” амалиётини минимум даражага тушириб, спортчининг бевосита ўзида эмас, балки унинг энг маъқбул машқ ва қайта тикланиш режимларини ҳисоблаб чиқадиган моделида тажрибалар ўтказиш имкониятини яратади. Бунда спорт натижаси табиий равишда ўсади, ортиқча машқ қилиш ва спорт шикастланиши хавфи камаяди. Ниҳоят, ушбу модел ёрдамида болалар ва ўсмирлар таркибидан иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва танлаш мезонларини яратиш мумкин бўлади. Математик моделлаштириш машқ юкламаларини мослаштириш, машқ жараёнларини таҳлил қилиш ва спорт натижаларини башорат қилишда инсон организмини ўрганиш учун ноёб ва кучли восита сифатида қўлланиши мумкин. Олинган материаллар асосида “Югурувчи спортчиларнинг генотипидан фойдаланган ҳолда уларнинг спортдаги муваффақиятларини башорат қилиш” номли ЭҲМ учун дастурга №DGU 08519 сертификат олинди [14]. Ҳозирда спортчиларда зўриқиш синдроми келиб чиқиш хавфини уларнинг генотип белгилари асосида башорат қилиш бўйича янги ЭҲМ учун дастур бўйича “Интелектуал мулк Агентлигига” ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Спортчи генотип белгилари билан спортчи техник-тактик характеристикаси орасидаги боғлиқликни ўрганиш ҳам юқори спорт натижаларига эришишда ўзига хос аҳамият касб этади. Бу ўринда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ўтказилган тадқиқот натижаларини келтириш ўринлидир [8,21,24]. Мамлакатимиз турли футбол клублари спортчиларида ўтказилган генетик тадқиқотлар баъзи спорт генлари генотип вариантлари билан футболчи ўйин жараёнида намоён этадиган тактик-техник ҳаракатлари самарадорлиги орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, а-Актинин гени RR генотип вариантига эга футболчилар самарали техник-тактик натижаларини қисқа муддатлар ичида намоён этиб, майдонда ўйнаш вақти ортиши билан бу ҳаракатлар кескин сусайишини кўрсатса, XX генотип вариантига эга футболчилар, аксинча, самарали техник-тактик хатти-ҳаракатларни майдондаги ўйин вақтини узайиши мобайнида намоён этганлар [1,5]. Табиийки, ушбу натижалар ўйин вақтида футболчидан самарали фойдаланиш учун спорт генларининг уларда мавжуд бўлган генотип вариантларини ҳисобга олган ҳолда майдонга туширилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Спортчиларни якка тартибда тайёрлашга генетик технологияларга асосланган инновацион ёндашувлардан бири моддалар алмашинуви жараёнини назорат этувчи генлар хилма-хиллигига негизида персонал овқатланиш рационларини ишлаб чиқишдир. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бу йўналишда ҳам тадқиқотлар ўтказилиб, спортчиларда моддалар алмашинуви жараёнини назорат қилувчи генлар ассоциацияси, ҳамда спорт тури, спортчи жинси, унинг квалификацион даражаси ва тайёргарлик машғулотлари интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда персонал овқатланиш рационлари ишлаб чиқишнинг илмий асослари яратилмоқда [18,20]. Шунингдек, спортчилар генлар хилма-хиллигини ва улар ассоциация вариантларини ўрганиш нафақат уларда мавжуд яширин жисмоний имкониятларни очиш ва улар ишлаши учун муқобил шароитларни яратиш, балки турли касаллик (юрак ишемик касаллиги, гипертония, қандли диабет, томир деворини шикастланиши ва бошқалар) ва шикастланишларга (суяклар синиши, ва бўғим, пай ва мушакларни шикастланиши ва бошқалар) мойиллик даражасини аниқлаш имконини беради [12].

Истеъдодли, юқори малакали спортчиларни тайёрлашда ирсий шажара – **гениологияга** асосланган истиқболли режаларни шакллантириш муҳим ўринни эгаллайди. Маълумки, юртимиз полвонлар юртидир. Ҳар воҳанинг ўзининг кўзга кўринган, эл ичида машхур полвон-курашчилари, чавандоз-камончилари мавжуд.

Уларнинг иштирокидаги мусобақалар юртимизда асрлар давомида анъана бўлиб келмоқда. Юртимиз полвонлари қадимдан мағрибдан машриққача ном чиқарганлар. Ҳозирги кун илм-фани полвонлик қобилиятининг наслдан-наслга ўтишини исботлаган. Бу эса биздан мамлакатимизда полвонлар шажарасини ўрганиш, шакллантириш, унинг ирсий асосларини тадқиқ этишни тақазо этади. Марказимизда ўтказилган генетик тадқиқотлар миллий спортчиларимиз ичида чидамлилик қобилиятига жавоб берувчи ирсий белгилар нисбатан устувор эканлигидан далолат бермоқда [5,25]. Маълумки, инсон феъл-аворидан, то унинг жисмоний имкониятларини намоён этувчи генлар эволюция жараёнида инсонни атроф-муҳит шароитига оптимал мослашувини таъминлаш учун ўзгариб борган ва ҳар бир юрт ва миллатлар ичида ўзига хос хилма-хилликни шакллантирган. Табиийки, бу ўринда мамлакатимиз спортчилари ичида ирсий шажара асосида генлар хилма-хиллигини ўрганиш ва спортчи **“генетик паспорт”**ини шакллантириш зарурияти келиб чиқди [16]. Биз бу ёндашувлар орқали миллий спортчилариимиз дунёда эришаётган ютуқлари тасодиф эмаслиги, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ирсий асосга эга эканлигини очиб бериш имконини яратади.

Миллий спортимизни янги сифат даражасига кўтаришда спорт тиббиёти соҳасига **“Омикс технологиялар”**ни киритиш ўта муҳимдир. Маълумки, организм у ёки бу функциясини назорат этувчи ёки бошқарувчи генларни мавжудлиги ушбу генлар ишлаётганлигидан далолат бермайди. Генлар- бу ҳужайра хромосомадаги ўзига хос **“дастур”**. Ушбу дастур ишга тушмагунча, яъни унга мос бўлган оқсил молекуласи синтези амалга ошмагунча, геннинг бошқарув функцияси амалга ошмайди. Шу туфайли инсон генлари хилма-хиллигини ўрганиш ва баҳолашда хромосомадаги ахборотни рибосомага узатилиб махсус оқсиллар синтезигача бўлган узвий жараёнга тадқиқ этиш зарур бўлади. Бу жараёнлар эпигеном, транскиптом технологиялар орқали ўрганилиб, шахснинг **эпигеном статуси** ва **транскиптом профили** сифатида баҳоланади ва аниқланган генлар хилма-хилиги натижавийлигини тўғри баҳолаш имконини беради [13]. Бу эса ўз навбатида **протеомика** ва **метаболомика** деб номлаган жараёнлар кечувини кузатиш ва модификация қилиш имконини беради. Юқорида кўрсатилган жараёнлар ва кетма-кетликни омикс технология ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ушбу йўналишда ҳам дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Илк бор спортчилар, баъзи спорт генлари генотип вариантлари **экспрессиясини** ўрганиш оқали спорчи транскиптом профилини аниқлаш бўйича тадқиқотлар режалаштирилган. Айни вақтда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ходимлари томонидан **“Ўзбек спортчиларида функционал хос ва эпигенетик генларнинг экспрессиясини метаболизмга таъсирини ўрганиш”** мавзусида фундаментал грант лойиҳаси Ўзбекистон инновацион ривожланиш маркази танловида иштирок этиш учун тақдим этилган.

Маълумки, юқори малакали спорчилар тайёрлашнинг турли босқичлари ва даврларида уларнинг жисмоний иш қобилиятини тиклаш ва юқори юкламаларга мослашувини таъминлаш учун фармакологик коррекциянинг аҳамияти каттадир [11]. Шу билан бирга фармакологик коррекция жараёнининг самарадорлигини ошириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш ушбу жараённинг натижадорлиги билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда спорт тури, спортчи квалификация даражаси, ўқув-машғулотлари интенсивлиги ва тайёргарлик даври мақсад ва вазифаларига мос равишда якка тартибдаги коррекция схемаларини шаклантириш ўта муҳимдир. Ҳозирда ушбу вазифаларни амалга оширишда дори воситалари метаболизмини назорат қилувчи генлар хилма-хиллигини ўрганиш асосида дори воситаларини **“тезкор метаболизатор”** ва **“секин метаболизатор”** турларига табақалаштириш, яъни **фармакогенотиплаш** усуллари қўлланилмоқда [19,26]. Ушбу ёндашувларни спорт соҳасида спортчиларда қўллаш орқали фармакологик коррекциядан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ушбу йўналишда спортчиларда дори воситалари метаболизмини назорат қилувчи қатор генлар полиморфизмини ўрганиш ҳам режалаштирилган.

Спортчиларда уларнинг жисмоний иш қобилиятини намоён этишни таъминловчи генлар хилма-хиллигини тадқиқ этиш ва спортчи яширин имкониятларини аниқлаш ва амалга ошириш учун реал шароитларни яратиш билан бир қаторда юқори спорт натижаларга эришиш учун уларнинг техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини доимий такомиллаштириб бориш зарур. Бу ўринда спорт ҳаракат кинематикасини, биомеханикасини тадқиқ этиш ўта муҳим бўлиб, спортчи генотипи билан унинг фенотипи уйғунлигини таъминласа, техник-тактик тайёргарликни машғулотлар давомида сайқаллаш натижасида жисмоний ҳаракатлар фойдали иш коэффициентининг ошиши, организм энергия тежамкорлигига олиб келиши ҳисобига спорт натижаларини яхшилашга олиб келади, яъни генетик имкониятларни реал амалга ошириш учун ричаг вазифасини ўтайди.

Бу ўринда спортчилар техник-тактик тайёргарлик жараёнинг мониторингини таъминлаш, жисмоний ҳаракатлар самарадорлигини ошириш учун ҳаракат кинематикасини ўрганиш технологияларини спорт тиббиёти амалиётига киритиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади. Шунингдек, спортчилар жисмоний иш қобилияти ва уларнинг спорт натижаларига ташқи муҳит факторларини (температура, намлик даражаси, вақт камари, дениз сатҳидан баландлик ва бошқалар) таъсирини инобатга олиб, уларни ушбу шароитларга мослаштириш масалалари ва бошқа қатор масалалар ҳозир замон спорт тиббиётининг ўта муҳим ва долзарб масалалари қаторига киради.

Мамлакатимизни учинчи ренессанс даврига кириб бораётганини эътироф этилиши барча соҳалар қатори спорт, жумладан спорт тиббиёти соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар ва янгиланишларга асос солади. Бу янгиланишлар, албатта, спорчиларимиз спорт натижаларида ўз аксини топади. Ўзбекистонда учинчи ренесансни пойдевори қурилаётган даврда спорт тиббиёти соҳасида рўй бераётган сифат янгиланишлари, сўзсиз миқдор ўзгаришларига олиб келади. Бу, албатта, спортчиларимизни нуфузли дунё мусобақалари ва олимпия ўйинларида эришадиган ютуқларида ўз аксини топади деб умид қиламиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аширметов А.Х., Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш., Мавлянов З.И. Особенности спортивного фенотипа футболистов с различными вариантами генов а-актинина. Тиббиёт ва спорт, 2018, №1, С 4-8;

2. Аширметов А.Х., Мавлянов И.Р., Садиков А.А. Дерматоглифика – объект научного исследования или нет? Спортивная медицина: наука и практика. 2019,Т.9, №3, С.32-40;

3. Ильдус Ахметов, Владимир Ильин, Светлана Дроздовская. Молекулярно-генетические маркеры в спортивном отборе. Наука в олимпийском спорте № 4, 2013, С. 26-31;

4. Ирма Моссэ. Молекулярно-генетические технологии в спорте высших достижений. Наука в олимпийском спорте. №1, 2015, С.43-51;

5. Каримов М.Ш., Аширметов А.Х., Мавлянов З.И.. Спортивная генетика: от соматотипа до спортивного фенотипа спортсмена (под редакции профессора И.Р.Мавлянова). Монография. Ташкент, 2017. 144с.;

6. Мавлянов И.Р. Перспективы в поиске подходов к селекции одаренных спортсменов. Тиббиёт ва спорт,2018, №1, С 10-13;

7. Мавлянов И.Р., Аширметов А.Х. Математическое моделирование в спорте – инновацинный подход к отбору спортсменов и прогнозу спортив6ной успешности. Тиббиёт ва спорт,2018, №2, С 4-7;

8. Мавлянов И.Р., Аширметов А.Х., Мавлянов З.И. Спортивная медицина и молекулярная генетика. Тиббиёт ва спорт, 2017, №1, С.13-19;

9. Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш., Аширметов А.Х., Мавлянов З.И. Соматотип спортсменов-футболистов иего взаимосвязь со спортипным генотипом. Методические рекомендации. Ташкент, 2017. 72с.;

10. Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш., Аширметов А.Х., Ходжиметов А.А., Курганов С.К. Проблемы и перспективы спортивной геномики. «Медицинский журнал Узбекистана» 2016, №5, С.140-145;

11. Мавлянов И.Р., Мавлянов З.И. Спортда фармакологик коррекциянинг клиник фармакологик хусусиятлари. Журнал «Новый день в медицине», 2 (30/2),2020. С.36-42;

12. Мавлянов И.Р., Парпиев С.Р. К изучению взаимосвязи функциональных сдвигов со стороны сердца у спортсменов с полиморфизмами спортивных генов. Тезисы международного форума терапевтов «Актуальные проблемы заболеваний внутренних органов» 25-26 сентября 2020 года, Ташкент. С. 173;

13. Мавлянов И.Р., Садиков А.А., Курганов С.К., Рахимова Н.М., Солиев А.Б. Характеристика полиморфизма гена IL-15RA T364G у спортсменов, занимающихся циклическими видами спорта. Тиббиёт ва спорт, 2019, № 3-4, С.13-16;

14. Прогнозирование спортивной успешности атлетов бегунов с использованием его генотипов. № DGU 08519 от 09.07.2020 г.;

15. Программа определения дерматоглифических признаков пальцев. № DGU 08947 от 04.09.2020 г.;

16. Рахимова Н.А., Мавлянов И.Р., Солиев А.Б., Курганов С.К. Генетический паспорт спортсмена. Тиббиёт ва спорт, 2018, №4, С.16-19;

17. Садиков А.А., Аширметов А.Х., Мавлянов И.Р., Рахимова Н.М. Значение наследственности в проявлении дерматоглифических показателей. Тиббиёт ва спорт, 2019, №1, С.5-10;

18. Солиев А.Б., Мавлянов И.Р., Курганов С.К., Рахимова Н.М., Мальков А. Нутригеномный тест спортсменов. I Республиканской научно-практической конференции фармакологов с международным участием «Актуальные вопросы фармакологии: от разработки лекарств до их рационального применения». 28-29 мая 2020 года, г.Бухара, Узбекистан. С.123-124;

19. Сычев Д.А. Фармакогенетическое тестирование: клиническая интерпретация результатов. Рекомендации для практикующих врачей. Москва 2011. 88 с.;

20. Худайберганов А.С., Мавлянов И.Р., Каримов М.Ш. Здоровое питание для спортсменов. Ташкент, Издательство «YANGI NASHR», 2016, 264 с.;

21. Юлчиев С.Т., Мавлянов И.Р. Морфофенотип спортсмена-футболиста и его зависимость от их игровой амплуа. Тиббиёт ва спорт,2018, №3, С 24-27;

22. Iskandar R. Mavlyanov., Sanobar N Akbarova., Aziz A. Mominov. Relationship Between Starting Speed (10 Meter Run) And Total Ridge Count. «International Journal of Research». Volume 07 Issue 04 April 2020, P. 171-173;

23. Mavlyanov I., Ashirmetov A. Prospects of molecular genetics in sports medicine. Journal of Diseases, 2016, 3(1): 8-15;

24. Mavlyanov I., Makhmudov D., Parpiev S. Functional condition of the respiratory system and relationship with physical working capacity of athletes – football players. World Journal of Pharmaceutical and Medical research. 2018,4(12), 11-16;

25. Mavlyanov I.R., Ashirmetov A.Kh., Mavlyanov Z.I. Problems and prospects of development of spots medicine. Asian Journal of Research 3(3), April 2017, P.61-89;

26. Mavlyanov I.R., Ashirmetov A.Kh., Mavlyanov Z.I., G.I.Jarilkasinova. Cytochrome P-450: genetic and population aspects. Kosice, 2017. 224 p.;

27. Mavlyanov I.R., Ashirmetov A.Kh., Mavlyanov Z.I., Yulchiev S.T. Features of sport phenotype, samotype and psychotypes of football players with different variants of α-actinine genes. European Jornal of biomedical and pharmaceutical sciences (http://www.ejbps.com) 2017.Vol.4. Issue 9. P.890-896;

УДК: 611.12:79(575.1)

СИНХРОНИЗАЦИЯ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ФУНКЦИОНАЛЬНЫМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ СЕРДЦА ФУТБОЛИСТОВ

Агзамходжаева Н.У.[1], Мавлянов И.Р.[2]
[1]Центральная консультативно-диагностическая поликлиника 1 Главного медицинского управления Администрации Президента Республики Узбекистан.
[2]Республиканский научно-практический центр спортивной медицины при НОК Узбекистана.

MORFOLOGIK MA'LUMOTLARNI FUTBOLCHILAR YURAGI FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BILAN SINXRONIZASIYASI

Agzamxodjayeva N.U.[1], Mavlyanov I.R.[2]
[1]O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Tibbiyot bosh boshqarmasiga qarashli 1-markaziy konsultativ-diagnostika poliklinikasi.
[2]O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi huzuridagi Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi.

SYNCHRONIZATION OF MORPHOLOGICAL DATA WITH FUNCTIONAL INDICATORS OF THE HEART OF FOOTBALL PLAYERS

Agzamkhodzhaeva N.U.[1], Mavlyanov I.R.[2]
[1]Central Consultative and Diagnostic Polyclinic 1 of the Main Medical Department of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.
[2]Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine under the National Olympic Committee of Uzbekistan.

Аннотация. *Морфо-функциональное состояние сердечно-сосудистой системы является одним из ключевых параметров здоровья у футболистов. Так как футболисты испытывают большие физические и эмоциональные нагрузки в процессе тренировок и игр, их сердечно-сосудистая система работает в непрерывном режиме и претерпевает много изменений. Эта работа направлена на исследование морфо-функционального состояния сердца футболистов.*
Ключевые слова: *сердечная деятельность, оценка органических изменений сердца, эхокардиография, электрокардиография.*

Izoh. *Yurak-qon tomir tizimining morfo-funktsional holati futbolchilar salomatligining asosiy parametrlaridan biridir. Futbolchilar mashg'ulotlar va o'yinlar davomida katta jismoniy va hissiy stressni boshdan kechirganlari uchun ularning yurak-qon tomir tizimi uzluksiz ishlaydi va ko'plab o'zgarishlarga uchraydi. Bu ish futbolchilar qalbining morfo-funksional holatini o'rganishga qaratilgan.*
Kalit so'zlar: *yurak faoliyati, yurakdagi organik o'zgarishlarni baholash, ekokardiyografiya, elektrokardiografiya.*

Annotation. *The morpho-functional state of the cardiovascular system is one of the key health parameters for football players. Since football players experience great physical and emotional stress during training and games, their cardiovascular system works continuously and undergoes many changes. This work is aimed at studying the morpho-functional state of the heart of football players.*
Key words: *cardiac activity, assessment of organic changes in the heart, echocardiography, electrocardiography.*

Введение. Физическая привлекательность игры в футбол как спорта заключается, в том числе, в нагрузке на сердце спортсмена. В сердечно-сосудистой системе происходят общесистемные нарушения при слишком интенсивном упражнении, которые заключаются в кратковременных, но социально значимых изменениях, таких как повышенное содержание метаболических продуктов, артериальная гипертензия, дефективный контроль артериального давления, изменение регуляции сердечного ритма и т.д.[7]. Значительный процент футболистов находится в группе риска из-за разницы между тренировками и настоящими соревнованиями.

Таким образом, исследование морфо-функционального состояния сердца у футболистов играет важную роль в мониторинге здоровья спортсменов и более глубокое изучения данного направления не теряет свою актуальность по сей день. Мониторинг позволяет обнаружить возможные нарушения в работе организма и своевременно предпринять меры по их коррекции, что в свою очередь повышает эффективность тренировок и увеличивает шансы на успех в спорте.

В работе использовалась методика, которая включала анализ клинических исследований, результаты измерения параметров электрокардиографии, эхокардиографии. В работе было изучено морфологическое состояние сердца, также проведены исследования на предмет обнаружения аномалий в строении миокарда и других отделов сердца.

Цель настоящего исследования – изучение морфо-функционального состояния сердца футболистов.

Для достижения поставленной цели были сформулированы следующие задачи:

Проанализировать научную литературу по проблеме изучения морфо-функционального состояния сердца футболистов.

Идентифицировать состояние сердца футболистов разных амплуа[6].

Оценить характеристики нарушений ритма и проводимости сердца у футболистов высокой квалификации.

Определить эхокардиографические факторы которые могут послужить предикторами патологических изменений сердца футболистов.

Материалы и методы исследования. Исследование приводилось в Республиканском научно-практическом

центре спортивной медицине с 2019-2022 годы. Всего было обследовано 138 футболистов мужского пола, выступающих за 6 профессиональных футбольных клуба высшей лиги Республики Узбекистан.

Возраст спортсменов на момент исследования составлял 18 - 37 лет, а спортивный стаж 5-15 лет (стаж спортивной деятельности учитывал только выступления за профессиональный клуб) лет.

Для решения задач и достижения цели были использованы следующие методы исследования:

Анкетирование-для чего были использованы врачебно-контрольная карта диспансерного наблюдения спортсмена. Анкетирование необходимо для сбора информации о длительности и интенсивности занятий футболом, уровне обученности и предварительных заболеваний.

Физикальная диагностика: позволяет оценить общее состояние организма, состояние сердца спортсмена. Электрокардиография: применяется для оценки ЭКГ-показателей в покое и при нагрузке.

Эхокардиография: для оценки размеров, объемов камер сердца, фракций выброса и дополнительных показателей.

Результаты и их обсуждение. Исследование включало следующие этапы (рис 1.). На 1 этапе проводился Анализ результатов ЭКГ у всех футболистов, включенных в исследование и оценку распространенности и особенностей нарушений ритма у них[1]. На 2 этапе проводилась разделение исследуемых атлетов на группы: группу футболистов без патологических изменений на ЭКГ (контрольная); группу футболистов с патологическими нарушениями на ЭКГ (основная); группу футболистов с «адаптационными» нарушениями ритма и проводимости (сравнительная). Также проводилось разделение исследуемых атлетов на группы в зависимости от игрового амплуа. На 3 этапе осуществлялся заключительный комплексный анализ всех показателей у футболистов в трёх исследованных группах и разработку критериев для стратификации степени риска нарушений ритма сердца у них[2].



Рис.1. Организация исследования.

Распределение пациентов в исследуемых группах показало, что у 30 футболистов были выявлены патологические изменения на ЭКГ, которые составили основную группу (рис 2). У 74 футболистов были выявлены так называемые адаптационные изменения на ЭКГ, они составили сравнительную группу. У 34 футболистов не было обнаружено никаких нарушений на ЭКГ, они составили контрольную группу.



Рис.2. Распределение пациентов в исследованных группах.

Эхокардиографические показатели (таблица 1). Анализ индекса массы миокарда ЛЖ показал, что у 60% футболистов группы 1 он соответствовал неадаптивному типу (≥228), в то время как у 40% футболистов – адаптивному типу (<118-226) ремоделирования [5]. В группах 2 и 3 преобладали показатели, соответствующие адаптивному типу ремоделирования ЛЖ – 94,6% и 97% соответственно.

Основные показатели ЭхоКГ у профессиональных футболистов

Таблица 1

№	Показатель	M±m
1	Толщина задней стенки ЛЖ, см	0,97±0,02
2	Толщина межжелудковой перегородки, см	1,2±0,03
3	Диастолический размер ЛЖ, см	5,6±0,05
4	Конечно диастолический объем, мл	143,6±3,12
5	Конечно систолический объем, мл	50,6±2,34
6	Ударный объем, мл	97,4±2,24
7	Ударный индекс, мл/м²	51,7±1,24

Если рассматривать индекс сферичности, то видно, что в группе 1 преобладали значения >0,6, они определялись у 63,3% футболистов, что соответствовало неадаптивному типу ремоделирования ЛЖ (таблица 2). В группах 2 и 3 преобладали показатели, соответствующие адаптивному типу ремоделирования ЛЖ – 95,9% и 100% соответственно.

Распределение футболистов в исследуемых группах по типу ремоделирования левого желудочка

Таблица 2

		Основная группа n=30	Сравнительная группа n=74	Контрольная группа n=34
Индекс относительной толщины стенки ЛЖ	Адаптивное РМ ЛЖ <0,45	10 (33,3%)	65 (87,8%)	34 (100%)
	Неадаптивное РМ ЛЖ >0,45	20 (66,7%)	9 (12,2%)	-
Индекс массы миокарда ЛЖ, г/м²	Адаптивное РМ ЛЖ <118-226	12 (40%)	70 (94,6%)	33 (97%)
	Неадаптивное РМ ЛЖ ≥228	18 (60%)	4 (5,4%)	1 (3%)
Индекс сферичности	Адаптивное РМ ЛЖ ≤0,6	11 (36,7%)	71 (95,9%)	34 (100%)
	Неадаптивное РМ ЛЖ >0,6	19 (63,3%)	3 (4,1%)	-

На основании анализа основных эхокардиографических критериев ремоделирования ЛЖ можно констатировать, что у профессиональных футболистов с обнаруженными на ЭКГ патологическими нарушениями ритма и проводимости определялся в большинстве случаев неадаптивный тип ремоделирования ЛЖ[6]. Это свидетельствует о том, что у данной группы атлетов развитие подобных изменений на ЭКГ является следствием дезадаптации организма и сердца, в частности, к повышенным физическим нагрузкам [4].

Выводы. Результаты исследования показали, что футболисты обладают высокой устойчивостью к физическим нагрузкам и демонстрируют хороший уровень функционального состояния сердечно-сосудистой системы. Они же демонстрируют меньшее количество аномалий и других отклонений в морфологическом состоянии сердца, чем среди людей, не занятых футболом.

На основании комплексного исследования установлено, что футболисты, выступающие на позициях «крайних защитников» и «опорных полузащитников» имеют наиболее высокий риск развития потенциально опасных нарушений ритма сердца, что свидетельствует о необходимости индивидуального подхода к игрокам данной категории в футболе.

Важно указать на то, что при проведении эхокардиографического исследования не только исследуется структура и функциональные параметры сердца, но также изучается влияние факторов внешней среды на состояние сердца. Для футболистов это крайне важно, поскольку они постоянно подвергаются стрессовым воздействиям, высокой физической нагрузке и различным травмам. В этой связи оценка работы сердца при резком увеличении физической нагрузки и быстром снижении его уровня является особенно значимой.

Список литературы:

1. Вильгельм М., Ротен Л., Таннер Х., Вильгельм И., Шмид Дж.., Санер Х., Цубер М., Стихерлинг К., Хеберлин А. Долгосрочное ремоделирование сердца и аритмии у неэлитных марафонцев. Американский журнал кардиологии, 2018, том 122, № 4, стр. 817-823.

2. Гао С., Ян С., Цзо Х., Ян Дж., Сюй Х., Цяо Т., Ли Дж. Структура и функция сердца у футболистов среднего возраста: исследование, сочетающее эхокардиографию и тканевую допплерографию. BMJ Open Sport & Exercise Medicine, 2020, том 6, № 1, стр.e000697.

3. Главный коронарный сосуд и функциональные изменения сердца у футболистов / В.М. Леонтьев, И.А. Митрофанова, А.В. Быков и др. Современные проблемы науки и образования. - 2014. - № 6. - С. 574.

4. Мониторинг здоровья футболистов на основе анализа морфо-функционального состояния сердца / Д.М. Дергунов, О.А. Стрельникова, И.С. Хохлов и др. Молодой ученый. - 2018. – № 5. - С. 396-398.

5. Морфологические и функциональные изменения сердечно-сосудистой системы у футболистов различного игрового амплуа в зависимости от длительности соревновательной деятельности / В.Н. Косов, В.А.

Константинов, С.Н. Лаптев и др. Фундаментальные исследования. - 2017. - № 3. - С. 167-174.

6. Состояние сердечно-сосудистой системы и нарушения ритма у футболистов / А.А. Константинов, А.В. Игнатьева, Е.А. Мамонова и др. Медицинская наука и образование Урала. - 2015. - № 4. - С. 45-48.

7. Электрокардиографические нарушения у футболистов в зависимости от сезона / М.О. Коляда, О.Н. Коваленко, И.А. Голубева и др. Медицинская наука и образование в Северной России. - 2016. - № 2. - С. 25-31.

УДК: 612.13: 796.8

АНАЛИЗ ВАРИАБЕЛЬНОСТИ СЕРДЕЧНОГО РИТМА СПОРТСМЕНОВ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКОЙ ГРЕБЛЕЙ

Таралева Т.А, Мавлянов И.Р., Парпиев С.Р., Вафин Д.М.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины при НОК г Ташкента.

AKADEMIK ESHKAK ESHISH SPORTCHILARINING YURAK URISH TEZLIGINING O'ZGARUVCHANLIGINI TAHLIL QILISH

Taraleva T.A, Mavlyanov I.R, Parpiev S.R., Vafin D.M.
O'zbekiston Milliy olimpiya qo'mitasi huzuridagi Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi, Toshkent.

ANALYSIS OF HEART RATE VARIABILITY OF ATHLETES ENGAGED IN ROWING

Taraleva T.A, Mavlyanov I.R, Parpiev S.R., Vafin D.M.
Republican Scientific and Practical Center of Sports Medicine at the NOC of Uzbekistan, Tashkent.

Аннотация: *В статье приводится анализ показателей вариабельности сердечного ритма (автономного и центрального контуров) в оценке тренируемости спортсменов, занимающихся академической греблей.*
Ключевые слова: *вариабельность, сердечный ритм, автономный контур, центральный контур*

Xulosa: *maqolada akademik eshkak eshish bilan shug'ullanadigan sportchilarning jismoniy tayyorgarligini baholashda yurak urish tezligining o'zgaruvchanligi (avtonom va Markaziy konturlar) ko'rsatkichlari tahlili keltirilgan*
Kalit so'zlar: *o'zgaruvchanlik, yurak ritmi, avtonom kontur, Markaziy kontur*

Abstract: *The article provides an analysis of heart rate variability indicators (autonomous and central circuits) in assessing the fitness of athletes engaged in rowing*
Keywords: *variability, heart rate, autonomous circuit, central circuit.*

- для регулирования веса – 40,1%.

Таким образом, несмотря на хорошую ежегодную фармакологическую поддержку и питание спортсменов – членов паралимпийских сборных команд, тем не менее высок процент употребления ими БАД.

Запрещенные субстанции, выявленные в допинг-пробах спортсменов, представлены в следующей диаграмме (рис. 3).



Рис. 3. Процентное соотношение запрещенных субстанций, выявленных в результате допинг-контроля.

Среди выявленных запрещенных субстанций превалировали анаболические стероиды (болденон, оксандролон, тестостерон, метастерон, станозолол, андростенон и др.) – 78,4%; стимуляторы (амфетамин и его производные) и модуляторы метаболизма (мельдоний, инсулин) составили по 7,7%; маскирующие агенты (фуросемид, верошпирон, триамцинолон) выявлены в 4,7% и гормоны роста (ретаболил, нерабол) – в 1,5% случаев.

Естественно, во всех допинг-позитивных случаях спортсмены аргументировали прием запрещенных субстанций лечебными целями, ряд атлетов указывали только на прием разнообразных БАДов. Если принять во внимание, что анаболики, стимуляторы и гормоны роста в спорте употребляются только в качестве допинг-средств, а модуляторы метаболизма и маскирующие агенты условно считать случайно употребленными в лечебных целях, то доля последних, которых можно приобрести в виде или в составе лекарственных средств в аптечной сети, составит 12,4%. Первые три группы запрещенных субстанций в сумме составляют 87,6% и могли поступить в организм спортсмена либо в виде истинного допинга, либо в качестве составной части БАД. Статистика Всемирного антидопингового агентства указывает на то, что до 1/10 подобных субстанций (т.е. до 8,7%) являются истинными допингами. Таким образом, можно с высокой вероятностью заключить, что около 78,9% выявленных запрещенных субстанций могли поступить в организм спортсмена через биологически активные добавки.

Выводы. Подытоживая данные проведенного исследования, мы пришли к следующим выводам:

1. Допинг-позитивные случаи среди спортсменов-паралимпийцев имеют устойчивую тенденцию к увеличению. При этом прослеживается прямая корреляция между развитием паралимпийского спорта в стране и числом вновь выявленных случаев антидопинговых нарушений.
2. В паралимпийском движении наиболее «допинг-опасными» видами спорта являются пауэрлифтинг и легкая атлетика, затем плавание и дзюдо.
3. Частота допинг-позитивных случаев возрастает в период завершающего этапа подготовки к крупным паралимпийским соревнованиям, что имеет несомненное прогностическое значение.
4. Наиболее часто спортсмены употребляют анаболические стероиды, стимуляторы и модуляторы метаболизма, при этом до 80% выявленных запрещенных субстанций могут поступать в организм спортсмена-паралимпийца через БАД, что указывает на их высокий допинг-риск, который значительно возрастает в условиях недостаточного регулирования рынка БАД.
5. Около 12% обнаруженных запрещенных субстанций приходится на долю аптечных лекарственных средств, примененных спортсменами без разрешения на их терапевтическое использование, что возлагает дополнительную ответственность на медработников команд в вопросах планирования и проведения фармакологической поддержки и лечения спортсменов.
6. Исходя из «теории стартового допинга», можно предопределять потенциальных допингеров заранее, основываясь на том, какие БАД они применяют, объединяя их в группы риска для последующего повышения образованности и общей информированности спортсменов-паралимпийцев и тренеров о БАД и допинге.

Список литературы:

1. Дегтярев В.И., Егорычева Е.В. Влияние спортивного питания на здоровье. // Междунар. студ. науч. вестник. 2016 №5-2. С. 15-19.
2. Красина И.Б., Бродовая Е.В. Современные исследования спортивного питания // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – №5. URL: https://science-education.ru/ru/article/view?id=26809 (дата обращения: 21.04.23).
3. Мирошникова Ю.В., Высотский И.Э., Выходец И.Т. и др. Актуальные вопросы противодействия допингу в спорте в практике врача. Комментарии к запрещенному списку-2023: руководство для врачей по спортивной медицине / Под ред. проф. Уйба В.В. Москва, 2018. 48 с.
4. Михайлов И.М. Спортивное питание: «химия», допинг или…??? [Электронный ресурс] – ASIN: B074P6BKT4. Изд-во «Ridero», 2017. 147 с.
5. Райбаев А.Г., Торегельдин Ж.К., Карабаева К.Т. Спортивное питание: вред или польза? // Медицина и здравоохранение: мат-лы VIII Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2020 г.). – Краснодар: Новация, 2020. – С. 9-14.
6. Burke L. Nutricion en el Deporto. Un enfoque practico. // Madrid: Editorial Medica Panamericana. 2017. Vol. 11. #16. P.1-28.
7. Martínez-Sanz J.M., Sospedra I., Ortiz C.M. et al. Intended or Unintended Doping? A Review of the Presence of Doping Substances in Dietary Supplements Used in Sports // Nutrients. 2017. № 9(10). P. 1093.
8. Maughan R.J., Burke L.M., Dvorak J., et al. IOC consensus statement: dietary supplements and the high-performance athlete // British Journal of Sports Medicine. 2018. № 52. P. 439-455.
9. Maughan R.J., Shirreffs S.M., Vernec A. Making Decisions About Supplement Use // International Journal of Sport Nutrition and Exercise Metabolism. 2018. № 28(2). P. 212-219.

УДК 612.13: 796.8

АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЙ ПРОФИЛЬ СПОРТСМЕНОВ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКОЙ ГРЕБЛЕЙ

Таралева Т.А, Аблялимов Р.Т, Рузикулова А.Н, Абдуллаева Х.О.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, г. Ташкент, Узбекистан.

AKADEMIK ESHKAK ESHISH BILAN SHUGLANGAN SPORTCHILARNING ANTROPOMETRIK PROFILI

Taraleva T.A, Ablyalimov R.T, Ruzikulova A.N., Abdullaeva X.O.
Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi, Toshkent, O'zbekiston.

ANTHROPOMTRIC PROFILE OF ATHLETES ENGAGED IN ROWING

Taraleva T.A, Ablyalimov R.T, Ruzikulova A.N., Abdullaeva H.O.
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine, Tashkent, Uzbekistan.

Аннотация: *В статье приведены основные антропометрические показатели, индексы и соматотип спортсменов, занимающихся академической греблей, а также морфологический портрет спортсменов по типу телосложения, конституции, соответствию продольных размеров и окружностей.*
Ключевые слова: *антропометрия, гребля, морфологический портрет*

Xulosa: *Maqolada eshkak eshish bilan shug'ullanadigan sportchilarning asosiy antropometrik ko'rsatkichlari, indekslari va somatotipi, shuningdek, sportchilarning tana turi, konstitutsiyasi, bo'ylama o'lchamlari va aylanalari bo'yicha morfologik portreti keltirilgan.*
Kalit so'zlar: *antropometriya, eshkak eshish, morfologik portret*

Annotation: *The article presents the main anthropometric indicators, indices and somatotype of athletes involved in rowing, as well as a morphological portrait of athletes by body type, constitution, correspondence of longitudinal dimensions and circumferences.*
Keywords: *anthropometry, rowing, morphological portrait.*

Актуальность: В современном мире, когда наблюдается тенденция к повышенным требованиям к спорту и к спортсмену в частности одним из распространенных практических медико-биологических направлений науки остается спортивная морфология. Изучение основных антропометрических показателей в спорте, является важным для профессионального отбора, мониторинга физического развития. [1,6]. Морфологическая адаптация организма к физическим нагрузкам характерна для всех видов спорта и зависит от характера специализации [1]. В спортивном отборе в первую очередь следует ориентироваться на стабильные морфологические характеристики. Такие признаки, как быстрота овладения техникой, прогрессирование спортивных результатов и уровней формирования физических способностей — это второстепенные признаки, которые оцениваются во взаимосвязи с антропометрическими показателями спортсменов [2]. Морфологический профиль атлетов предопределяет его функциональные возможности, которые в конечном итоге предопределяет предрасположенность к видам спортивной деятельности. Такая концепция в большей степени выражена у спортсменов, действующих условиях, требующих проявления максимальной физической работоспособности.

Каждый вид спорта предъявляет специфические требования к телосложению спортсмена. Помимо определения так называемых тотальных размеров тела необходимо исследовать соотношение отдельных звеньев (кинематические пары и цепи), так как определяют биомеханическую приспособленность к выполнению основных «рабочих движений». Известно, что при недостаточном биомеханическом соответствии виду спорта приходиться использовать компенсаторные возможности организма, что требует дополнительных энергетических возможностей [8].

Согласно М.Г. Мартиросову [5], спортивная деятельность должна быть адекватна морфофункциональным особенностям организма, тогда резервные возможности генофонда раскрываются и проявляются в любительском и профессиональном спорте, достижение спортивного результата в основном определяется морфологическими характеристиками организма, то есть соответствием индивидуальных особенностей человека и выбранной специализацией. Учет требований определенного спорта к организму человека - важное условие воспитания спортсменов высокой квалификации. [7].Антропометрия дает нам объективные данные о морфологических параметрах тела, которые являются основой изучения физического развития. Многие антропометрические признаки генетически предопределены, поэтому мы можем спрогнозировать в некоторой степени морфологический портрет человека. Результаты многих исследований показывают, что многие морфологические показатели играют важную роль в физиологии человека, и состояние здоровья напрямую зависит от этих показателей. Так, вес тела, который имеет прямую зависимость от роста, является изменчивым показателем, в зависимости от воздействия экзогенных и эндогенных факторов. Академическая гребля – не исключение и предъявляет большие требования к строению тела спортсменов [4].

Целью исследования является изучение антропометрического профиля спортсменов, занимающихся академической греблей.

Материалы и методы исследования: В исследовании были изучены некоторые антропометрические показатели 26 атлетов, занимающихся академической греблей на начальном этапе подготовки к соревнованиям. Средний возраст спортсменов составил 23,3±0,7 года. Контрольную группу составили юноши, не занимающиеся спортом,

средний возраст которых составил 19,4±0,50. Антропометрические измерения проводились в соответствии с рекомендациями Международного общества развития кинантропометрии (ISAK) [6]. Антропометрические переменные включали: рост, массу тела, высоты антропометрических точек (верхнегрудинная, акромиальная, лучевая, шиловидная, пальцевая, подвздошно-остистая, лобковая, верхнеберцовая, нижнеберцовая) [3]. Рост измеряли с точностью до 0,1 см с помощью ростометра SECA 217, массу тела измеряли с точностью до 0,1 кг с помощью весов SECA. Обхваты измеряли с помощью сантиметровой ленты МТ-03, 0334-5501К, RUSSIA с точностью до 0,1 см.

Статистическая обработка полученных данных осуществлена при помощи t-критерия Стьюдента для уровня значимости P<0,05.

Сравнительная таблица антропометрических показателей спортсменов, занимающихся академической греблей и лиц, не занимающихся спортом

Таблица 1

Антропометрический показатель	Спортсмены, занимающиеся академической греблей	Лица, не занимающиеся спортом
Длина тела	186,23±1,58	174,20±2,03
масса тела	82,73±1,41	68,79±2,35
верхнегрудинный	156,04±1,65	143,37±1,206
акромиальный	156,73±1,42	144,33±1,304
Лучевой	128,31±1,30	111,08±1,06
Шиловидный	104,42±0,59	86,58±0,85
пальцевидный	85,46±0,60	67,46±0,81
Подвздошно-остистый	120,5±1,42	100,46±1,31
Лобковый	111,69±1,43	92,79±1,42
Верхнеберцовый внутренний	45,08±0,65	48,04±0,84
Нижнеберцовый внутренний	9,31±0,14	9,5±0,16
Окружность грудной клетки спокойное состояние	100,46±1,12	88,29±1,22
Окружность грудной клетки на вдохе	106,5±0,9	92,58±1,24
Окружность грудной клетки на выдохе	97,5±1,14	85,83±1,28
Экскурсия грудной клетки	9±0,64	6,75±0,27
Индекс Эрисмана	7,35±1,21	1,18±1,10
Индекс Ливи	54,01±0,66	50,74±0,65
Рост сидя	99,27±0,69	93,37±1,69
Индекс Скелии	87,61±0,94	87,44±2,45
Индекс Пинье	6±2,04	19,58±1,96
ИМТ	23,8±0,38	22,53±0,44

Анализируя полученные данные, мы видим, что у спортсменов, занимающиеся академической греблей значительно выше рост, больше масса тела и окружности грудной клетки, крепкое телосложение в отличие от лиц, не занимающихся спортом.

В результате полученных данных мы сформировали морфологический портрет спортсменов, занимающихся академической греблей. Для достижения высокого спортивного результата, согласно литературным источникам спортсмены-академисты должны иметь рост 190-200 м, в наших исследованиях этот показатель равен 186,23±1,58,, согласно литературным источникам должен весить 80-90 кг, согласно нашим исследованиям вес спортсменов составил 82,73±1,41. По индексу Пинье можно сделать заключение о крепком телосложении наших атлетов, по соматотипу большая часть спортсменов, занимающихся академической греблей мезо—эктомезоморфного соматотипа, длинонногие, с широкой грудной клеткой.

По всем параметрам мы видим, что морфологический портрет спортсменов соответствует выбранному виду спорта. Следовательно, группа исследуемых спортсменов может быть отобрана в сборную команду для участия во всех соревнованиях.

Список литературы:

1.Дорохов Р.Н., Губа В.П. Спортивная морфология. Москва: СпортАкадемПресс; 2002

2.Жданович В.Н., Пикуза Н.Э. Морфофункциональные показатели гребцов: критерии отбора (обзор литературы). Проблемы здоровья и экологии. 2012; (3(33):18–22. https://doi.org/10.51523/2708-6011.2012-9-3-4

3.Капилевич Л.В., Кабачкова А.В. Возрастная и спортивная морфология: практикум: Метод. рекоменд. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2009.,с 10-12

4.Колесников В.А., Руднев С.Г., Николаев Д.В., Анисимова А.В., Година Е.З. О новом протоколе оценки соматотипа по схеме Хит — Картера в программном обеспечении биоимпедансного анализатора состава тела. Вестник Московского университета. Серия XXIII. Антропология. 2016;(4):4

5.Олейник Е.А. Особенности телосложения спортсменок, занимающихся спортивными танцами. Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. 2013; (5(99):104–107. https:// doi.org/10.5930/issn.1994-4683.2013.05.99.p104-107.

6.Тутельян В.А. Никитюк Д.Б., Бурляева Е.А., Алексеева Н.Т., Погонченкова И.В., Рассулова М.А., и др. Использование метода комплексной антропометрии в спортивной и клинической практике: методические рекомендации. Москва: Спорт; 2018

7.Carter J.E.L. The heath-carter anthropometric somatotypeinstruction manual [internet]. San Diego; 2002. Available at: https:// www.mdpi.com/1660-4601/18/7/3603/s1?version=1617154701

8. https://scienceforum.ru/2013/article/2013006147

УДК: 615.225.218:3:615.

РЕВМАТИЗМ КАСАЛЛИКЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Суюнов Н. Д., Икрамова Г. М., Исломова Ш. С.
Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ, ПРИМЕНЯЕМЫХ ПРИ РЕВМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ПО ФАРМАКОЭКОНОМИЧЕСКИМ ИССЛЕДОВАНИЯМ

Суюнов Н. Д., Икрамова Г. М., Исломова Ш. С.
Ташкентский фармацевтический институт, кафедра организации фармацевтического дела.

THE ORETICAL ANALYSIS OF MEDICINES USED IN RHEUMATOLOGICAL DISEASES ON PHARMACOECONOMIC RESEARCH

Suyunov N. D., Ikramova G. M., Islamova Sh. S.
Tashkent Pharmaceutical Institute, Department of pharmaceutical organization.

Аннотация. *Ревматизм касаллиги, юракнинг ревматик ва ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг истеъмоли бўйича фармакоиқтисодий таҳлили назарий ёритилди. Ревматизм касаллиги ва фармакоиқтисодий таҳлилда маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи таҳлил қилинди. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситалари истеъмоли бўйича адабиётлар таҳлили асосида фармакоиқтисодий тадқиқотлар ёритиб берилди. Ревматизм касаллигида қўлланадиган бензилпенициллин, бензатин бензилпенициллин ва шу каби дори воситаларини тўғри танлаш, шу асосида самарадорлиги исботланганларини янада кенг қўллаш маблағни қисқартиришга олиб келиши бўйича илмий изланишларга шарҳ берилди. Шарҳ асосида, маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан истеъмолчилар ва даволаш-профилактика муассасалари учун ҳамёнбоп нархлардаги ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг янада кенг ҳажмда ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида янада кенг қўллаш учун илмий таклифлар ишлаб чиқишга назарий асос бўлади.*

Калит сўзлар: *ревматизм, касаллик, беморлар, қўлланадиган, дори воситалари, ассортимент, нархлар, самара, сарф-харажатлар, амбулатор, стационар шароит.*

Аннотация. *В мире фармакоэкономический анализ ревматических и ревматических заболеваний сердца, лекарственные средства, применяемые при ревматических и ревматических заболеваниях. Был проведен обзор научных исследований по правильному отбору и использованию бензилпенициллина, бензатин бензилпенициллина и генерических препаратов, используемых при ревматическом заболевании, для снижения затрат. На основании обзора, это теоретическая основа для разработки научных рекомендаций для более широкого использования отечественных фармацевтических компаний в сфере потребителей и лечебно-профилактических учреждений для более доступного применения лекарственных средств при ревматическом заболевании и более широкого применения в медицинской практике.*

Ключевые слова: *ревматизм, болезнь, пациенты, применение, лекарственные средства, ассортимент, цены, эффективность, затраты, амбулаторное лечение, стационарные условия.*

Summary. *In the world, pharmacoeconomic analysis of rheumatic and rheumatic heart diseases, drugs used in rheumatic and rheumatic diseases. A review was made of scientific research on the correct selection and use of benzylpenicillin, benzathine benzylpenicillin and generic drugs used in rheumatic disease to reduce costs. Based on the review, this is a theoretical basis for the development of scientific recommendations for the wider use of domestic pharmaceutical companies in the field of consumers and medical institutions for more affordable use of drugs in rheumatic disease and wider use in medical practice.*

Key words. *rheumatism, disease, patients, use, medicines, assortment, prices, efficiency, costs, outpatient treatment, inpatient conditions.*

Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясининг мақсади, вазифалари мамлакатнинг хўжалик тизимини ислоҳ қилиш асосида ҳар бир фуқаронинг соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечиришини ва яшаш сифатини оптималлаштиришни таъминлаш, миллат соғлиғини сақлашни кафолатлаш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб муаммолардан бири ревматизм касаллигини даволаш, дори воситалари билан таъминлаш ва профилатика ишларини олиб бориш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумки, ревматизм касаллигида беморлар амбулатор ва стационар шароитда даволаниб, уларнинг сарф-харажатлари кўрсаткичи юқоридир. Демак, ревматизм касаллигининг таснифи, этиологияси ва унда қўлланиладиган дори воситалари ҳақидаги адабиётлар асосида назарий шарҳнинг таҳлили тиббиёт ва фармацевтикада маркетинг ҳамда фармакоиқтисодий тадқиқотларни олиб бориш заруратини асослаб беради. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш, ревматизм касаллигини дори препаратлари билан таъминлашда аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг маблағидан оқилона фойдаланиш ва беморларга арзон ҳамда самарали дори воситалари гуруҳларини тавсия этиш учун адабиётлар орқали шарҳ ёритиш шу куннинг долзарб муаммосидир.

Юракнинг ревматик ва ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситалари таҳлили

Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари орасида энг кўп қўлланиладиган дори воситаларига ацетилсалицил кислотаси, натрий диклофенак, милоксикам, нимесулид, коксиблар кирган. Бод касаллигининг чўзилган шаклида, одатда, ностероид

яллиғланишга қарши дори препаратлари аминохинолин ҳосилалари – делагил ёки гидроксихлорохин (плаквенил) билан бирга қўшилган ҳолда кўп ойлар давомида, зарур бўлса йиллар давомида 0,25 мг ва 0,2 г дозада кунига икки маҳал шифокор назорати остида қўлланилади (ножўя таъсирлари – гастралгиялар, кўриш бузилиши, лейкопения, дерматитлар ва бошқлар).

Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари турли мутахассислар томонидан, биринчи навбатда ревматологлар томонидан ҳар куни тайинланади. Ҳақиқий клиник амалиётда ва анжуман ҳамда съездларда ушбу синф дори препаратлари доимий равишда ревматологлар эътибори остида.

Европада оғриқни қолдириш мақсадида қўлланиладиган дори препаратлари ичида биринчи ўринни ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари эгаллайди.

Замонавий ревматологик амалиётида ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари ўрнини аниқлаш энг қизиқарли масала ҳисобланади. Немис олимлари [26] томонидан ўтказилган тадқиқотда 1997 йилдан 2007 йилгача бўлган вақт оралиғида ревматик артрит оғирлик даражаси ва оқибатлари ўрганилган. Ишнинг негизини ревматик артрит билан касланган 38 723 нафар беморларнинг маълумотларини тутган миллий маълумотлар базаси ташкил қилди. Даволашнинг янги услубларини қўллаш, асосан ген-инженер биологик дори препаратларини, шунингдек, базис ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларини комбинирланган тарзда тайинлаш ревматик артритни даволашда шубҳасиз прогрессга олиб келди [24]. Масалан, юқори фаолликдаги ревматик артритли (DAS 28>5,1) беморлар сони 1997 йилдаги 35,9 фоиздан 2007 йилдаги 10 фоизгача камайди. Ревматик артритнинг фаоллиги паст бўлган (DAS 28<3,2) ва ремиссия ташҳисланган (DAS 28<2,6) беморлар сони анча кам бўлди – мос равишда 22,5 ва 49,1 фоиз ҳамда 13,7 ва 27,3 фоиз. Лекин бунда ВАШ бўйича баҳоланган оғриқ жадаллиги амалда ўзгармади. Агар 1997 йилда ВАШ шкала бўйича ўртача баҳо 4,7 баллни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 4,5 баллга тенг бўлди; анча ифодаланган оғриқ (7–10 балл), мос равишда 27,6 ва 23,2 фоиз беморларда қайд қилинган. Симптоматик оғриқ қолдирувчи дори препаратларига бўлган талаб ўзгармасдан қолган. Агар 1997 йилда Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларини 47,3 фоиз қабул қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 44,7 фоизга тенг бўлди. Бунда бошқа синфга тааллуқли аналгетикларни қабул қилувчилар сони бирмунча ошган – 7,5 дан 11,4 фоизгача.

Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларининг ген-инженер биологик дори препаратлари билан биргаликда қўллаш самарадорлигини текшириш натижаларини 2010 йил июнь ойида ўтказилган European League Against Rheumatism (EULAR) конгрессида тақдим қилишган. Муаллифлар ревматик артрит сабабли ген-инженер биологик дори препаратлари (этанерцепт, анакинра, адалимумаб, натализумаб, инфликсимаб ва абатацепт)ни глюкокортикоидлар билан бирга ва уларсиз қабул қилган 761 нафар беморларни кузатишган. Ген-инженер биологик дори препаратларини, глюкокортикоидларни олмаган назорат гуруҳи беморларида оғриқ ифодаланганлиги ўртача 16,5 мм га (ВАШ бўйича 100 мм), ген-инженер биологик дори препаратлари билан даволанган беморларда оғриқ 11,4 мм га, глюкокортикоидлар қўлланилганда 19,3 мм га, ген-инженер биологик дори препаратларини ва глюкокортикоидларни бирга қўлланилганда 18,8 мм га камайди. Шу билан бир вақтда эторококсибни 90 мг/кун дозада олган беморларда оғриқнинг анчагина, мос равишда 33,2, 30,9, 32,7 ва 19,9 га камайиши кузатилди [23, 27].

Бўғимларда оғриқларнинг тарқалганлигини ва даволашни текширишга қаратилган Россияда ўтказилган кўп марказли тадқиқот кўрсатдики, сотилиши бўйича етакчи ўринни ибупрофен эгаллайди. Кейинги ўринда кетолак туради, сотилган ўрамларнинг сони деярли 29 млн, инъекцион шакллари 5 млн. атрофида бўлган. Учинчи ўринни нимесулидлар эгаллайди. Энг охирги ўринда напроксен дори препаратлари туради.

Циклоспорин А базис ревматизмга қарши воситалар арсеналини бойитди, бу дори препаратлари ҳам монотерапия, ҳам бошқа базис дори препаратлари билан бирга қатор ревматик касалликларда: ревматик артритнинг барча вариантларида, ювенил ревматик артритда, вирусли гепатит С билан бирга келган ревматик артритда қўлланилади [1].

Клиник текширувларда ревматик касалликларда кузатиладиган ўткир оғриқни ва сурункали оғриқ синдромини даволашда этерококсиб дори препаратлари жуда ҳам самарали эканлиги аниқланган. Бу дори препарати ўткир подагрик артритда, ревматик артритда, анкилозловчи спондилоартритда, остеоартрозда, белнинг пастки қисмидаги оғриқларда жуда ҳам самарали бўлиб чиқди.

Дори препаратлари даво таъсири бўйича анъанавий ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларидан қолишмайди, балки индометацин каби препаратдан ҳам кучлироқ самарага эга.

Бирламчи ўткир ревматик иситмалашда даволаш самарадорлиги мезони бўлиб касалликнинг клиник кўриниши белгилари камайиши ҳисобланади: тана ҳароратининг пасайиши, бўғимлардаги оғриқ ва шиш камайиши, юрак оғриғи ва иши бузилиши сўсайиши, тахикардия ҳамда ҳансираш камайиши, аввал катталашган юрак ўлчамлари кичрайиши, буғиқлашган юрак тонлари кучайиши, юрак чўққисида систолик шовқин кучсизланиши, қон айланиши етишмовчилигининг даражаси камайиши кузатилади. Бир вақтнинг ўзида ўткир ревматик иситмалашнинг экстракардиал кўринишлари камаяди ва лаборатор ҳамда инструментал кўрсаткичлар ижобий динамикаси қайд қилинади. Буларнинг барчаси даволашнинг асосий курсини тугатиш ва иккиламчи профилактикани бошлашга хизмат қилади [17, 20].

Ўткир ревматик иситмалашни даволашнинг айрим қисмларида аниқ кўрсатмалар борлигига, охирги йилларда бу муаммони ечимини топишда эришилган муваффақиятларга қарамасдан ўткир ревматик иситмалашнинг қайта ҳужумини ва юрак ревматик касаллиги шаклланишини олдини олиш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ўткир ревматик иситмалашни даволашнинг самарали услубларини ва юрак ревматик касаллигини олдини олишни излаш давом этмоқда [7].

Ўткир ревматик иситмалашнинг бирламчи профилактикасида пенициллин қатори дори препаратларини ҳар қандай стрептококкли инфекцияларда, асосан, бод касаллиги бор оилаларда, 10–14 кунга peros тайинлаш тавсия қилинади.

Иккиламчи профилактика ўткир ревматик иситмалашни бошидан ўтказган ҳамма болаларда йил давомида ўтказилиши керак. Унинг давомийлиги юрак нуқсони шаклланмаган ҳолатларда 5 йилни ташкил

қилади. Агар беморда юрак нуқсони ривожланган бўлса бициллин – 5 билан 10 йиллик ёки умрининг охиригача профилактика ўтказилади. Пенициллинга нисбатан аллергия бўлса, макролидларни ҳар куни “Per os” тайинлаш тавсия этилади [16].

Сифатли бирламчи профилактика масалалари, авваламбор ўз вақтида бажарилган диагностика ва адекват антимикробли даволаш миллий ва халқаро илмий тиббий ассоциацияларнинг доимий эътибори остида. Америка Педиатрия Академияси ва Америка Инфекцион касалликлар Жамияти экспертлари гуруҳлари томонидан тайёрланган тавсияномаларда пенициллин антибиотиклари А-гуруҳи стрептококкли ҳалқум инфекцияларини даволашда танлов дори препаратлари ролини сақлаган. А-гуруҳи бета-стрептококк ташувчиларда антибактериал даволаш кўрсатилмаган. Лекин айрим ҳолатлар борки, уларда антибиотикларни тайинлаш мақсадга мувофиқдир:

– ўткир ревматик иситмалашни қўзиш даврида, постстрептококкли гломерулонефритда;

– А-гуруҳи бета-стрептококкли тонзиллит ёки фарингитда ёпиқ ва яримёпиқ жойларда (ҳарбий қисмлар, интернатлар ва бошқалар;

– бемор анамнезида ёки яқин қариндошларида ўткир ревматик иситмалаш бўлганда;

– А-гуруҳи бета-стрептококк ташувчиларида тонзилэктомияга кўрсатмалар бўлганда. Кўрсатиб ўтилган вазиятларда амоксициллин / клавуланат ёки клиндомицин билан 10 кунлик даво курси мақсадга мувофиқ.

Бензатинпенициллинни қўллаш (айрим ҳолатларда бутун умр давомида) ўткир ревматик иситмалашнинг иккиламчи профилактикаси негизини ташкил қилади. Ҳозирги вақтда бензатинпенициллинни ҳар 3 ҳафтада 1 марта схема бўйича тавсия қилишнинг ижобий томонлари тасдиқланган [3].

Ўткир ревматик иситмалашни даволаш ва сурункали ревматик юрак касаллигини профилактикасига оид Миллий тавсияномада β-гемолитик А стрептококкни эрадикация қилишни бензилпенициллиннинг 1,5–4 млн ТБ кунлик дозада катталар ва ўспиринларда, 400–600 минг ТБ болаларда 10 кун давомида қўллаш ва кейинчалик бензатинбензилпенициллинга ўтиш кўрсатилган [2].

Соғлом одамларда ўтказилган тадқиқотларда аниқланганки, А-стрептококка қарши рекомбинант вакцина иммунитетни оширади ва токсик таъсир қилмайди [3].

Этиотроп даводан сўнг иккиламчи профилактика босқичи бошланади. Бензатинбензилпенициллин – иккиламчи профилактиканинг асосий дори воситаси – ҳар 3 ҳафтада 1 марта мушак орасига (катталар ва ўспиринларда 2,4 млн ТБ; вазни 25 кг дан енгил болаларда – 600 000 ТБ; вазни 25 кгдан оғир болаларда – 1,2 млн ТБ). Иккиламчи профилактика давомийлиги ҳар бир пациент учун индивидуал танланади [5].

Охирги йилларда иқтисодий ривожланган давлатларда фармацевтика саноатнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда, шу сабабли фармацевтика бозорда дори воситалари ассортименти кенгаймоқда. Шу билан бирга дори воситалари нархининг ҳар йилги ўсиши билан боғлиқ анчагина турғун мойиллик бор, бу иқтисодга асосан сотиб олишлик қобилиятининг анчагина камайишига сабабчи бўлди. Бундай шароитда дори воситалари билан ёрдам кўрсатишнинг кам харажатли технологиялари талаб қилинади.

Охирги йилларда тиббиёт амалиётда фармакотерапия соҳасида катта ҳажмдаги маълумот тўпланган. Бу ҳолат ҳам дори воситаларини, ҳам молиявий ресурсларни оқилона ишлатиш жараёнини мураккаблаштирди, шунингдек, энг самарали, хавфсиз ва энг кам харажатли дори воситаларини танлашни қийинлаштирди. Юзага келган бундай вазият дори воситаларига бўлган ёрдам тизимини адаптациялаш ва аниқ тиббий технологиянинг нафақат мақсадга мувофиқлигини ва нархини, балки тиббий аралашувлар натижаларини объектив баҳолашга имкон берувчи комплекс ёндашишни ишлаб чиқишни тақоза этди. Бу керакли самарага эришиш билан боғлиқ амалий харажатларни аниқлашда ёрдам беради [22].

Юракнинг ревматик ва ревматизм касаллигининг фармакоиқтисодий таҳлили

Хорижий мамлакатлар тадқиқотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун иқтисодий ривожланган давлатларда у ёки бу даволашнинг самарадорлик кўрсаткичларини фармакоиқтисодий таҳлил қилишнинг қиёсий услублари қўлланила бошланди, масалан харажатларни минималлаштириш таҳлили (CMA – cost-minimizationanalysis); «харажат–самарадорлик» таҳлили (CEA – cost- effectivenessanalysys); «харажат–фойда» (утилитарлик) (CUA – cost-utilityanalysis); «харажат-манфаат» (фойда) (CBA – cost-benefitanalysis).

COI-costofillness – «касаллик нархи» таҳлили ҳам катта аҳамиятга эга, унга даволаш, профилактика, ташҳислаш, реабилитация ва бошқалар қиймати киради [13, 14, 15].

Юракнинг ревматик касалликларини олдини олиш имкониятлари бўлса ҳам паст ва ўрта даромадли давлатлар соғлиқни сақлаш тизими ва юқори даромадли давлатлар ҳамжамияти учун жиддий муаммо туғдиради [12]. Ҳозирги вақтда юракнинг ревматик касаллиги чамаси 33 миллион одам чалинган (2017 йил 31 март санасига нисбатан), ва 2015 йилда юрак ревматик касаллиги 305 000 ўлим ҳолати ва меҳнатга лаёқатсизликка мос келган 11,5 миллион йўқотилган умр йиллари сабабчиси бўлди. Ушбу ҳолатларнинг 60 фоиз вақтидан илгари бўлган (яъни 70 ёшдан олдин). Профилактика ва даволаш учун самарали тадбирлар мавжудлигига қарамасдан 2000 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда умумий ўлим ҳолатига нисбатан юрак ревматик касаллиги сабабли ўлим улуши унча ўзгармаган. Юрак ревматик касаллиги билан энг кўп Африка, Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океанининг Ғарбий қисми азият чекади – 2015 йилда бу ҳудудларда касалликнинг 87 фоиз қайд қилинган, ва баҳоланиш бўйича юрак ревматик касаллиги сабабли ўлимнинг 80 фоиз аниқланган. Юрак ревматик касаллиги билан касалланишнинг барқарор юқори даражасига эга давлтлар анчагина жиддий иқтисодий харажатларга эга. Касаллик болалар ва ёш инсонларга энг кўп таъсир кўрсатади. 2010 йилда юракнинг ревматик касаллиги сабабли юзага келган глобал харажатлар дисконтланган 2 200 млрд. АҚШ долларига ёки дисконтланманган 5 400 млрд. долларга тенг бўлган. Болаларда ревматик иситмалаш ва юракнинг ревматик касаллиги мактабга бориш кўрсаткичини ёмонлаштиради, мактабдан кетиш ҳолатини кўпайтиради вакатталарда иш ҳақи йўқотилишига олиб келади. Бразилия мисолида кўришимиз мумкинки, ревматик иситмалаш ҳар йили оила учун ҳар бир беморга нисбатан 97 АҚШ долларига тушади, жамият учун эса биртта беморга нисбатан 320 АҚШ доллари, шу билан бир вақтда битта бемор учун иккиламчи профилактика учун харажат қилинган маблағ 23 АҚШ долларига тенг [4].

Фармакоиқтисодий таҳлил ўтказиш маълумотларнинг 2 та асосий гуруҳини қўллашга

асосланади, яъни харажатлар ва самарадорлик кўрсаткичлари. Харажатлар бевосита, билвосита ва сезилмайдиган турларга бўлинади. Бевосита харажатларга дори воситалари, ташхислаш, даволаш, профилактика, касаллик варақаларини тўлаш ва бошқалар киради. Билвосита харажатлар ўз ичига меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик, вақтидан илгари ўлим ҳолатлари сабабли юзага келган ички маҳсулот йўқотилишларини олади. Сезилмайдиган харажатларга беморнинг аҳволига ва ҳаёт сифатига таъсир қилувчи субъектив баҳоланадиган даволаш жиҳатлари киради [13].

Ревматик артрит ва анкилозловчи спондилоартритнинг дори воситалари билан даволашга кетган харажатларнинг қиёсий фармакоиқтисодий таҳлили кўрсаткидики, ФНО-α ингибиторлари қўлланилган ҳолда ревматик артритни даволаш иқтисодий томондан анчагина мақсадга мувофиқ. Бунда аниқландики, битта беморни инфликсимаб билан даволаш ритуксимаб билан даволашга солиштирганда харажатлар 11,4 фоизга, адалимумаб қўлланилганда 73,9 фоизга, тоцилизумаб ишлатилганда 25,2 фоизга, этанерцетат қўлланилганда 110 фоизга кўп бўлди. Демак инфликсимаб билан даволаш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади [18].

Буюк Британия олимлари анкилозловчи спондилоартритни даволашда кетган харажатларни иккита коксиблар – эторикоксиб ва целекоксибни қўллашни анъанавий ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари – напроксен ва диклофенак қўлланилиши билан солиштиришган. Ҳисобларга кўра, ушбу касалликни даволашда энг фойдали дори препаратлари бўлиб эторикоксимаб ҳисобланган, бу препаратнинг яхши таъсири ва дори препаратларига тааллуқли асоратлар нисбатан камлиги билан аниқланади. Олинган маълумотларга биноан, 30 йиллик кузатувда эторикоксиб қўлланилишининг целекоксиб қўлланилишига нисбатан 13 629 фунт, диклофенак қўлланилишига қараганда 9 957 фунт, напроксен қўлланилишига солиштирганда 9 863 фунт тежалишини кутиш мумкин [25].

Россия иштироки билан кечган кўп марказли халқаро тадқиқотларда мовалиснинг ревматоид артритни даволашда диклофенакка солиштирганда анча самарали эканлиги тасдиқланган [11].

Учта давлатда Вольтарен-ретард билан солиштирган ҳолда мовалис дори препаратларини 7,5 кунлик дозада қўлланилишининг иқтисодий таҳлили кўрсатдики барча давлатларда Вольтарен қўлланилишга қараганда мовалис билан даволаш фойдалироқ бўлиб чиқди: Францияда 32 фоизга, Буюк Британияда 24 фоизга, Италияда 5 фоизга. Агар текширилаётган дори препаратлари билан даволаш курсининг нархини ҳисобга олмасак, дори воситалари орасидаги фарқ ортади (фарқ, мос равишда 45, 23 ва 12 фоизни ташкил қилди).

Мовалисни кунига 7,5 мг, Вольтаренни кунига 100 мг дозада олган гуруҳларда “касаллик нархи” текширилганда аниқланганки, битта беморни 4 ҳафта мобайнида мовалис билан даволаш нархи 446,3 рублни, Вольтарен билан даволаш 552,2 рублни ташкил қилган (фарқ 19,2 фоиз). Битта беморда меъда-ичакдаги минимал асоратларини даволаш нархи 168,6 рублга тенг, амбулатор шароитда ярани даволаш 304,9 фоизга, ярани стационарда даволаш 4 700,95 рублга тенг. Натижада битта беморни мовалис билан даволаш (асоратларини ҳисобга олган ҳолда) 449,96 рублни, Вольтарен қўлланилганда 570,85 рублни ташкил этади [15].

Жаҳонда ревматик касалликлар энг қиммат касалликлар гуруҳига киради. Масалан, бевосита харажатлар (тиббий ва нотиббий) мураккаб лаборатор ва инструментал текшириш услубларини тақоза қиладиган ташҳислаш, даволаш (узоқ вақт, комплекс, қиммат услублар қўлланиладиган даволаш, масалан, пульс-даволаш, плазмафорез, биологик агентлар), операциялар, беморларни реабилитация қилиш ва шу кабилардан иборат. Билвосита харажатларни ҳам ҳисобдан чиқариш керак эмас, улар ревматик касаллик билан хасталанган беморнинг меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиш ёки беморнинг вақтидан олдин ўлиши сабабли жамиятга етказилган иқтисодий зарар билан ўлчанади. Одатда, нарх бўйича билвосита харажатлар бевосита харажатларга қараганда анча қиммат туради [21].

Ревматик касаллигига чалинган беморларни ген-инженерли биологик дори препаратлари билан бутун кун давомида ва кундузги стационарда даволашнинг клиник-иқтисодий таҳлили “харажат-самара” услуби ва унинг қисман варианти бўлган “харажатларни минималлаштириш таҳлили” услуби билан амалга оширилган. Таҳлилнинг биринчи босқичида ген-инженерли биологик дори препаратлари билан даволаш харажатлари текширилди. Бунда ревматик артрит, анкилозловчи спондилоартрит каби ревматик касалликарнинг 8 ойлик курси нархи бўйича баҳоланди [6]. Ревматик касалликларни 8 ой давомида даволашнинг энг камхаражат талаб қилган дори препаратлари бўлиб этанерацепт ҳисобланди. Бу дори препаратлари билан даволашни олиб бориш ревматик артритни даволашнинг бир курси таннархини 32–42 фоизга, анкилозловчи спондилоартритда 38 фоизга камайтирди. Аксинча ген-инженерли биологик дори воситалари ичидан энг қимматга тушган дори препарати бўлиб инфликсимаб ҳисобланди. Соғлиқни сақлаш тизимининг 57 нафар беморни таъминлашга кетган харажати 36,26 млн. рублни ташкил қилди, бунда беморларни госпитализациялашга кетган харажатлар 2,88 млн. рублга етиб борди (7,93 фоиз). Тиббий ёрдамни кундузги стационарда амалга ошириш суммар харажатларни 34,19 млн рублгача қисқартириш имконини беради, бунда тиббий муассасада бўлиш учун кетган харажат 0,80 млн. рублга тенг бўлди. Ревматик касалликларни стационар ва кундузги стационар шароитида даволашнинг харажатлари орасида фарқ ген-инженерли биологик дори препаратлари билан даволашни клиник амалиётда кенг жорий қилиш ҳақида далолат беради [9].

Ревматик касалликка чалинган беморнинг шахс сифатида ёки оила ва жамият аъзоси сифатида йўқотадиган номатериал ёки “Сезилмайдиган” харажатлари ҳам мавжуд. Ревматик касалликларга кетган харажатлар қиймати ҳақида қуйидаги маълумотлар далолат беради: Буюк Британияда фақат артритларга кетган бевосита харажатлар бир йилда 1,3 млрд. фунт стерлингни ташкил қилади; Канадада рематик касалликлар учун сарфланган умумий харажат 1994 йилда 61,4 млрд. канада долларини ташкил этган, бу онкологик касалликлар харажати билан баробардир; Европанинг ривожланган давлатларида ревматик касалликка чалинган битта бемор учун кетган сарф-харажат бир йилда 15 минг еврога тенг бўлган [21].

Россияда ўтказилган фармако-иқтисодий таҳлили натижаларига кўра, этанерцепт ва тофацитиниб билан комбинирланган даволашда бемор-йил ремиссиясининг энг кўп сонига эришилди. Бундан ташқари, ушбу комбинация адалимумаб ва инфликсимаб қўлланилган даволашга солиштирганда соғлиқни сақлаш тизими бюджетини минималлаштириш имконини берди.

Этанерацепт ва тофацитиниб фойдасига танлашни беморнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш тавсия этилади [8].

Монотерапияга нисбатан унча самара бермаган ҳолатда абатацепт ва адалимумаб қўлланилишини баҳолаш учун “харажат-самарадорлик” таҳлили ўтказилганда аниқландики, абатацепт қўлланилганда 2 йил мобайнида харажатлар тежалиши садалимумабга солиштирганда 100 нафар беморга нисбатан 21 999 273 рублни ёки бир нафар беморга нисбатан олганда 219 993 рублни ташкил қилган.

American College of Rheumatology (ACR) – Америка ревматология коллегиясининг мезонлари. Шу билан бир вақтда абатацепт адалимумабга қараганда ревматик артрит учун клиник самарадорликнинг барча мезонлари (ACR 20, 50, 70, 90; DAS-28; HAQ-DI; CDAI; SDAI) бўйича самарадорликнинг битта бирлиги учун энг кам харажаталарга эга, демак фармакоиқтисодий нуқтаи назаридан монотерапияга жавоб бермаган ревматик артрит бор беморларда бу даволаш яхши самарага эга [10].

Юракнинг асоратланган срункали ревматик касаллигини даволашда қўлланиладиган дори препаратларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун "хражат-самарадорлик” коэффициенти – CER ва «харажат-фойда (утилитарлик)» коэффициенти – CUR ҳисобланди. Юракнинг ревматик сурункали касаллиги мавжуд беморларда сурункали юрак етишмовчилигида дори препаратлари билан даволаш стандарти бўйича таҳлил қилишда аниқланганки, 80 фоиздан кўп дори препаратлари истеъмол қилган беморларда 80 фоиздан кам дори препаратлари қабул қилган беморларга солиштирганда “нарх–самара” ва “нарх-фойда” коэффициентининг энг паст бўлиши аниқланди, яъни мос равишда CER = 15,4; CUR = 19; 15,6; 13,3; 105,5 ва 12,9; 12,0; 79,7, бу ушбу даволашнинг иқтисодий томондан анча мақсадга мувофиқлигини билдиради. Моделлаштириш натижаларига кўра, сурункали юрак етишмовчилигини комбинирланган тарзда даволашда (стандарт даволашнинг 80 фоиздан кўпроғига мос келганда) бир йилда тежалиш битта одамга 1715,8 рублни ташкил қилган [19].

Фармакоиқтисодий баҳолаш услубларининг кўпчилиги нафақат тиббий аралашувларнинг турли даражадаги бюджетга таъсирини ўрганади, балки ижтимоий аҳамиятли касалликлар учун фармакоиқтисодий ва фармакоэпидемиологик моделларни ишлаб чиқариш имконини беради. Бундай моделларни ишлаб чиқиш турли тиббий манбалардан олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилишдан иборатдир. Моделлаштириш ёрдамида жиддий молиявий ресурсларни ишлатмаган ҳолда қисқа вақт ичида фармакоиқтисодий таҳлил натижаларини олиш мумкин. Фармакоиқтисодий баҳолаш услубларини қўллаш у ёки бу даволашда дори воситаларининг ассортиментини адаптациялаш имконини беради [13, 22].

Фармакоиқтисодий таҳлилни қўллаш турли тиббий технологияларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини объектив баҳолаш имконини беради ва натижада соғлиқни сақлаш ресурсларини оқилона ишлатишга шароит яратади ҳамда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва фармацевтика бўйича талабларни амалга оширишда ёрдамлашади.

Хулосалар.

1. адабиётлар шарҳи бўйича юракнинг ревматик ва ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситалари, ўткир ревматик иситмалашни даволаш, юракнинг ревматик ва ревматизм касалликларнинг фармакоиқтисодий таҳлилининг назарий ва услубий жиҳатлари таҳлил қилинди.

2. Таҳлил натижаларига асосланиб, дори воситаларининг таъминланишини оптималлаштириш, фармакоиқтисодий изланишлар олиб бориш, ревматизм касаллигида дори воситалари таъминотини тўғри ташкил этиш, ҳамда иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш йўлларини белгилаб олиши мумкин.

3. Ревматизм касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлили ва таъминотини такомиллаштириш жиҳатдан илмий изланишлар ва муаммолар таҳлил қилинди.

4. Соғлиқни сақлаш тизимида ревматизм касаллиги бўйича дори воситалари таъминотига оид муаммоларга тез-тез дуч келиш мумкин. Ҳар бир муаммо учун алоҳида назарий ва услубий ечим танлаш зарур. Бу борада ревматизм касаллигида қўлланиладиган дори воситалари истеъмоли бўйича адабиётлар шарҳи асосида олиб борилаётган илмий изланишлар ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алекберова, З. С., Герасимова, Е. В., Голоева, Р. Г., Насонов, Е. Л. Тромбозы и ревматические заболевания: частота встречаемости и механизмы развития (обзор и собственные данные) // Научно-практическая ревматология. – 2012. – № 1. – С. 65-68

2. Балабанова Р.М. Заболеваемость населения России острой ревматической лихорадкой и хроническими ревматическими болезнями сердца (2011–2012 гг.) // Современная ревматология. – 2014. – № 1. – С. 14–17.

3. Белов Б.С., Кузьмина Н.Н., Медынцева Л.Г. Острая ревматическая лихорадка в XXI веке. Проблемы и поиск решений. // Медицинский совет. – 2016. – № 9. – С. 96–101.

4. Всемирная организация здравоохранения Исполнительный комитет // Сто сорок первая сессия. Пункт 6.2 предварительной повестки дня. EB141/4. 1 мая 2017. – С. 2–7.

5. Дзяк Г. В. Острая ревматическая лихорадка принципы диагностики и лечения // Сучасні медичні технології, 2009. – № 1. – С.56– 63.

6. Дубиков А.И., Бондарева Ж.В., Левашева Л.А., Борисенко Е.А. К вопросу о «Золотом стандарте» в биологической терапии ревматических заболеваний // Тихоокеанский медицинский журнал, 2015. – № 4. – С. 17–20.

7. Казакова Л.М. Острая ревматическая лихорадка. Мать и дитя в Кузбассе. – № 1 (28). – 2007. – С. 7–9.

8. Колбин А. С., Курылев А. А., Проскурин М. А., Балыкина Ю. Е. Фармакоэкономический анализ лекарственных средств, применяемых в лечении ревматоидного артритапри неэффективности базовых противовоспалительных средств. // Фармакоэкономика. Современная фармакоэкономика и фармакоэпидемиология. – 2016. – Том 9. – № 3. – С. 20–28.

9. Кореннова О.Ю., Шукиль Л.В., Мальцев С.Н., Клинышков И.А., Леганова Н.М., Турушева Е.А., Кропотина Т.В. Фармакоэкономическое обоснование применения генно-инженерных биологических препаратов в амбулаторных условиях // Современная фармакоэкономика и фармакоэпидемиология. 2016. – Том 9, – № 1. – С. 39–48.

10. Куликов А.Ю., Почуприна А.А., Голтни Дж. Фармакоэкономическая оценка применения абатацепта в

сравнении с адалимумабом на основе анализа «Затраты-эффективность» у взрослых пациентов с ревматоидным артритом // Фармакоэкономика. Теория ипрактика. 2015. – Том 3. – №2. – С. 25–30.

11. Насонов, Е. Л., А. В. Гордеев, Е. А. Галушко. Ревматические заболевания и мультиморбидность // Терапевтический архив (архив до 2018 г.). – 2015. – № 5 (87). – С. 4-9.

12. Суюнов Н. Д., Талипова Д. А., Ражабова Д. Х., Урунова И. И. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлили // O`zbekiston farmasevtik xabarnomasi. – Тошкент, 2019. – № 2. 37–45-б.

13. Суюнов Н.Д., Зайнутдинов Х.С. Клинико-фармакоэкономический анализ: основы и методы // Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 2008. – №4. – С. 76–82.

14. Суюнов Н.Д., Зайнутдинов Х.С. Оценка экономической эффективности лекарственной терапии // Фармацевтический вестник Узбекистана. – Ташкент, 2008. – №3. – С. 9–13.

15 Суюнов Н.Д., Зайнутдинов Х.С. Совокупный анализ и затраты на медицинские услуги // Фармацевтический журнал. – Ташкент, 2008. – №3. – С. 13–17.

16. Суюнов Н.Д., Талипова Д.А., Абдухаликова Н.У. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситалари ассортиментининг таҳлили // Ибн Сино Жамоат фонди Абу Али ибн Синонинг фармация ривожига қўшган ҳиссаси ва замонавий фармацевтиканинг долзарб муаммолари илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. – Тошкент, 2018. – Б. 71-73.

17. Суюнов Н.Д., Талипова Д.А., Абдухаликова Н.У. Юрак-қон томир касаллигида қўлланадиган дори воситалари истеъмолининг таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2018. – № 1. - Б. 9-13.

18. Талипова Д.А.қ. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари // 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Суюнов Н. Д. – Тошкент, 2018. 97-б.

19. Хохлов А.Л., Спешилова С.А., Кондарева Е.А. Прогноз и фармакоэкономические аспекты сердечной недостаточности при хронической ревматической болезни сердца // Клиническая геронтология. – 2005. – №4. С. 52–59.

20. Черкашин Д.В., Кучмин А.Н., Шуленин С.Н., Свистов А.С. Ревматическая лихорадка // Клиническая медицина. 2013. – № 7. – С. 4–12.

21. Шукурова С.М., Абдуллоев М.Ф., Каримова Г.Н., Тоиров Х.К. Медико-социальная значимость ревматических заболеваний // Научно-медицинский журнал «Вестник Авиценны» Таджикского Государственного медицинского университета имени Абу али ибни Сино. №4, октябрь-декабрь 2012. – С. 163–168.

22. Ягудина Р.И., Скулкова Р.С. Основы фармакоэкономического анализа // Ведомости НЦЭСМП. – 2011. – №2. – С. 56–59.

23. Cutolo M., Pizzorni C., Sulli A. Vitamin D endocrine system involvement in autoimmune rheumatic diseases // Autoimmunity reviews. – 2011. – № 11 (2). – P. 84-87.

24. Hollan I., Meroni P. L., Ahearn J. M., Tervaert J. C., Curran S., Goodyear C. S., Wasko M. C. Cardiovascular disease in autoimmune rheumatic diseases // Autoimmunity reviews. – 2013. – № 12 (10). – P. 1004-1015.

Олдинги асрнинг 90-йилларида Европа ва АҚШнинг ривожланган давлатларида мактаб ўқувчиларининг ўткир ревматик иситмалаш билан ҳар йиллик касалланиши 100 000 болаларга нисбатан олганда 1 нфардан паст эди, ривожланаётган давлатларда эса у кўрсаткич жуда катта фарқ билан намоён бўлган: 1 нафардан (Коста-Рика) 100 нафаргача (Судан) ва 150 нафаргача (Хитой). Бунда юракнинг сурункали ревматик касаллиги тарқалганлиги мактаб ёшидаги 1000 болага нисбатан 0,2 нафарни ташкил қилди (Соғлиқни сақлаш тизими яхши ривожланган Куба давлатида), Самоа мамлакатида эса бу кўрсаткич 77,8 га тенг бўлди. Россия Федерациясида ўткир ревматик иситмалаш ва юракнинг сурункали ревматик касаллиги билан бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичи 2005–2010 йилларда паст даражада бўлган, бунда 100 000 болалар аҳолисига нисбатан 0–14 ёшдаги болалар орасида ўткир ревматик иситмалаш 3,02–1,9 / 9,97–4,4 ни; юракнинг сурункали ревматик касаллиги 4,9–2,7 / 29,3–19,0 ни, 15–17 ёшдаги ўспиринлар орасида мос равишда 4,8–3,2 / 11,69–7,8 ва 9,0–6,0 / 64,5–47,5 ни ташкил қилган [7].

Ўткир ревматик иситмалашнинг 5–14 ёшдаги болалар орасидаги "Глобал оғирлиги" ҳар йилига 336 минг янги ҳолатларни кўрсатди. Буни барча ёш тоифаларига айлантирганимизда кўрсаткич бир йилда 471 мингни ташкил қилади. Жаҳонда юракнинг сурункали ревматик касаллиги билан хасталанган беморлар сони 14,5 млн. дан 19,6 млн.гача ўзгариб туради. Юракнинг сурункали ревматик касаллиги сабабали ўлим кўрсаткичи Ер юзида 1,5 фоизни ташкил этади, Осиё ҳудудларида бу кўрсаткич 3,3 фоизга тенг. 2014 йилда Россия Федерациясида ўткир ревматик иситмалаш билан бирламчи касалланиш 0–14 ёшдаги 100 000 болаларга нисбатан 1,8 ни, ва бутун аҳолига нисбатан 2,7 нафарни ташкил қилган. Шу билан бир вақтда Шимолий-Кавказ федерал округида бу параметрлар жидий тарзда юқори бўлган – мос равишда 12,0 ва 8,0. 2014 йилда кўрсатиб ўтилган ёшларда юракнинг сурункали ревматик касаллиги тарқалганлиги 100 минг аҳолига нисбатан мос равишда 11,8 ва 118,4 нафарни ташкил қилган. Бунда ушбу кўрсаткичларнинг максимал қийматлари шимолий-Кавказ федерал округида қайд қилинган – мос равишда 93,8 ва 200,4 [1].

Қирғизистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика тиббий-информатика маркази маълумотларига биноан, охирги 15–20 йил ичида ревматик иситмалашни учраш тезлигининг кўпайиши қайд қилинган, бунда болалар орасида ногиронлар сони 13 марта, катта ёшдагилар ва ўспиринлар орасида 1,2 марта ошиши кузатилган. Ревматик иситмалаш аниқланган ўлим ҳолати болаларда 15,0 фоизга, ўспиринлар орасида

33 фоизга, катталар орасида 7,5 фоизга ошган.

Беморларда А гуруҳи β-гемолитик стрептококклари юқори нафас йўллари шикастланишининг ва кейинчалик ревматизм касаллигини ривожланишининг энг кўп сабабчиси ҳисобланади. Ревматизм ривожланиши шароитининг бири бурун-ҳалқум стрептококкли инфекцияси кучлилиги ва унинг етарлича даволанмаганлиги ҳисобланади. Стрептококкли инфекциянинг бод касаллигидаги аҳамияти ҳақида беморларнинг кўп қисмида стрептококка қарши антитаначалар – АСЛ-0, АСГ, АСК, В-антидезоксирибонуклеазалар (В анти-ДНКлар)нинг юқори титрларда аниқланишидан далолат беради.

Стрептококкли касалликларнинг қайталаниши аҳоли орасида айланиб юрувчи қўзғатувчиларнинг серотиплари алмашиниши билан боғлиқ: М-типдаги 2, 4, 12, 22 и 49 серотипларни ревматоген ёки токсиген М-типдаги 1, 3, 5, 6, 18, 24, 28 серотиплар алмаштирди. Мос равишда ревматик иситмалаш ва токсикоинфекциялар (токсик тонзиллофарингит, скарлатина ва токсик шок синдроми) билан касалланиш ортди. Қўзғатувчида "Кўп қирралилик" мавжуд (М-оқсил бўйича 100 тадан ортиқ серотиплар; ревматоген ва нефритоген типлар фарқланади) ва организмнинг турли тўқималарга нисбатан политроплилиги хос. Ҳозирги кунда А гуруҳ стрептококкларининг 9 та суперантигенлари ва патогенликнинг яна 11 та бошқа омиллари маълум, улар касалликнинг полиморфизмлигини ва клиник шакллари оғирлилигини аниқлайди. Кўпайиши ва шу тариқа ситокинларнинг кучли чиқарилиши, айниқса, ўсма некроз омили ва «Интерферон-γ»дир. Охирги йилларда F экзотоксин (митоген омил), стрептококкли суперантиген (SSA), эритрогенли токсинлар SpeX, SpeG, SpeH, SpeJ, SpeZ, Sme Z=2 каби суперантигенлар аниқланган. Уларнинг ҳаммаси антигенликни намойиш қилувчи ҳужайраларнинг юзасида экспрессияланган II синф гистомослик комплекси, ва Т-лимфоцитларнинг В-занжири вариабел қисмлари билан таъсирлашиши мумкин, ва уларнинг пролиферациясига ҳамда цитокинлар, асосан ўсма некрози омили ва интерферонни кучли чиқарилишига олиб келади [5].

Бурун-ҳалқумнинг А-стрептококкли инфекцияси қандай йўл билан ўткир ревматик иситмалашга олиб келиши ҳанузгача маълум эмас.

Бод касаллиги этиологияси ва патогенезини ўрганиш негизида муаммонинг иккита жиҳати ётади – бета-стрептококкли инфекция ва бод касаллигига мойиллик. Бод касаллигининг оилавий тури ҳақида ўтган асрда А.А. Кисел маълумот берган, буни у 52 фоиз ҳолатда кузатган. Сибслар орасида бод билан касалланиш умумий аҳоли орасида солиштирганда 6 марта кўп. Охирги йилларда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, В-лимфоцитларнинг аутоантигени билан бод касаллиги орасида боғлиқлик мавжуд, бу ҳолат бод билан касалланганларнинг 95 фоизда ва умумий аҳоли орасидаги болаларни 5 фоизда кузатилади [13].

Ўткир стрептококкли инфекцияни бошидан ўтказганларнинг фақат 0,3–3 фоиз ўткир ревматик иситмалаш билан касалланади. Бод касаллигига чалинган беморлар оиласида гипериммун стрептококкли жавобга мойиллик ва боднинг ҳамда юракнинг ревматик нуқсонлари тарқалганлиги умумий аҳоли орасида нисбатан юқори, асосан биринчи даражали қариндошликларда.

Бод пайдо бўлиши учун стрептококкли инфекция антигенларига нисбатан организмнинг индивидуал гипериммун реакцияси ва ушбу жавобнинг давомийлиги муҳим. Ўткир ревматик иситмалаш патогенезида ва унинг юрак ревматик касаллигига ўтишида иммунологик механизмларга катта аҳамият берилади. Стрептококк антигенларига жавобан ишлаб чиқарилган антитаначалар молекуляр мимикрия феноменига мувофиқ оқсиллар ва бириктирувчи тўқима антигенлари билан реакциялашади ва касалликнинг клиник кўринишларини чақиради. Айнан шу механизм турли туман ҳужайра ва гуморал реакцияларни бошлайди ва структура ҳамда функционал бузилишларни ривожлантиради. Аутоиммун реакциялар ҳатто бета-гемолитик стрептококкларнинг организмда қирилишидан ҳам сўнг сақланиб қолади [2].

Ўткир ревматик иситмалаш юзага келишида ва юрак клапинларининг фиброз ўзгаришлари кучайиб боришида яллиғланиш олди ва яллиғланиш цитокинлари ҳам катта роль ўйнайди.

Бод касаллигига мойиллик стрептококкга қарши иммунитетнинг алоҳида реакцияси билангина чекланиб қолмайди, бод билан хасталанган беморлар оиласида касалликнинг қайталаниш ҳодисалари аҳоли орасида солиштирганда 3 марта кўп учрайди, юракнинг ревматик нуқсонлари эса ҳатто 4 марта кўп кузатилади. Монозиготали эгизакларда бод бўйича конкордантлик ҳам анча юқори (37 фоиз).

Ревматизм касаллигининг асосий клиник кўринишлари ривожланишида иммунопатологик механизмлар билан бирга яллиғланиш ҳам катта рол ўйнайди. Бод касаллиги тизимли касалликларнинг шундай гуруҳига тааллуқлики, бунда яллиғланиш лимфокининлар, кининлар ва биоген аминлар, хемотаксис омиллари каби кимёвий медиаторлар билан боғлиқ, ва улар ўз навбатида ўткир яллиғланишнинг томир-экссудатив босқичи ривожланишига олиб келади. Ревматизм касаллигида яллиғланиш реакцияси ривожланишининг бошланғич босқичлари А-гуруҳи стрептококкларининг ҳужайрадан ташқари маҳсулотларнинг ҳужайра мембраналарига, томир ўтказувчанлигига ва токсик таъсирига боғлиқ.

Шундай қилиб, ревматизм патогенези, тизимли томир-тўқимали касаллик сифатида жуда ҳам мураккаб. Маълумки, касаллик ривожланишида стрептококк катта роль ўйнайди, стрептококк организмга токсик ва иммунопатологик таъсир кўрсатади ҳамда чамаси аутоиммун жараённи чақиради. Лекин бу омиллар фақат мойил организмда юзага келади [16].

Ўткир ревматик иситмалаш – А-гуруҳи β-гемолитик стрептококки томонидан чақирилган тонзиллит (ангина) ёки фарингитдан кейин юзага келадиган аутоиммунн, бириктирувчи тўқиманинг тизимли яллиғланишли касаллик. Ўткир ревматик иситмалашнинг асосий клиник кўринишлари бўлиб кардит, полиартрит, ҳалқасимон эритема, тери ости тугунчалари, хорея ҳисобланади, касалликка мойил шахсларда, асосан 7–15 ёшдаги инсонларда юзага келади. Ўткир ревматик иситмалашнинг биринчи эпизодидан кейин 60–65 фоиз беморларда юрак нуқсонлари пайдо бўлади. Ўткир ревматик иситмалашнинг қайта-қайта ҳужумлари юракнинг сурункали ревматик касаллиги ривожланишига сабабчи бўлади [2].

Касалликнинг қуйидаги босқичлари фарқланади:

I босқич – мукоид шиш (қайтар жараён).

II босқич – фибриноид ўзгаришлар (бириктирувчи тўқиманинг қайтмас дезорганизацияси).

III босқич – пролифератив давр (ревматик, «Ашофф-Талалаев» гранулемалари ҳосил бўлиши).

IV босқич – склероз босқичи.

Касалликнинг асосий кўринишларидан бири бўлиб

ревмокардит ҳисобланади, унинг специфик диагностик белгиси – бу Ашофф-Талалаев гранулемасидир. Бу гранулалар периваскуляр бириктирувчи тўқимасида ёки миокарднинг, сўрғичсимон мушакларнинг, юрак тўсиқчаларининг интерстицийсида, томирларнинг адвентицийсида жойлашади. Ревмокардит учун хос яна бир белги – бу носпецифик яллиғланиш реакциясидир, у мушакларо бириктирувчи тўқима шиши, фибрин тушиши, полиморф-ядроли лейкоцитлар билан инфилтрацияланиш кўринишида кечади.

Ўткир ревматик иситмалашнинг етакчи синдроми бўлиб кардит ҳисобланиши умумқабул қилинган, кардит касалликнинг кечиши оғирлигини ва оқибатини белгилаб беради. Кардитнинг асосий компоненти сифатида валвулит (кўпинча митрал, камроқ аортал клапандаги) ҳисобланади. Валвулит клиник жиҳатдан органик юрак шовқинлари кўринишида намоён бўлади. Валвулит йўқ бўлиб алоҳидаланган миокардит типидаги юрак шикастланиши ўткир ревматик иситмалаш учун нохарактер ҳисобланади.

Ревматик жараённинг клиник фаоллиги даражасини морфологик ўзгаришлар билан солиштирганда маълум бир қонуниятлар аниқланган. Масалан, фаолликнинг максимал даражаси учун юрак қобиқлари ва клапанларининг бир нечтаси шикастланиши хос. Тромбоэндокардит, экссудатив миокардит, фибриноз перикардит туридаги яллиғланишнинг экссудатив компоненти устун келади. Шунингдек, мукоид ва фибриноид шишиш, кўп сонли «Гуллаган» Ашофф-Талалаев гранулемалари кузатилади.

Ўртамиёна клиник фаолликда реакциянинг продуктив типи устун келади, у кўп ҳолларда ўчоқли характерга эга (фиброзли эндокардит, интерстициал ўчоқли миокардит), «Ноаниқ» гранулемалар аниқланади. Жараён фаоллиги камайиши билан мушак толаларининг дистрофик ўзгаришлари катта аҳамият касб этади, улар майда некробиоз ва миолиз ўчоқлари пайдо бўлишигача олиб келади. Бундай ўчоқлар метаболик некроз сифатида баҳоланади, метаболик некроз натижасида ўткир юрак етишмовчилиги ривожланади, бу эса ўз навбатида беморлар ўлими сабабчиси бўлади. Миокард сарколеммаси мушак толаларида ва яқиндаги сарколеммада, шунингдек, томир деворларидаги фиксацияланган иммуноглобулинларни аниқланиши юрак паренхимаси шикастланишида иммун реакциялар роли ҳақида далолат беради.

Жараённинг минимал фаоллиги мавжуд бўлган ревмокардитда морфологик манзара турлича бўлиши мумкин. Кўпинча гранулемалар ва носпецифик экссудатив пролифератив компонентли микробелгилар аниқланади [13].

Одатда, юракнинг ревматик шикастланишининг барча ҳолатларида эндокардта, асосан, клапан аппаратида склеротик жараёнлар аниқланади (болалардаги ўткир ревматик иситмалашдан ташқари), клапанларда қўпол, деформацияловчи склероз ривожланади. Шикастланиш тезлигига қараб биринчи ўринда митрал клапан, кейин аортал клапан, ва учинчи ўринда уч табақали клапан туради. Митрал клапаннинг етишмовчилиги, митрал тешик стенози ва комбинирланган нуқсонлар фарқланади, охир-оқибатда жараён склероз билан тугайди. Склероз ҳам бириктирувчи тўқималарни, ҳам юракнинг ўтказувчи толаларини ўз ичига олиши мумкин.

Бўғим тўқималарида бириктирувчи тўқиманинг дезорганизацияси, экссудатив яллиғланиш, васкулитлар кузатилади. Бўғимлар соҳасидаги тери ости клетчаткасида гуруҳ, гуруҳ бўлиб жойлашган ревматик тугунчалар юзага келиши мумкин, улар 2 ҳафта ёки 1 ой ичида ўлиб кетади.

Ревматик иситмалашнинг клиник шакллари: қайталанган ревматик иситмалаш. Ревматик иситмалашнинг клиник кўринишлари: асосийлари – кардит, артрит, хорея, ҳалқасимон эритема, ревматик тугунчалар, қўшимчалари: иситма, артралгия, абдоминал синдром, серозитлар. Касалликнинг оқибатлари: соғайиш, юрак нуқсони ва юрак нуқсонисиз кечадиган юракнинг ревматик касаллиги.

Ревматик иситмалаш аниқланган болаларнинг 91 фоизда етакчи клиник синдром бўлиб кардит намоён бўлган, у билан бир қаторда экстракардиал кўринишлар: артрит (57 фоиз), хорея (41 фоиз), аннуляр эритема (9 фоиз) кўп кузатилган. Ўткир ревматик иситмалашда касалликнинг ўткир бошланиши (61 фоиз) ва қон айланиши етишмовчилигининг I, II А даражалари (43 фоиз) ва II А–В даражалари (22 фоиз) сабабли беморларнинг жуда оғир аҳволи (54 фоиз) устун келган. Бундан ташқари умумий яллиғланиш ўзгаришларининг кучли ифодаланганлиги (51 фоиз ҳолатда) қайд этилган. Бундай вазият болаларда ревматик экссудатив-яллиғланиш жараёнининг жуда ҳам фаол бўлиши ҳақида далолат беради [13].

Ўткир ревматик иситмалашни даволаш мақсадлари: А-гуруҳи бета-гемолитик стрептококкини йўқ қилиш, яллиғланиш жараёни фаоллигини бостириш, кардитга чалинган беморларда юрак ревматик нуқсонини ва юрак етишмовчилигини олдини олиш лозим.

Ўткир ревматик иситмалашни даволашнинг дори воситаларсиз усуллари касаллик бошланишидан 2–3 ҳафта кўрпа-тушак тартибига риоя қилиш, углеводлар ва туз чекланган оқсил ҳамда витаминларга бой парҳез сақлашни ўз ичига олади.

Ўткир ревматик иситмалашни дори воситалари билан даволашни ўз ичига этиотроп ва яллиғланишга қарши даволашни, ҳамда юрак етишмовчилигини муолажани олади.

Касаллик ривожланишида маълум роль ўйнайдиган ижтимоий шароитлар орасидан хонадон ва мактабларда инсонларнинг кўплигини, болаларнинг овқатланиши ёмонлигини, тиббий ёрдамнинг паст даражасини кўрсатиш мумкин. Барча давлатларда гуруҳли касалланишнинг “Қўзишлари” кузатилади, асосан болалар, ўспирин ва ёшларнинг ҳажм жиҳатидан тор жойларда (лагер палаткаларида, казармалар ва ётоқхоналарда) истиқомат қилиш ҳолатларида.

Юракнинг ревматик нуқсонлари 35 ёшгача бўлган ёш гуруҳлари ичида ўлим ҳолатларининг энг кўп сабаби бўлиб қолмоқда ва юрак ишемик касаллиги ҳамда артериал гипертензия каби “Аср касалликлари” кўрсаткичларидан баланд.

Юракнинг ревматик ва ревматизм касаллигида қўлланиладиган дори воситалари ва даволаш усуллари

Этиотроп (антистрептококк) даволаш. Бензилпенициллин катталар ва ўспиринларда 10 кун давомида кунига 4 марта 500 000 – 1 000 000 ТБ дозада мушак орасига, болаларда 100 000 – 150 000 ТБ дозада кунига 4 марта мушак орасига киритиш орқали амалга оширилади. Кейинчалик иккиламчи профилактика тартибида пролонгирланган пенициллинлар қўлланилади. Пенициллинларни кўтараолмаслик ҳолати бўлганда макролидлар ва линкозамидлар қўлланилади.

Яллиғланишга қарши даволаш. Глюкокортикоидлар кучли ифодаланган кардит ёки полисерозит билан кечган ўткир ревматик иситмалашда ишлатилади. Преднизолон

катталар ва ўспиринлар учун кунига 20 мг, болаларга 0,7–0,8 мк/кунлик дозада эрталаб овқатдан кейин терапевтик самарага эришгунча (ўртача 2 ҳафта) қўлланилади. Сўнгра дори препарати дозаси секин-аста камайтирилиб борилади. Даволаш курсининг умумий давомийлиги 1,5–2 ойни ташкил қилади.

Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари кучсиз ифодаланган валвулитларда, валвулитсиз ревматик артритларда, жараённинг минимал фаоллиги ҳолатларида (ЭЧТ< 30 мм/с), юқори фаоллик камайганда ва глюкокортикоидлар бекор қилинганда, юрак ревматик нуқсони шароитидаги қайта ўткир ревматик иситмалашда қўлланилади. Катталар ва ўспиринларга диклофенак 25–50 мг дозада кунига 3 маҳал, болаларга 0,7–1,0 мг дозада кунига 3 маҳал тайинланади, ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичлари меъёрлашишигача (ўртача 1,5–2 ой) давом эттирилади. Зарурат бўлса диклофенак билан даволашни 3–5 ойгача давом эттириш мумкин [5, 10].

Сурункали ревматик юрак касаллигининг патогенетик даволашнинг асосий мақсади бўлиб ревматик жараённи босиш, мавжуд юрак нуқсонларининг кучайишини олдини олиш ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотчилар маълумотларига кўра, ўткир ревматик иситмалаш ва сурункали ревматик юрак касаллигига чалинган беморларни даволашда иммунитетни коррекцияловчи таъсирга эга дори препаратларини қўллаш юқори самарадорликка олиб келади [4].

Ксимедон ва димесфоннинг иммунитетни кучайтирувчи таъсири экспериментал ва клиник тадқиқотларда тасдиқланган. Сурункали ревматик юрак етишмовчилигига эга беморларни комплекс даволашда ксимедон ва димесфонни қўшиш CD3 + Т-лимфоцитлар ва уларнинг субпопуляциялари CD4 + ва CD8 + Т-лимфоцитлар миқдорини кўпайтиради, лимфоцитларнинг супрессор фаоллигини меъёрий кўрсаткичларга кўтаради, зардоб иммуноглобулинларининг ва бактерицид ҳамда цитотоксик фаолликларнинг тезда нормаллашишини таъминлайди [3].

Ўз ичига остеопороз билан асоратланган ревматологик касаллиги бўлган беморларнинг стационар карталарини таҳлил қилишга асосланган, очиқ ретроспектив фармакоэпидемиологик тадқиқотда аниқланганки, 50 нафар беморларни стационар шароитда даволаш босқичида 28 фоиз беморлар антиостеопоротик даволаш олмаган, 48 фоиз беморлар кальций ва Д-витаминли бифосфонатли монотерапия олишган, 2 фоиз беморларга деносумаб ва бифосфонатли комбинирланган даволаш тайинланган, 2 фоиз беморлар кальцуий, Д-витамин ва тирепаратид дори воситалари ёрдамида комбинирланган муолажа олишган. Натижалар таҳлил қилинганда аниқландики, ревматик касалликларда антиостеопоротик дори препаратларини етарлича тайинламаслик ҳолати ва тасдиқланган самарага эга дори препаратларини тайинламаслик ҳолатлари мавжуд [12].

Ревматизм касаллигини даволашда биринчи ўринда бактериал қўзғатувчини элиминация қилиш туради. Бунга тез бажариш учун самарали антибактериал даволаш, ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари, иммуноглоублинлар, резерпинли плазмафарез қўлланилгандагина эришилади. Ревматизм касаллигини даволашнинг муваффақиятли бўлиши, юрак нуқсонини олдини олиш, касалликни эрта аниқлаш ва кечиши жараёни фаоллиги, кардитнинг ифодаланганлиги, юрак нуқсонларининг характери, миокард ҳолати, бошқа аъзолар, тўқималар ҳолати, бемор касби индивидуал ҳисобга олинган ҳолда бажарилишига боғлиқ.

Ревматизмнинг фаол даврида барча беморларга пенициллин тайинлаш зарур. Бунинг учун ангинани 10 кун давомида даволаш ва икки ҳафта мобайнида полусинтетик пенициллинларни, ҳамда макролид гуруҳи антибиотикларини (кларитромицин, рокситромицин, азитромицин ва бошқалар) қўллаш мақсадга мувофиқ. Кейинчалик 1 500 000 ТБ дозада бициллин – 5 ни ойида бир марта киритиш керак. Бундан ташқари сурункали тонзиллитни аниқлаш, уни пухта даволаш, лозим бўлса бодомча безларини оператив олиб ташлаш мумкин.

Бемор болаларда ўткир ревматик иситмалашнинг стандарт даволаш ўтказишда қуйидагилар амалга оширилади. Антибактериал даволаш: пенициллинни 10–14 кун давомида юбориш, сўнгра унинг дюрант шаклларига (экстенциллин, ретарпен, бициллин – 5) ўтиш, яллиғланишга қарши даволаш мақсадида преднизолон (0,75–1 мг/кг 7–10 кун) ва ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари (аспирин, диклофенак, нимесулид) қўлланилади. Юрак етишмовчилигида лазикс, верошпирон, капотен / эналаприл, дигоксин тайинланади. Хореяни даволаш учун фенобарбитал, сонапакс, фенибут, физиотерапия бажарилади [13].

Сурункали рецидивланувчи А-гуруҳи бета-гемолитик стрептококкли тонзиллитда антибиотикларни юборишнинг доза ва тартиблари қуйидагича: Амоксициллин/клавуланат 1,875 г (катталар учун) 40 мг/кг (болаларга) 10 кун, Цефуроксим – аксетил 0,5 г (катталар учун) 20 мг/кг (болаларга) 10 кун, Клиндамицин 0,6 г (катталар учун) 20 мг/кг (болаларга) 10 кун, Линкомицин 1,5 г (катталар учун) 30 мг/кг (болалар учун) 10 кун [3].

Ҳозирги вақтда бод касаллигининг фаол босқичини даволаш учун қўлланиладиган яллиғланишга қарши дори препаратларига ацетилсалицил кислота, индолли ҳосилалар, замонавий ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари – циклооксигеназ – 2 ингибиторлари (милоксикам, коксиб, нимисулид ва бошқалар) ва глюкокортикостероидлар киради.

Глюкокортикостероидларнинг кўп сонли гуруҳлари орасидан клиник амалиётда энг кўп тарқалгани преднизолон ҳисобланади, юрак нуқсони шароитида қайталанган ревматик иситмалашда эса триамцинолон (полкортолон) қўлланилади. Тез самара олиш зарур бўлган шошилинч вазиятда преднизолон гидрохлорид шакли (1 мл), дексаметазон – 21-фосфатнинг натрий тузи (1 мл) ёки 6-метилпреднизолон қўлланилади. Кортикоид дори препаратларининг сув-туз алмашинувига таъсири сабабли даволаш курсига калий хлориди, панангин, суюқлик тўпланганда – алдостерон антогонисти (верошпирон), сийдик ҳайдовчи дори препаратлари (лазикс, фуросемид), эйфория ҳолатида транквилизаторлар тайинланади.

Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари қўл-ланилганда юзага келадиган асоратларни олдини олиш учун селектив ингибиторлардан фойдаланиш ёки носелектив ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларини протон помпаси ингибитор¯лари билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқми, деган саволга жавоб олиш учун ТБС – Тасодифий бошқариладиган синов, CONDOR тадқиқоти ўтказилди. Унда ревматик артрит ёки остеоартрозга чалинган 4 481 нафар бемор қатнашган. Беморлар 6 ой давомида целекоксиб (400 мг/ кун) ёки диклофенак (150 мг / кун) + омепразол 20 мг олишди. Натижалар кўрсатишича, анъанавий ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари ва протон помпаси ингибиторлари селектив

ностероид яллиғланишга қарши дори препаратларига солиштирганда хавфсизлиги анчагина кам. Анъанавий ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари ва протон помпалари ингибиторлари биргаликда қўлланилганда ошқозон-ичак тракти асоратлари: ошқозон яраси, ўн икки бармоқ ичак яраси мос равишда 20 ва 5 нафар беморда, темир танқислиги камқонлиги – 77 ва 15 нафар беморда, ошқозон-ичак асоратлари сабабли даволашни тўхтатиш – 8 фоиз ва 6 фоиз беморларда кузатилди [13].

Хулосалар

1. Адабиётлар асосида ревматизм касаллиги, ревматизм касаллигининг этиологияси ва таснифи, жаҳонда ревматизм касаллигининг эпидемиологияси, ўткир ревматик иситмалаш ҳолати бўйича маълумотларнинг назарий жиҳатлари ёритилган.

2. Юракнинг ревматик ва ревматизм касалликларида қўлланиладиган дори воситалари ва даволаш усулларини таснифланиши ҳамда даволаш жараёнига замонавий ёндошишлар таҳлил қилинди.

3. Таҳлил натижаларига асосланиб, ревматизм касаллигига ўз вақтида ташҳис қўйиш, даволаш ишларини тўғри ташкил этиш, маркетинг ва фармакоиқтисодий изланишлар олиб бориш, ревматизм касаллигида дори воситалари таъминотини тўғри ташкил этиш, ҳамда иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш йўлларини белгилаб олиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1.Балабанова Р.М. Заболеваемость населения России острой ревматической лихорадкой и хроническими ревматическими болезнями сердца (2011–2012 гг.) // Современная ревматология. – 2014. – № 1. – С. 14–17.

2. Белов Б.С., Насонова В.А., Кузьмина Н.Н. Острая ревматическая лихорадка: современные этиопатогенетические аспекты // Научно-практическая ревматология. – 2008. – № 5. – С. 51–58.

3. Белов Б.С., Кузьмина Н.Н., Медынцева Л.Г. Острая ревматическая лихорадка в XXI веке. Проблемы и поиск решений. // Медицинский совет. – 2016. – № 9. – С. 96–101.

4. Газизов Р.М. Возможности применения лекарственных средств с иммуномодулирующей активностью (Ксимедона и Димефосфона) при хронической ревматической болезни сердца // Ревматология. – 2011. – № 4 (52) сентябрь. – С. 120– 23.

5. Дзяк Г. В. Острая ревматическая лихорадка принципы диагностики и лечения // Сучасні медичні технології, 2009. – № 1. – С.56– 63.

6. Казакова Л.М. Острая ревматическая лихорадка. Мать и дитя в Кузбассе. – № 1 (28). – 2007. – С. 7–9.

7. Кантемирова М.Г., Коровина О.А., Артамонова В.А., Агафонова Т.В., Новикова Ю.Ю., Мамаева Е.А., Бузина Н.В., Овсянников Д.Ю., Колтунов И.Е. Острая ревматическая лихорадка // Педиатрия. 2012. – Том 91. – № 5. – С. 17– 21.

8.Марчук В. Л., Соботюк Н. В., Бочанцев С. В. Ревматические заболевания и эндотелиальная функция // Вопросы современной педиатрии. – 2018. – Т. 17. – №. 2. – С. 126–132.

9. Ревматическая болезнь сердца. Доклад Секретариата. Всемирная организация здравоохранения // Исполнительный комитет. Сто сорок первая сессия. Пункт 6.2 предварительной повестки дня 1 мая 2017 г. EB141/4. 7-с.

10. Суюнов Н. Д., Талипова Д. А., Ражабова Д. Х., Урунова И. И. Ревматизм касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлили // O`zbekiston farmatsevtik xabarnomasi. – Тошкент, 2019. – № 2. 37–45-б.

11. Суюнов Н.Д., Талипова Д.А., Абдухаликова Н.У. Юрак-қон томир касаллигида қўлланадиган дори воситалари истеъмолининг таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2018. – № 1. – Б. 9–13.

12. Сулейманова Р.Р., Тулузакова Н.А. Фармакоэпидемиологический анализ фармакотерапии остеопороза у ревматологических больных // Bulletin of Medical Internet Conferences, 2017. Volume 7. Issue 6. www.medconfer.com.

13. Талипова Д.А. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари // Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Илмий раҳбар: Суюнов Н. Д. – Тошкент, 2018. 97-б.

14. Федорова О. Ревматические болезни суставов: современные подходы к диагностике и лечению // Український медичний часопис. – 2014. – №. 2. – С. 21–24.

15. Шукурова С.М., Абдуллоев М.Ф., Каримова Г.Н., Тоиров Х.К. Медико-социальная значимость ревматических заболеваний // Научно-медицинский журнал «Вестник Авиценны» Таджикского Государственного медицинского университета имени Абу али ибни Сино. №4, октябрь-декабрь 2012. – С. 163–168.

16. Ballestar E.. Epigenetic alterations in autoimmune rheumatic diseases // Nature Reviews Rheumatology. – 2011. – № 7 (5).– P. 263.

17. Brooks P., Kubler P. Etoricoxib for arthritis and pain management. Ther Clin Risk Manag. – 2006. – № 2 (1) – P/ 45–57.

18. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013. – P. 217.

19. Edwards R. R., Cahalan C., Mensing G., Smith M., Haythornthwaite J. A. Pain, catastrophizing, and depression in the rheumatic diseases // Nature Reviews Rheumatology. – 2011. – № 7 (4). – P. 216.

20. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011. – P. 331

21. Van Assen S., Agmon-Levin N., Elkayam O., Cervera R., Doran M. F., Dougados M., Kallenberg C. G. M. EULAR recommendations for vaccination in adult patients with autoimmune inflammatory rheumatic diseases // Annals of the rheumatic diseases. – 2011. – № 70 (3). – P. 414–422.

УДК: 616.071-08:618-177.112.2

ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ У БОЛЬНЫХ ДЕТЕЙ АТОПИЧЕСКИМ ДЕРМАТИТОМ В ПРОЦЕССЕ ИГЛОРЕФЛЕКСОТЕРАПИИ И ПРИМЕНЕНИЯ ПРЕПАРАТА БРОНХО-МУНАЛ

Пакирдинов А.Б.
Андижанский Государственный медицинский институт, Узбекистан.

БОЛАЛАРДАГИ АТОПИК ДЕРМАТИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ИГНАРЕФЛЕКС ДАВО ВА БРОНХО – МУНАЛ ПРЕПАРАТИНИ КУЛЛАШДА ИММУНОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Пақирдинов А.Б.
Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

IMMUNOLOGICAL INDICATORS IN PATIENT CHILDREN WITH ATOPIC DERMATITIS IN THE PROCESS OF ACULINE AND REFLEX THERAPY AND THE APPLICATION OF THE DRUG BRONCHO - MUNAL

Pakirdinov A. B.
Andijan State Medical Institute, Uzbekistan.

Аннотация: *Повышение эффективности лечения дерматологических больных является важной социальной задачей. Это связано со значительным распространением ряда дерматозов и тяжёлым течением некоторых из них. Применяемые в настоящее время в дерматологии традиционные методы лечения далеко не всегда эффективны, а порой, и сами сопряжены с разнообразными побочными действиями и осложнениями, подчас весьма тяжёлыми. В связи с этим понятен большой интерес, который проявляется к немедикаментозным методам терапии. Одним из таких методов является – иглорефлексотерапия.*

Ключевые слова: *атопический дерматит, иглорефлексотерапия, иммуноглобулины – А, М,G,E.*

Изоҳ. *Дерматологик беморларни даволаш самарадорлигини ошириш муҳим ижтимоий вазифадир. Бу бир қатор дерматозларнинг сезиларли даражада тарқалиши ва уларнинг баъзиларининг оғир кечиши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда дерматологияда қўлланиладиган анъанавий даволаш усуллари ҳар доим ҳам самарали эмас ва баъзида уларнинг ўзлари турли хил ён таъсирлар ва асоратлар билан боғлиқ, баъзан эса жуда оғир. Шу муносабат билан, дори-дармон бўлмаган терапия усулларида намоён бўладиган катта қизиқиш тушунарли. Ушбу усуллардан бири акупунктур.*

Калит сўзлар: *атопик дерматит, акупунктур, иммуноглобулинлар - А, М, Г, Э.*

Annotation. Increasing the effectiveness of the treatment of dermatological patients is an important social task. This is due to the significant spread of a number of dermatoses and the severe course of some of them. The traditional methods of treatment currently used in dermatology are far from always effective, and sometimes they themselves are associated with a variety of side effects and complications, sometimes very severe. In this regard, the great interest that is manifested in non-drug methods of therapy is understandable. One of these methods is acupuncture.

Key words: *atopic dermatitis, acupuncture, immunoglobulins - A, M, G, E.*

Введение. Повышение эффективности лечения дерматологических больных является важной социальной задачей. Это связано со значительным распространением ряда дерматозов и тяжёлым течением некоторых из них. Применяемые в настоящее время в дерматологии традиционные методы лечения далеко не всегда эффективны, а порой, и сами сопряжены с разнообразными побочными действиями и осложнениями, подчас весьма тяжёлыми. В связи с этим понятен большой интерес, который проявляется к немедикаментозным методам терапии. Одним из таких методов является – иглорефлексотерапия (ИРТ).

Атопический дерматит – генетически детерминированное хроническое аллергическое заболевание, является одним из наиболее тяжёлых и часто встречающихся дерматозов. Впервые выявляясь в раннем детском возрасте, он принимает хроническое рецидивирующее течение и в дальнейшем проявляется у взрослых, трудно поддаётся лечению. Поэтому вопрос о разработке новых патогенетических методов лечения атопического дерматита является весьма актуальным.

В патогенезе атопического дерматита кроме генетических факторов предрасположенности одно из ведущих мест занимают аллергические механизмы и дисфункция гуморального фактора иммунитета. Однако, проведённые многочисленными авторами исследования иммунологических показателей нередко носят противоречивый характер и часто не имеет точного, полноценного объяснения. Так, например, сдвиги некоторых показателей гуморального иммунитета, в частности содержание сывороточных IgA, IgG, IgM не находят ещё достаточно точного объяснения и подчас противоречивы [2,3,4,5,6,8,9]. Среди иммуноглобулинов, выявляемых в значительно повышенных концентрациях, наиболее часто оказываются IgE, который является важным маркером атопического дерматита. В настоящее время имеется немало работ, свидетельствующих о повышенном содержании IgE – антител у лиц, страдающих атопическим дерматитом [7,11,12], а патогенная роль повышенного IgE при атопическом дерматите у большинства авторов не вызывает сомнения [1,12] Большое значение в патогенезе атопического дерматита имеет функциональное нарушение нервной системы. Исследования последних лет подтверждают наличие у больных атопическим дерматитом функциональных нарушений, как в центральной, так и вегетативной нервной системы, проявляющейся слабостью и инертностью раздражительного и тормозного процессов, снижением подвижности корковых процессов. Невротические расстройства имеют большое патогенетическое значение и отягощают течение заболевания, прослеживается зависимость

между тяжестью кожного процесса и функциональными нарушениями нервной системы. Наблюдается порочный круг: тяжёлое течение атопического дерматита поддерживает невротические расстройства, а последние ухудшают течение атопического дерматита. Все это даёт основание предположить, что иглорефлексотерапии занимает определённое место в терапии атопического дерматита, в основе лечебного действия которого лежат рефлекторные механизмы. При этом реакция нервной системы на иглорефлексотерапии состоит из трёх взаимосвязанных компонентов: местного, сегментарного и общего.

Противоаллергическое действие, является компонентом общей реакции, ИРТ осуществляется многими путями: нормализующее действие на центральную нервную систему, стимуляция коры надпочечников, увеличение содержания адреналина и глюкокортикоидов в крови, снижение уровня гистамина, серотонина и других биологически активных веществ. Вышеперечисленные нейрогуморальные механизмы оказывают заметное влияние на развитие и течение аллергического процесса.

Материалы и методы исследования: Под наблюдением находились 32 больных детей атопическим дерматитом в возрасте от 12 до 14 лет. Заболевание у всех больных начиналось в детском возрасте и характеризовалось проявлениями экссудативного диатеза, эритемой, чешуйками, мокнутием, периоды обострения чередовались периодами ремиссии и позже в 10 летнем возрасте развивалась классическая картина атопического дерматита в виде разной степени выраженности эритемы, сгибательной лихенификации, лихеноидных папул, сухости и шелушения в области лица, шеи, верхней части груди и спины, локтевых и коленных сгибов, у большинства больных наблюдался белый дермографизм. Характерным для всех больных был сильный, биопсирующий зуд. Выраженность симптомов варьировала в различной степени, с периодами ухудшения и ремиссии. Из сопутствующих заболеваний у 1 больного было выявлено вазомоторно-аллергический ринит, у 1 – бронхиальная астма, у 10 – хронический тонзиллит.

Для оценки состояния гуморального звена иммунитета, у больных были определены концентрации сывороточных иммуноглобулинов классов A, G, M, E. Иммуноглобулины классов A, G и M определяли методом радиальной иммунодиффузии предложенным Mancini et all. (1965). Контрольная группа, состоящая из 10 здоровых лиц: IgA была равна – 1,8±0,1 г/л; IgG – 10,7±0,3 г/л; IgM – 1,1±0,04 г/л. Содержание IgE исследовали с помощью иммуноферментного метода. За норму были приняты показатели общего IgE, полученные с помощью той же методики у практически 10 здоровых детей (120,0±3,47 МЕ/мл). Этот метод разработанный фирмой – ABBOTT (США).

Результаты исследования: Среднее значение уровней иммуноглобулинов A, G, M, у больных детей атопическим дерматитом до лечения достоверно не отличались от нормальных показателей. Повышение уровня IgG констатировано у 14 (43,7%) больных детей. Особый интерес представило изучение общего IgE у больных детей атопическим дерматитом. У большинства пациентов в период обострения была обнаружена, выраженная гиперпродукция IgE. Наиболее высокий средний уровень IgE наблюдался у больных детей со средне - тяжёлой степенью тяжести заболевания (таб. 1).

Динамика содержания общего IgE (МЕ/мл) в сыворотке крови у больных детей атопическим дерматитом в процессе иглорефлексотерапии (M±m)

Таблица 1

Группа больных	1 – й курс лечения		3 – й курс лечения	
	До лечения	После лечения	До лечения	После лечения
Средне - тяжёлая степень тяжести n = 19	754,6±18,9 P<0,001	850,3±18,3 P<0,001	457,6±16,0 P<0,05	493,2±14,7 P<0,05
Тяжёлая степень тяжести n = 13	480,3±65,0 P<0,05	582,1±64,6 P<0,05	467,6±68,5 P<0,05	563,4±62,7 P<0,05
Контроль: n = 10	36,8±3,8	36,8±3,8	36,8±3,8	36,8±3,8

У 7 больных детей с тяжёлой формой заболевания содержание IgE в крови было нормальным или слегка повышенным. Не исключена возможность, что у этой группы больных детей наличие сопутствующих заболеваний могло повлиять на продукцию IgE.

После оценки иммунного статуса всем больным была проведена иглорефлексотерапии классическим методом раздражения иглотерапия точек с помощью специальных игл из нихрома или серебра. Акупунктурные точки подбирали индивидуально, с учётом клинической картины заболевания и локализации кожного процесса. Были использованы корпоральные и аурикулярные акупунктурные точки, во время одного сеанса – не более 6 – 7 точек. На курс лечения назначался 10 – 15 ежедневных процедур. Больные получали по 2 – 3 курса в зависимости от показаний.

Повторные курсы иглорефлексотерапии при хорошем эффекте после 1-го курса проводили через 1 месяц, а при отсутствии выраженного терапевтического эффекта – через 10 дней.

Так как у больных девочек иглорефлексотерапии проводили в комплексе с препаратом Бронхо – мунал (3,5 мг) и наружной терапией DIS - Крем, иммунологическому обследованию подвергли контрольную группу из 10 больных детей атопическим дерматитом, которым проводили такое же лечение, но без иглорефлексотерапии.

Если оценить результаты применения иглорефлексотерапии в целом, можно заключить, что она оказалась достаточно эффективной в ближайшие сроки. У большинства 28 (87,5%) больных наблюдалась клиническая ремиссия, значительное улучшение и улучшение состояния. При наблюдении в более отдалённые сроки (от 6 месяцев до 1 года) у 22 (68,7%) больных отмечались более длительные, чем ранее,

периоды ремиссий, обострения носили более лёгкий и кратковременный характер.

После завершения иглорефлексотерапии, по достижении положительного эффекта, проводили повторное исследование изучаемых иммунологических показателей. Уровень сывороточных иммуноглобулинов классов А, М оставался, как и до лечения в пределах нормальных колебаний. У больных с повышенным исходным уровнем IgG наблюдалась тенденция к нормализации этого показателя. Другая закономерность наблюдалась в динамике уровня IgE, У 12 больных непосредственно после 1-го курса иглорефрексотерапии отмечалось статистически достоверное (P<0,001) повышение его уровня. Перед началом 2-го курса РТ уровень IgE у большинства больных был ниже исходного, а по окончании курса вновь слегка повысился. Такая же закономерность, но с большей выраженностью отмечалась у больных ко времени проведения 3-го курса иглорефлексотерапии (P<0,001).

Таким образом, после применения метода иглорефлексотерапии в период ремиссии у больных атопическим дерматитом содержание IgE в крови имело тенденцию к уменьшению по сравнению с его исходными значениями. Однако нормализация уровня IgE не было отмечено ни в одном случае.

Наименьший клинический эффект иглорефлексотерапии наблюдался в группе больных с тяжёлым течение заболевания и мало изменённым исходным уровнем IgE.

Улучшение в состоянии наступило у них только после повторных курсов лечения. По-видимому, высокий уровень общего IgE до начала лечения и после 1-го курса иглорефлексотерапии прогноз был более благоприятен, чем мало изменённые его показатели.

В результате обычного лечения без применения иглорефлексотерапии больных детей контрольной группы вместе с незначительным улучшением в состоянии кожного процесса имела место тенденция к небольшому уменьшению содержания в крови уровня IgE.

Обсуждение полученых результатов: Результаты исследований позволяют сделать заключение о том, что иглорефлексотерапии оказывает нормализующее действие на показатели гуморального звена иммунной системы больных детей атопическим дерматитом. Возникает вопрос о возможных механизмах такого действия иглорефлексотерапии. Помимо известных общих воздействий иглорефлексотерапии на организм человека в виде стимуляции функции коры надпочечников, центральной нервной системы, снижения уровня некоторых биологически активных веществ, не исключена возможность непосредственного воздействия иглотерапии на некоторые лимфоидные органы через ответственные за них акупунктурные точки. В комплекс акупунктурных точек, использованных в настоящей работе, входили точки, ответственные за селезёнку (RP-1, RP-4, RP-6, RP-10), тонкий кишечник (IG-3, IG-4, IG-8), точка переднего срединного меридиана (I-22), ответственная за вилочковую железу. Предположение о таком возможном механизме воздействия иглорефлексотерапии на иммунную систему высказывалось и другими авторами. Окончательно решить этот вопрос можно только при дальнейшем исследовании и наблюдении.

Выводы:

1. В патогенезе детей атопическим дерматитом имеет место изменение функциональной активности гуморального звена иммунитета, выражающиеся в повышении уровня сывороточного IgE.

2. Иглорефлексотерапия, являясь эффективным методом лечения детей атопическим дерматитом, оказывает нормализующее влияние на некоторые изменённые показатели гуморального звена иммунитета у больных детей атопическим дерматитом.

Список литературы:

1. Аймаганбетов Ж.М., Бейсенбаева У.Т. Современные аспекты патогенеза атопического дерматита (обзор). //Новости дерматологии и венерологии. – 2016. - № 1. – С.20-26.

2. Гасич Н.А., Прохоренков В.И. Особенности иммунного статуса и оптимизация терапии при атопическом дерматите. //Современные проблемы нейродермита. Научно–практическая конференция. -Новосибирск, 2010. - С. 96

3. Горланов И.А., Милявская И.Р. Особенности HLA – систем при атопическом дерматите и ее взаимосвязи с клиническими характеристиками, показателями эндокринного и иммунного статуса у детей. // Аллергология. – 2015. - № 2. – С.17–21.

4. Есенгараева З.Б. и Сайлаулова К.С. Применение мази Адвантана в терапии атопического дерматита. //Методическое пособие для практических врачей. Казахстан. 2013 г.

5. Картунина О.Р. Иммуноморфологическая характеристика клеток воспалительного инфильтрата при псориазе. //Вестник дерматологии и венерологии. – М. - 2018. - № 2. - С. 25-31.

6. Кунгуров Н.В. Иммунологические аспекты атопического дерматита. //Вестник дерматологии и венерологии. – 2018. - № 3. - С. 14 – 17.

7. Латий О.В., Белоусова И.Э., Самцов А.В. Иммунологические особенности применения препарата Скин-кап в сравнении с наружными стероидами у больных атопическим дерматитом. //Вестник дерматологии и венерологии. – М. – 2015. - № 1. - С.46-51.

8. Матушевская Е.В., Богуш П.Г., Попова И.С. и др. Анализ аллергоспецифических IgE у больных атопическом дерматите. //Вестник дерматологии и венерологии. – М. – 2019. - № 2.- С. 4-6.

9. Матушевская Е.В. Эффективность пимекролимуса в терапии атопического дерматита на основании изучения клеточного звена иммунитета. //Вестник дерматологии и венерологии. М.–2010.-№ 1.-С.36-41.

10. Назаров П.Г., Горланов И.А., Милявская И.Р. Атопический дерматит: иммунологические аспекты. // Аллергология. – 2005. - № 2. – С. 28 – 35.

11. Сергеев Ю.В., Зимин Ю.И., Резников Ю.П. Атопический дерматит I. Особенности клинического течения и состояния иммунного статуса в зависимости от исходного уровня IgE сыворотки //Вестник дерматологии и венерологии. – 2000. - № 3. – С. 17 – 19.

12. Суворова К.Н. Атопический дерматит: иммунопатогенез и стратегия иммунотерапии. //Русский медицинский журнал. – 2000. – Том 6. - № 6. – С. 363 – 367.

UDK: 616.36-002+616.72-002

REVMATOID ARTRIT VA JIGARNING SURUNKALI DIFFUZ KASALLIKLARI PATOGENEZI VA KLINIK BOG‘LIQLIGI HAQIDA ZAMONAVIY TUSHINCHALAR (Adabiyotlar sharxi)

Shukurova F.N.
Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ О ПАТОГЕНЕЗЕ И КЛИНИЧЕСКОЙ СВЯЗИ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА И ХРОНИЧЕСКИХ ДИФФУЗНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПЕЧЕНИ (Обзор литературы)

Шукурова Ф.Н.
Ташкентская медицинская академия, Ташкент.

MODERN CONCEPTS ON THE PATHOGENESIS AND CLINICAL RELATIONSHIP OF RHEUMATOID ARTHRITIS AND CHRONIC DIFFUSED LIVER DISEASES (Review)

Shukurova F.N.
Tashkent Medical Academy, Tashkent.

Xulosa. *So‘nggi 10 yil ichida surunkali jigar kasalliklari dunyo miqyosida ikki baravar ko‘paydi va o‘sishda davom etmoqda. Bunda virus etiologiyali gepatitlar yetakchi o‘rinni egallaydi. Har qanday etiologiyali JCDK ko‘pincha jigardan tashqari (tizimli) ko‘rinishlar bilan birga keladi. Tizimli simptomlar ba’zida klinik jihatdan aniq jigar shikastlanishidan ancha oldin sodir bo‘ladi, jigar shikastlanishining klinik belgilari esa ba’zi xolatlarda jigar sirrozi bosqichida aniqlanishi ham mumkin. JCDK bir necha yil davomida turli xil autoimmun kasalliklar niqobi ostida kechishi mumkin. Tizimli ko‘rinishlarning xilma-xilligi surunkali autoimmun gepatit (AIG) da ham kuzatiladi. Biz ushbu sharhda RA va jigarning diffuz kasalliklari komorbid kechishining patogenezi va klinik xususiyatlari haqidagi ma’lumotlarni ko‘rib chiqamiz.*

Kalit so‘zlar: *Revmatoid artrit, jigar diffuz kasalliklari, virusli gepatitlar, autoimmun gepatit, dori vositalaridan indutsirlangan jigar shikastlanishi.*

Резюме. *Хронические заболевания печени удвоились во всем мире за последнее десятилетие и продолжают расти. Ведущее место в этом занимает вирусный гепатит. Хронические диффузные заболевания печени (ХДЗП) любой этиологии часто сопровождаются внепеченочными (системными) проявлениями. Системные симптомы иногда возникают задолго до клинически выраженного поражения печени, а клинические признаки поражения печени иногда можно выявить на стадии цирроза печени. ХДЗП может проходить под видом различных аутоиммунных заболеваний в течение нескольких лет. Разнообразие системных проявлений наблюдается и при хроническом аутоиммунном гепатите (АИГ). В обзоре представлены данные о патогенезе и клинических особенностях коморбидного течения РА и диффузного поражения печени.*

Ключевые слова: *ревматоидный артрит, диффузные заболевания печени, вирусный гепатит, аутоиммунный гепатит, медикаментозное поражение печени.*

Abstrakt. *Chronic liver disease has doubled worldwide over the past decade and continues to rise. The leading place in this is occupied by viral hepatitis. Chronic diffuse liver disease (CDLD) of any etiology is often accompanied by extrahepatic (systemic) manifestations. Systemic symptoms sometimes occur long before clinical liver damage, and clinical signs of liver damage can sometimes be detected at the stage of liver cirrhosis. CDLD can pass under the guise of various autoimmune diseases for several years. A variety of systemic manifestations is also observed in chronic autoimmune hepatitis (AIG). The review presents data on the pathogenesis and clinical features of the comorbid course of RA and diffuse liver damage.*

Keywords: *Rheumatoid arthritis, diffuse liver diseases, viral hepatitis, autoimmune hepatitis, drug-induced liver injury.*

Kirish. Hozirgi vaqtda bir qancha tibbiyot ixtisosliklari tutashuvida yuzaga kelgan va rivojlanayotgan multiditsiplinar hamda multifaktorial muammolar ayniqsa murakkab hisoblanadi. Shunday muammolardan biri JSDK, xususan surunkali virusli gepatitlar (SVG), SAIG hamda jigarning yog‘li gepatozi bilan kasallangan bemorlarda revmatik kasalliklarni tashxislash va davolash xususiyatlarini o‘rganishdir. Aniqroq aytganda, RA da jigarning zararlanishi turli dori vositalari natijasida toksik shikastlanishi, birlamchi (autoimmun gepatitlarda) yoki ikkilamchi (biriktiruvchi to‘qimaning diffuz kasalliklari fonida) immunologik hamda viruslar ta’sirida shikastlanishi bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Bu esa o‘z navbatida jigardagi patologik holatlarni baholashdan oldin ikkilamchi xolatlarni istisno qilishni talab qiladi.

Revmatoid artrit va jigarning surunkali diffuz kasalliklar o‘rtasidagi klinik bog‘liqlik. Jigar ko‘p hollarda asosiy kasalliklarda zararlanishi mumkin bo‘lgan nishon a’zo sifatida qaralmasada, jigardagi patologik xolatlar ba’zida asosiy kasalliklarning fonida ikkilamchi kasalliklar sifatida, ba’zida asosiy kasallik davosining toksikligi va jigardan tashqari kasallikning asoratlari sifatida yuzaga keladi. Yuqorida qayd etilgan har bir holatda ham, revmatolog uchun jigarning zararlanishini o‘z vaqtida aniqlash va tashhislash tartibini bilish juda muhimdir. RA ko‘p xollarda, haqiqatan ham jigarning autoimmun kasalliklar (ayniqsa, autoimmun gepatit), jigar parenximasining bevosita shikastlanishi yoki dori vositalarining (ayniqsa metotreksat va steroidlarning) jigargata’sirimavjudligisababliikkilamchijigarpatologiyalari bilan bog‘liq bo‘ladi. Bundan tashqari, immunosupressiv dorilarning asosiy virusli infeksiyalarga, ayniqsa virusli gepatitlarga ta’sirini qayd etish lozim. Bir-biriga o‘xshash kasallik shakllari asosan genetik determinantlarga bog‘liq bo‘lib, ikkala kasallikda ham umumiy sezgir lokuslar mavjud bo‘ladi. JSDK da RA ga o‘xshash jihatlarni erta bosqichda aniqlash juda muhim, chunki bunday komorbidlik kasallikning kechishi va prognoziga ta’sir qiladi. JSDK eng ko‘p uchraydigan revmatik kasalliklardan biri bo‘lgan RA ning bo‘g‘imdan tashqari tizimli shikastlanishlarni JSDK bilan assotsiirlanib kelgan holatidan farqlash lozim. Boisi,

bu ikkala xolatda kasallik asoratlari va davolash usullari turlichadir. Keltirilgan tavsiyalarga amal qilinsa terapevtik variantlari bir-biriga mos keladigan JSDK va RA da jigarning immun holati va revmatik ko‘rinishlarni nazorat qilishni personizatsiyalashtirilishi mumkin. Gepatologlar va revmatologlarning bunday ko‘rinishdagi o‘zaro hamkorligi murakkab multidissiplinar muoammolarni hal qilishda sezilarni yutuqlarga olib kelishi mumkin [12].

Revmatoid artritning jigar ko‘rinishlari. Ma’lumki, RA asosan bo‘g‘imlarning shikastlanishi bilan namoyon bo‘ladi. Shunga qaramasdan, RA ning bir qator bo‘g‘imdan tashqari klinik ko‘rinishlari mavjudligini yodda tutish muhimdir. RA bilan kasallangan bemorlarning taxminan 40 % ida RA ning bo‘g‘imdan tashqari klinik qo‘rinishlari kuzatilishi mumkin [26]. RA ning bo‘g‘imdan tashqari klinik ko‘rinishlari ko‘z, o‘pka, teri, yurak va asab tizimi kabi turli a’zolarning kasalliklari sifatida namoyon bo‘lishi mumkin [16]. Jigarning shikastlanishi esa ko‘p xollarda RA ning bo‘g‘imdan tashqari klinik ko‘rinishi hisoblanmaydi. Shu o‘rinda, jigar shikastlanishi RA ning bo‘g‘imdan tashqari klinik ko‘rinishi sifatida emas, balki RA ning jigarda kechishi ekanligi haqida ziddiyatli fikrlarni ham ta’kidlash lozim bo‘ladi. Rigby va hammualliflari jigar shikastlanishi odatda RA ning jigar ko‘rinishi emasligini ta’kidlashsada [39] biroq, boshqa bir guruh olimlarning fikriga ko‘ra, RA ning jigar ko‘rinishi RA bilan og‘rigan bemorlarning 6-74 % ida uchraydi [13,31,41,47]. Aminotransferazalar ko‘rsatkichlarining me’yoriy ko‘rsatkichlardan biroz oshishi yoki noma’lum sabablar tufayli ishqoriy fosfataza va gamma-glutamil peptidazasining ortishi ba’zan RA ning jigar ko‘rinishi deb hisoblaniladi. Ya’ni, noma’lum etiologiyalar sababli jigarda yuzaga kelgan patologik holatlar ba’zan RA ning jigar ko‘rinishi deb ataladi. RA ning jigar ko‘rinishi sifatida aniqlangan ushbu jigar xastaligining patogenezi hali aniqlanmagan. Hozirgi vaqtda autoimmun va surunkali yallig‘lanish kasalliklarida jigarning immun javobini modulyatsiya qilishdagi muhim rolini tasdiqlovchi bir qator ma’lumotlar mavjud [43]. Shunga qaramasdan, RA da jigar shikastlanishining patogenezi hali ham batamom o‘rganilmagan. Shikasatlangan jigarning gistopatologik tahlilida ko‘pincha Kupfer hujayralarining giperplaziyasi, markaziy bo‘lakchalarda lipofutsinning ko‘payishi, portal yo‘llarda yallig‘lanish hujayralari infiltratsiyasi kabi umumiy, ya’ni nospetsifik o‘zgarishlarni aniqlanadi [11]. Shunga qaramasdan, ishqoriy fosfatazaning chegaralangan ortishi bilan ishqoriy fosfataza jigar yoki bo‘g‘imlarning zararlanishi natijasida kelib chiqqanmi yoki yo‘qmi, har doim ham farqlash imkoni bo‘lmaydi.

RA ning jigarga ta’sirini ko‘rsatuvchi juda og‘ir ko‘rinishlaridan biri bu jigarichi qon ketish bo‘lib, bu revmatoid vaskulit fonidagi jigar tomirlarining patologik o‘zgarishi oqibatida kelib chiqadigan jiddiy klinik ko‘rinishlaridandir [26]. Jigar arteritini RA ning bo‘g‘imdan tashqari asorati sifatida tashxislash uchun jigar biopsiyasi talab qilinadi, bu portal yallig‘lanish faolligisiz yoki mikroanevrizmasiz nekrozlangan jigar arteriyasi vaskulitini tasdiqlaydi. Ba’zi hollarda, hollarda jigarichi qon ketish jigarning o‘z-o‘zidan yorilishiga olib keladi [23].

Revmatoid artrit va jigarning birlamchi kasalliklari. RA bilan kasallangan bemorlarda jigar fermentlarining faolligi oshishi yoki RA da rivojlangan jigar kasalligining klinik ko‘rinishlari bilan jigarning birlamchi kasalliklarini istisno qilish yoki tasdiqlash qo‘shimcha va chuqur tekshiruvlarni talab qiladi [47]. RA bilan hamroh kechadigan jigarning birlamchi kasalliklariga jigarning autoimmun kasalliklarini misol qilib keltirishimiz mumkin.

Ma’lumki, muayyyan autoimmun kasallikka chalingan bemorlarning boshqa autoimmun kasalliklarga moyilligi yuqori ekanligi RA tashxisli bemorlar uchun ham tasdiqlangan [5]. RA bemorlarida eng ko‘p tarqalgan autoimmun jigar patologiyalari bo‘lib birlamchi biliar sirroz (BBTS), autoimmun gepatit (AIG) hamda birlamchi sklerozlanuvchi xolangit kabilar hisoblanadi. R.Poupon, K.D.Lindor va hammualliflarining ma’lumotlarida qayd etilishicha RA tashhisli bemorlarining 1-10 foizida BBTS aniqlanadi. BBTS - autoimmun, surunkali xolestatik jigar kasalligidir [29,36]. BBTS tashhisi uchta mezondan ikkitasi musbatligiga asosan belgilanadi: ishqoriy fosfataza va Gama-glutamilpeptidazaning ortishi, antimitoxondrial antitanalarning (AMA) mavjudligi va BBTS ning gistologik xususiyatlari [23]. BBTS da jigar fermentlari me’yoriy ko‘rsatkichlari o‘zgarishsiz bo‘lgan faqatgina AMA ijobiy bemorlarning kichik guruhi mavjud. Shu bilan bir qatorda, xolestaz va gistologiyasi bo‘yicha BBTS tashxisiga muvofiq bemorlarning taxminan 5-10% ida AMA aniqlanmaydi (AMA salbiy BBTS) [24, 38]. RA tashxisli bemorlarda AMA mavjudligi BBTS mavjudligini yoki RA paytida rivojlanishini ko‘rsatadi [28].

Ushbu antitanalarning ahamiyati xolestazning biokimyoviy belgilarisiz, klinik simptomlari juda sust ifodalangan bemorlarda ham o‘z tasdig‘ini topgan [6]. Siegel va hammualliflari tadqiqotlari natijalarga asoslanib, ular AMA ni jigar funksiyasi buzilgan holatlarda, ayniqsa xolestaz fermentlari bo‘lgan barcha RA tashxisli bemorlarda o‘tkazilishi shart bo‘lgan laborator tahlillar qatoriga qo‘shish kerakligini ta’kidlashdi [45]. K.Whaley va boshqalar tomonidan olib borilgan tadqiqotda AMA RA tashhisli 997 bemorlarining 0,9% da aniqlangan [53]. RA li bemorlarda AMA ning spetsifikligi yetarlicha o‘rganilmagan. RA va BBTS rivojlanishi o‘rtasidagi patogenetik bog‘liqlikni topishga, boshqacha qilib aytganda, RA bemorlarda BBTS rivojlanishiga moyillikni oshiradigan yoki jigarning autoiimun kasalliklariga chalingan bemorlarda RA rivojlanishini rag‘batlantiruvchi omillarni topishga qaratilgan genetik tadqiqotlar o‘tkazildi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, RA li bemorlar BBTS tashhisli bemorlar bilan bir nechta HLA-DQB1, STAT4, IRF5, MMEL1 va CTLA4 kabi umumiy genlarga ega. RA ega genlar nizomiga muvofiq bilan shaxslar PBC rivojlantirish uchun ko‘proq moyil bo‘lishi mumkin, deb bir sababi bor [46]. RA patogenezida genlarning roli keng o‘rganilgan bo‘lsa-da, jigarning autoimmun kasalliklarida, jumladan BBTS induksiyasida epigenetik o‘zgarishlarning roli haqidagi ma’lumotlar siyrak [30, 32]. Ba’zi odamlarda RA va BBTS rivojlanishiga imkon bergan omillarni aniqlash maqsadida, ushbu kasalliklarning kelib chiqishi uchun ma’lum bir yuqumli qo‘zg‘atuvchi javobgar deb taxmin qilishadi. O‘z-o‘zidan va bakterial antigenlar o‘rtasidagi molekular mimikriya va o‘zaro reaktivlik BBTS induksiyasida rol o‘ynaydi deb ishoniladi [7].

Guan Wee Wong, Michael A. Heneghan larning ta’kidlashicha RA va JSDK, jumladan autoimmun gepatitlar (AIG) komorbid kechishi ko‘p xollarda qayd etilgan, ya’ni katta yoshli aholi va bolalarda AIG bilan og‘rigan bemorlarning 20-50 % ida autoimmun kasalliklarning bir necha turlari assosatsiyalanib kechishi tasvirlangan. Ushbu bemorlarning 10-60% da spetsifik bo‘lmagan, ba’zida o‘tib ketuvchi tavsifga ega bo‘lgan bo‘g‘im og‘riqlari aniqlanadi. Ba’zan og‘riqlar bilan birga bo‘g‘imlarda shishlar ham yuzaga keladi. Shu bilan bir qatorda, mualliflar AIG tashhisli bemorlarning 2-4 % ida RA aniqlanishini qayd etishgan. Ko‘pgina bemorlarda bu bo‘g‘imlarning zararlanish alomatlari immunosupressiv davo boshlanganidan keyin bir necha kun ichida yo‘qoladi. Biroq, AIGli bemorlarda ba’zi hollarda bo‘g‘imdagi og‘riqlar va karaxtlik yallig‘lanishga

qarshi steroid vositalari (YAQSV) davolash rejasi tarkibidan olib tashlanganda va ularni qabul qilish to‘xtatilganda ham saqlanib qolgan xolatlar ham kuzatilgan [54].

Shunga e’tibor qaratish lozimki, Takahashi A., Abe K., Yokokawa J., Iwadate H., Kobayashi H., Watanabe H., Irisawa A., Ohira H. larning tadqiqotlariga ko‘ra AIG RA li bemorlarda 1,3% hollarda kuzatiladi [48]. AIG bilan kasallangan bemorlarda RA rivojlanishi esa 1,65 dan 5,4% gacha bo‘ladi [15]. AIG ko‘p xollarda RA ning avj olgan bosqichida o‘tkir yoki surunkali gepatit shaklida tashxislanishi mumkin, kam xolatlardagina o‘tkir jigar yetishmovchiligi ko‘rinishida kechishi mumkin (123).

RA tashxisli bemorlarning taxminan uchdan birida AIG isitma, jigar sohasida og‘riq va sariqlik bilan tavsiflangan o‘tkir gepatit belgilar bilan ifodalanadi. Xalqaro Autoimmun Gepatit Guruhi tomonidan taklif qilingan AIG baholash tizimidan foydalangan holda ham, bu patologiyani RA bilan og‘rigan bemorlarda AIG va RA ning jigar ko‘rinishi yoki toksik gepatit o‘rtasidagi dastlabki farqlarni aniqlashtirish birmuncha murakkabdir [4]. Gepatitni davolash va prognoz qilish uchun o‘z vaqtida farqlash juda muhimdir. RA bilan og‘rigan bemorlarda aminotransferazalarning ortishi 41% hollarda autoimmun gepatitning mavjudligi bilan bog‘liq [50].

AIGda qonda aylanib yuruvchi O‘NO ning yuqori ekspressiyasi aniqlanadi, O‘NO antagonistlari esa RA da AIG gistologik shikastlanishlarini yaxshilashi ko‘rsatilgan [50]. Biroq, anti-O‘NO terapiyasi autoantitanalarni, shu jumladan ANA va ASMA ishlab chiqarilishini rag‘batlantirilishiga sabab bo‘lishi mumkin, bu esa turli autoimmun kasalliklarning rivojlanishiga olib keladi [35]. Shunga ham e’tibor qaratish kerakki, AIG larda anti-O‘NO ingibitori bilan bog‘liq jiddiy idiosinkratik jigarning dori vositalaridan zararlanishi keng miqyosli tadqiqotlar natijasida ko‘rsatib berilgan [52]. AIG da jigarning dorilardan shikastlanishida ayollar ustunligiga qayd etiladi. Shuningdek, RA da anti-O‘NO davo boshlanganidan 3-14 oydan so‘ng AIG rivojlanishi va dori-darmonlarni hamda kortikosteroidlarni qabul qilishni to‘xtatilgandan keyin AIG tashhisli bemorlar ahvolining yaxshilanishi ham aniqlangan. AIG da jigarning dorilar ta’siridan zararlanishiga eng ko‘p sabab bo‘ladigan O‘NO blokatorlaridan biri infliksimab hisobdanadi va bu preparat RA ni davolashda eng ko‘p qo‘llaniladi.

O‘tkir yoki surunkali virusli gepatit V (HBV), gepatit C (HCV) bilan kasallangan bemorlarda revmatologik muammolar ko‘rinishidagi gepatitlarning jigardan tashqari klinik ko‘rinishlar rivojlanishi mumkin, bu esa o‘z navbatida RA ning erta tashxisini kechiktirishi mumkin. Gepatitlarning revmatologik ko‘rinishlarini RA ning klinik belgilaridan farqlash hamda o‘z vaqtida taqqoslama tashhisotini amalga oshirish lozim, sababi gepatitlarda revmatik belgilar jigarning shikasatlanishi belgilaridan ilgari yuzaga kelishi va birlamchi autoimmun revmatik kasallik sifatida tashhislanishi mumkin.

Shunga qaramay RA va HCV ning differensial diagnostikasi HCV infeksiyasining jigardan tashqari klinik ko‘rinishi bo‘lgan artritli bemorlarda siklik sitrulin peptidiga (anti-STSP) antitanalarning yo‘qligi bilan osonlashtirilishi mumkin [25].

JSDK, xususan gepatotrop viruslar RAning shakllanishida ishtirok etadigan qo‘zg‘atuvchilardan biri bo‘lishi mumkin. Ba’zi tadqiqodchilar ta’kilashadiki, biriktiruvchi to‘qima tizimli kasalliklari bo‘lgan bemorlarda virusga qarshi himoyaning pasayishi (bu asosiy kasallik tufayli ham, immunosupressiv terapiya tufayli ham yuzaga keladi) ularda ko‘p hollarda hamroh infeksiyalarning aniqlanishiga sabab bo‘ladi [20].

Tadqiqotlar natijalari tahliliga ko‘ra, gepatit C virusi (HCV) revmatoid artritli bemorlarning 0,7-8 foizida, RA esa virusli gepatit S bilan og‘rigan bemorlarning 5-15 foizida kuzatiladi. Bu ko‘rsatkich quyidagi holat bilan izohlanadi: revmatoid omil (RO) larning yuqori darajasi qonda aylanib yuruvchi immun komplekslarga nisbatan qo‘zg‘atuvchi rolini o‘ynaydi va HCV infeksiyasining tarqalishini oldini oladi [49]. Biroq, RA va HCV infeksiyasi komorbid kechishiga oid ushbu ma’lumot yetarli darajada bemorlar sonida o‘rganilmagan [21, 22]. Qon zardobida, sinovial suyuqlikda va so‘lak tarkibida HCV ga antitanalar aniqlangan. Umumiy bo‘g‘im sindromida HCV infeksiyasining ishtirokini talqin qilishning murakkabligi ikkala kasallikda ham qo‘llarning mayda proksimal bo‘g‘imlarining bir xil shikastlanishi bilan bog‘liq, ammo RA tashhisi tasdiqlangan va HCV ga antitanalar aniqlangan bemorlarda kaftlarning tendosinoviti, karpal kanal sindromi va mayda bo‘g‘imlar tendosinovitlari ustunlik qiladi. HCV infeksiyasi bo‘lgan katta yoshli bemorlarda Still sindromining qo‘shilishi ham kuzatiladi [9,18]. Ba’zi mualliflar ushbu xolatni quyidagi klinik misol bilan asoslashgan: transfuziyadan keyin gepatit bilan kasallangan bemorda seropozitiv RA tashhisi qo‘yilgan. Bu bemorda HCV antigeni ijobiy chiqqandan so‘ng uch yil o‘tgach RA rivojlangan. Bemorning genetik materialida RA bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan HLA-DR4 i HLA-BW54 genlari mavjud bo‘lgan [1].

Bundan tashqari hozirgi kunda keng qo‘llanilayotgan RAda o‘sma nekroz omili (O‘NO)ni ishlab chiqarilishini kamaytirish yoki bloklashdan foydalanish HBV ning faol bo‘lmagan reaktivatsiyasiga olib kelishi mumkinligi ta’kidlanmoqda [4]. Bu esa RA da HBsAg - musbat bemorlar virusga qarshi profilaktik davo muolajalarni qabul qilishni taqazo etadi [34]. Shuningdek, O‘NO produksiyasi HCV infeksiyasida jigar yallig‘lanishi va fibrozning rivojlanishida ishtirok etsada [8], biroq HCV bilan kasallangan bemorlarda anti-O‘NO terapiyasining xavfsizligini ko‘rsatib berish qo‘shimcha tadqiqotlar talab qilinadi [51]. Bu fikrni, RAda O‘NO antagonistlarini qo‘llash AIG rivojlanishiga olib kelishi bilan asoslash mumkin [4].

Italiyalik olimlar Carlo Selmi, Maria De Santis va M. Eric Gershwin lar olib borgan tadqiqotlari ma’lumotlariga ko‘ra RA bilan og‘rigan bemorlarda RA bo‘g‘imdan tashqari belgilari bo‘lmagan holatda ham jigarning zararlanishini kuzatish mumkin [44].

Boshqa bir tadqiqotchilar tomonidan RA tashhisli bemorlarning 50 % ida jigar fermentlari miqdori oshishi aniqlangan. RA bemorlarda kortikosteroidlar qo‘llanilishi va surunkali yallig‘lanish jarayonlari JNAYOX rivojlanishi xavfi ekanligi o‘z isbotini topgan [17].

AQSHlik tadqiqotchi Ruderman E.M. va uning hammualliflari fikricha artrit aniqlangan bemorlarda jigar shikastlanishi faqat RA va uning variantlarida qayd etilgan. Biroq, jigar shikastlanishi odatda RA ning muhim bo‘g‘imdan tashqari klinik belgisi sifatida tan olinmaydi. RA bilan og‘rigan bemorlarning 18-50% ida kasallikning faolligiga bog‘liq ravishda me’yoriy bo‘lmagan turli jigar sinamalar ko‘rsatkichlari, asosan ishqoriy fosfataza yuqori darajada ko‘tarilganligi haqida ma’lumotlar mavjud. Xuddi shunday, me’yoriy bo‘lmagan jigar biopsiya natijalari RA tashhisli tanlanmagan bemorlarning 65% da aniqlangan: ularning yarmida portal yo‘llarning o‘rtacha surunkali yallig‘lanish infiltrati, kichik nekroz o‘choqlari va har to‘rtdan bir bemorda jigarning yog‘li distrofiyasi aniqlandi [40].

Yuqorida keltirilgan ma’lumotlar Arena U. va hammualliflari tomonidan ham tasdiqlandi. JNAYOX klinik jihatdan simptomlari sust ifodalangan holat bo‘lib, jigar oddiy yog‘li distrofiyasi bilan boshlanadi, keyinchalik steatogepatit, fibroz, sirroz rivojlanishi bilan namoyon

bo‘ladi va ba’zi hollarda saratonga olib kelishi mumkin. RA bilan og‘rigan bemorlarning taxminan 31 % ida JNAYOX rivojlanish xavfi mavjud va faqat 1,4 % ida ushbu patologiya progressivlanadi. Shuningdek olimlar RA va JNAYOX ba’zi umumiy xavf omillariga ega, ularning ba’zilari yallig‘lanish bilan bog‘liq deb hisoblashadi [3]. RA rivojlanishi uchun xos bo‘lgan yo‘llar ham yallig‘lanish bilan bog‘liq; Bular O‘NO alfa kabi o‘ziga xos yallig‘lanish sitokinlari tomonidan ifodalangan fibrogen va apoptotik reaksiyalardir [2]. Mualliflar RA ni davolashda keng qo‘llaniladigan preparatlar, shu jumladan metotreksat (MT) va steroidlar JNAYOX rivojlanish xavfining oshirsada, biologik terapiyadan foydalanish JNAYOX xavfining pasaytiradi deb hisoblashadi [10]. JNAYOX va RA aniqlanmagan bemorlarga nisbatan yurak-qon tomir tizimi kasalliklari, metabolik sindrom kabi hamroh patologiyalar uchrash ko‘rsatgichi JNAYOX va RA bilan og‘rigan bemorlarda ko‘proq kuzatiladi [14].

Revmatoid artritda dori vositalari indutsirlagan jigar shikastlanishi. RAni davolashda qo‘llaniladigan barcha dorilar gepatotoksik ta’sirni namoyon etishi mumkin, ayniqsa bemorlarga tavsiya etilganidan yuqori dozalarda qo‘llanilganda. RA tashxisli bemorlarda jigarning birlamchi kasalliklari mavjud bo‘lishi dori moddalar bilan bog‘liq jigar shikastlanishi xavfini oshirishi mumkin [42]. Dori vositalari ta’siri bilan yuzaga kelgan jigar shikastlanishi RAda, ayniqsa yallig‘lanishga qarshi nosteroid vositalar (YAQNV) va metotreksat bilan davolash paytida keng tarqalgan [44].

Turli xil kasalliklarda davolashga ko‘rsatma asosida YAQNV qo‘llanilgan xolatlarda jigar shikastlanishi darajasi yiliga 100 000 davolangan bemorlarning soniga 3,7-5 nisbatni tashkil qiladi [27]. Artritning boshqa shakllariga nisbatan RA ni davolashda YAQNV lar qo‘llanilganda, jigar shikastlanishi xavfi o‘n baravar yuqori ekanligi taxmin qilinadi [19]. RAda YAQNV larni boshqa gepatotoksik dorilar bilan bir vaqtda qo‘llash ularning gepatotoksiklik xususiyatini yanada kuchaytiradi. Ayollar YAQNV larning gepatotoksik ta’siriga ko‘proq moyil bo‘ladi [33]. YAQNV lar har qanday dozada qo‘llanilishidan qat’iy nazar, jigar fermentlari darajasining oshishi shaklida gepatotoksik ta’sirini namoyon etishi mumkin [44]. Aminotransferazalar, ishqoriy fosfataza miqdorlarining ko‘tarilishi ba’zi hollarda jigarning diffuz kasalliklari belgilari, gepatomegaliya, qon zardobidagi bilirubin yoki protrombin vaqtining o‘zgarishi yoki jigar faoliyatining og‘ir disfunksiyasi belgilari bilan birga kuzatiladi. Jigar fermentlari ko‘rsatkichlari darajasining oshishi, shuningdek, jigardagi spetsifik bo‘lmagan bo‘lmagan gistopatologik o‘zgarishlar davolanishni to‘xtatgandan keyin ham qaytalanishi mumkin. Juda kam hollarda jigarning qaytmas jiddiy shikastlanishi rivojlanishi mumkin. RA da qo‘llaniladigan bir qator YAQNV ning jigarga ta’siri o‘rganilgan. Bulardan ibuprofen keltirib chiqaradigan o‘tkir xolestatik gepatit shakllari, shuningdek, diklofenak tufayli rivojlangan surunkali faol autoimmun gepatitlar tasvirlangan. Ta’kidlash lozimki, RA tashhisli bemorlarni davolashda YAQNV, metatreksat, steriodlar, biologik preparatlar va/yoki gematopoyetik o‘zak hujayralari transplantatsiyasi kabi kuchliroq immunosupressantlardan foydalanish jigarning shikastlanishiga asosiy sabab bo‘ladi va xatto gepatit viruslarining qayta faollashishiga olib keladi [44].)

Xulosa. Shunday qilib, RA da jigarning surunkali diffuz kasalliklari kechishining klinik-patogenetik xususiyatlarining etiopatogenetik mexanizmlarini o‘rganishda sezilarli muvaffaqiyatlarga erishilganiga qaramay, kasallikning qo‘zg‘atuvchi omillari va rivojlanish mexanizmlari hali ham to‘liq ochib berilmagan ko‘rinadi. Shu bilan birga, chet ellik tadqiqotchilarning RA ning JSDK kechish xususiyatlariga ta’sirining rolini ko‘rsatadigan natijalarining mavjudligi, ko‘plab JSDK ning RA rivojlanishi bilan bog‘liqligini tasdiqlaydi. Bu yo‘nalishdagi qo‘shimcha tadqiqotlar kasallikning yangi qirralarini yoritib, ushbu komorbid xolatni tashhislashda yangi imkoniyatlarni ochib beradi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Беневоленская Л.И. и др. Клинико-генегические аспекты ревматических болезней / - М.: Медицина, 1989. - 224 с.

2. Ahmed M.H., Byrne C.D. (2005) Non Alcoholic Steatohepatitis and Metabolic syndrome. In: Byrne C, Wild S (eds) Metabolic syndrome. Wiley, Chichester, pp 279–305

3. Arena U., Stasi C., Mannoni A., Benucci M., Maddali-Bongi S., Cammelli D., Assarat A., Marra F., Pinzani M. (2012) Liver stiffness correlates with methotrexate cumulative dose in patients with rheumatoid arthritis. Dig. Liver Dis. 44(2):149–153

4. Biljana Radovanović-Dinić1, Snežana Tešić-Rajković, Valentina Zivkovic, Saša Grgov “Clinical connection between rheumatoid arthritis and liver damage” Rheumatology International (2018) 38:715–724

5. Blank M, Gershwin ME (2008) Autoimmunity: from the mosaic to the kaleidoscope. J Autoimmun 30:1–4

6. Bogdanos DP, Komorowski L (2011) Disease-specific autoantibodies in primary biliary cirrhosis. Clin Chim Acta 412(7–8):502–51

7. Bogdanos DP, Baum H, Vergani D, Burroughs AK (2010) The role of E. coli infection in the pathogenesis of primary biliary cirrhosis. Dis Mark 29:301–311

8. Brunasso A.M., Puntoni M., Gulia A., Massone C. Safety of anti-tumour necrosis factor agents in patients with chronic hepatitis C infection: a systematic review. Rheumatology (Oxford) 2011;50:1700–1711.

9. Castanet J. [et al.] // Adult Still's disease associated with hepatitis C virus infection / J. Am. Acad. Dermatol. - 1994. - Vol. 31, № 5. - P. 807-808.

10. Chalasani N., Younossi Z., Lavine J.E., Diehl A.M., Brunt E.M., Cusi K., Charlton M., Sanyal A.J., American Association for the Study of Liver Diseases, American College of Gastroenterology, American Gastroenterological Association (2012) The diagnosis and management of non-alcoholic fatty liver disease: practice guideline by the American Association for the Study of Liver Diseases, American College of Gastroenterology, and the American Gastroenterological Association. Am. J. Gastroenterol. 107(6):811–826

11. Chentoufi AA, Serov YA, Alazmi M, Baba K (2014) Immune components of liver damage associated with connective tissue diseases. J Clin Transl Hepatol 2(1):37–44

12. Chentoufi AA, Serov YA, Alazmi M, Baba K (2014) Immune components of liver damage associated with connective tissue diseases. J Clin Transl Hepatol 2(1):37–44

13. Cojocaru M, Cojocaru IM, Silosi I, Vrabie CD (2013) Liver involvement in patients with systemic autoimmune diseases. Medica 8(4):394–397

14. Crowson C.S., Matteson E.L., Davis J.M. 3rd, Gabriel S.E. (2013) Contribution of obesity to the rise in incidence of rheumatoid arthritis. Arthritis Care Res (Hoboken) 65(1):71–77

15. Czaja A.J., Carpenter H.A., Santrach P.J., Moore SB. Genetic predispositions for the immunological features of chronic active hepatitis. Hepatology. 1993;18:816–822.

16. Das S., Padhan P. (2017) An overview of the extraarticular involvement in rheumatoid arthritis and its management. J Pharmacol Pharmacother 8(3):81–86

17. Gebreselassie A, Aduli F, Howell CD. Rheumatologic Diseases and the Liver. Clin Liver Dis. 2019;23:247–261.

18. Gallo M. [et al.] // Acute hepatitis in a patient with adult onset Still disease / Clin. Ter. - 1997. - Vol. 148, № 4.

- P. 183-187.

19. García Rodríguez L.A., Williams R., Derby L.E., Dean AD, Jick H (1994) Acute liver injury associated with nonsteroidal antiinflammatory drugs and the role of risk factors. Arch Intern Med 154(3):311–316

20. Gattoni A. [et al.] / Hepatitis C and systemic diseases // Clin. Ter. - 1997. - Vol. 148, № 4. - P. 133-151.

21. Handzha, I. Viral infection and rheumatic diseases / I. Handzha, H. Lysenko, L. Produsevych // Lik. Sprava. - 1997. - № 1. - P. 37-39.

22. Hisano C. [et al.] // A case of hemophagocytic syndrome manifesting adult Still's disease and acute hepatitis / Nihon Rinsho Meneki Gakkai Kaishi. - 1995. - Vol. 18, № 2. - P. 256-264

23. Hocking W.G., Lasser K., Ungerer R., Bersohn M., Palos M, Spiegel T (1981) Spontaneous hepatic rupture in rheumatoid arthritis. Arch Intern Med 141:792–794

24. Karlsen T.H., Vesterhus M., Boberg K.M. (2014) Controversies in the management of primary biliary cirrhosis and primary sclerosing cholangitis. Aliment Pharmacol Ther 39(3):282–230

25. Koga T., Migita K., Miyashita T., Maeda Y, Nakamura M, Abiru S, Myoji M, Komori A, Yano K, Yatsuhashi H, Eguchi K, Ishibashi H (2008) Determination of anti-cyclic citrullinated peptide antibodies in the sera of patients with liver diseases. Clin Exp Rheumatol 26(1):121–124

26. Lee J.E., Kim I.J., Cho M.S., Lee J. (2017) A case of rheumatoid vasculitis involving hepatic artery in early rheumatoid arthritis. J Korean Med Sci 32(7):1207–1210

27. Lacroix I, Lapeyre-Mestre M, Bagheri H, Pathak A, Montastruc JL (2004) Club de Reflexion des cabinets de Groupe de GastroEnterologie (CREGG); General practitioner networks nonsteroidal anti-inflamatory drug-induced liver injury; a case–control study in primary care. Fundam Clin Pharmacol 18(2):201–206

28. Liaskos C, Bogdanos DP, Rigopoulou EI, Dalekos GN (2007) Development of antimitochondrial antibodies in patients with autoimmune hepatitis: art of facts or an artifact? J Gastroenterol Hepatol 22(3):454–455

29. Lindor KD, Gershwin ME, Poupon R, Kaplan M, Bergasa NV, Heathcote EJ (2009) Primary biliary cirrhosis. Hepatology 50:291–308

30. Mitchell MM, Lleo A, Zammataro L et al (2011) Epigenetic investigation of variably X chromosome inactivated genes in monozygotic female twins discordant for primary biliary cirrhosis. Epigenetics 6(1):95–102. https://doi.org/10.4161/epi.6.1.13405

31. Mills PR, MacSween RN, Dick WC, More IA, Watkinson G (1980) Liver disease in rheumatoid arthritis. Scott Med J 25(1):18–22

32. Ospelt C, Reedquist KA, Gay S, Tak PP (2011) Inflammatory memories: Is epigenetics the missing link to persistent stromal cell activation in rheumatoid arthritis? Autoimmun Rev 10(9):519–524

33. Palmore TN, Shah NL, Loomba R, Borg BB, Lopatin U, Feld JJ, Khokhar F, Lutchman G, Kleiner DE, Young NS, Childs R, Barrett AJ, Liang TJ, Hoofnagle JH, Heller T (2009) Reactivation of hepatitis B with reappearance of hepatitis B surface antigen after chemotherapy and immunosuppression. Clin Gastroenterol Hepatol 7(10):1130–1137

34. Pauly M.P., Tucker L.Y., Szpakowski J.L., Ready J.B., Baer D., Hwang J., Lok A.S. Incidence of Hepatitis B Virus Reactivation and Hepatotoxicity in Patients Receiving Long-term Treatment with Tumor Necrosis Factor Antagonists. Clin Gastroenterol Hepatol. 2018;16:1964–1973.e1.

35. Perez-Alvarez R., Perez-de-Lis M., Ramos-Casals M. BIOGEAS Research Group. Autoimmune diseases caused by biological drugs. Kurr Opin Rheumatol. 2013; 25:56–64.

36. Poupon R (2010) Primary biliary cirrhosis: a 2010 update. J Hepatol 52:745–758

37. Radovanović-Dinić B, Tešić-Rajković S, Zivkovic V, Grgov S. Clinical connection between rheumatoid arthritis and liver damage. Rheumatol Int. 2018;38:715–724.

38. Reshetnyak (2014) Primary biliary cirrhosis: clinical and laboratory criteria for its diagnosis. World J Gastroenterol 21(25):7683–7708

39. Rigby WFC, Lampl K, Low JM, Furst DE (2017) Review of routine laboratory monitoring for patients with rheumatoid arthritis receiving biologic or nonbiologic DMARDs. Int J Rheumatol 2017:9614241

40. Ruderman E.M., Crawford J.M., Maier A., Liu J.J., Gravallese E.M., Weinblatt M.E. Histologic liver abnormalities in an autopsy series of patients with rheumatoid arthritis. Br. J. Rheumatol. 1997;36:210–213.

41. Ruderiman E.M., Crawford J.M., Maier A., Liu J.J., Gravallese E.M., Weinblatt M.E. (1997) Histologic liver abnormalities in an autopsy series of patients with rheumatoid arthritis. Br. J. Rheumatol 36(2):210–213

42. Schiemann U, Kellner H (2002) Gastrointestinal side effects in the therapy of rheumatologic diseases. Z. Gastroenetrol. 40:937–943

43. Selmi C, Mackay IR, Gershwin ME (2007) The immunological milieu of the liver. Semin Liver Dis 27:129–139

44. Selmi C, De Santis M, Gershwin ME (2011) Liver involvement in subjects with rheumatic disease. Arthritis Res Ther 13:226

45. Siegel JL, Luthra H, Donlinger J, Angulo P, Lindor K (2003) Association of primary biliary cirrhosis and rheumatoid arthritis. J Clin Rheumatol 9(6):340–343

46. Smyk DS, Bogdanos DP, Mytilinaiou MG, Burroughs AK, Rigopoulou EI (2012) Rheumatoid arthritis and primary biliary cirrhosis: cause, consequence, or coincidence? Hindawi Publ Corp Arthritis. https ://doi.org/10.1155/2012/39156 7 (article ID 391567, 7 pages)

47. Soultati A, Dourakis S (2005) Hepatic manifestations of autoimmune rheumatic diseases. Ann Gastroenterol 18(3):309–324

48. Takahashi A, Abe K, Yokokawa J, Iwadate H, Kobayashi H, Watanabe H, Irisawa A, Ohira H. Clinical features of liver dysfunction in collagen diseases. Hepatol Res. 2010;40:1092–1097.

49. Toubi E. [et al.] // IgA rheumatoid factor in patients with chronic HCV-infection: prevalence and clinical correlations / Clin. Exp. Rheumatol. - 2003. - Vol. 21, № 4. - P. 524.

50. Toulemonde G, Scoazec JY, Miossec P (2012) Treatment with etanercept of autoimmune hepatitis associated with rheumatoid arthritis: an open label proof of concept study. Ann Rheum Dis 71:1423–1424

51. Viganò M., Degasperi E., Aghemo A., Lampertico P., Colombo M. Anti-TNF drugs in patients with hepatitis B or C virus infection: safety and clinical management. Expert Opin Biol Ther. 2012;12:193–207.

52. Vollmer O., Felten R., Mertz P., Lebrun-Vignes B., Salem J.E., Arnaud L. Characterization of auto-immune hepatitis associated with the use of anti-TNFα agents: An analysis of 389 cases in VigiBase. Autoimmun Rev. 2020;19:102460.

53. Whaley K., Goudie R.B., Williamson J., Nuki G., Dick W.C., Buchanan WW (1970) Liver disease in Sjogren's syndrome and rheumatoid arthritis. Lancet i:861–863

54. Wong G.W., Heneghan M.A. Association of Extrahepatic Manifestations with Autoimmune Hepatitis. Dig. Dis. 2015; 33 Suppl. 2: 25-35

UDK: 616.31

STRATEGIES TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT AND PREVENTION OF PATIENTS WITH PERIODONTAL DISEASE

Usmonov B.A.
Andijansky State Medical Institute, Uzbekistan.

СТРАТЕГИИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ БОЛЬНЫХ ПАРОДОНТИТОМ

Усмонов Б. А.
Андижанский государственный медицинский институт, Узбекистан.

PARODONTITLARNI DAVOLASH VA PROFILAKTIKASI SAMARADORLIGINI OSHIRISH STRATEGIYALARI

Usmonov B. A.
Andijon davlat tibbiyot institute, O'zbekiston.

Annotation. *Dental higher education institutions in Uzbekistan are obliged to play a major role in the training of component professionals. Future Uzbek dentists will be able to tackle the challenge of reducing the prevalence of periodontal disease by leading interdisciplinary teamwork in healthcare.*
Key words: *gingivitis, periodontitis, awareness of periodontitis.*

Аннотация. *Стоматологические высшие учебные заведения в Узбекистане обязаны выступать главную роль в обучении профессионалов компоненты. Грядущие Узбекский стоматологи сумеют решить задачку понижения распространенности болезней пародонта, руководя междисциплинарной командной работой в области здравоохранения.*
Ключевые слова: *гингивит, пародонтит, осведомленность о пародонтите.*

Izoh. *O'zbekistondagi stomatologiya oliy o'quv yurtlari tarkibiy mutaxassislarni tayyorlashda katta rol o'ynashi talab etiladi. Bo'lajak o'zbek stomatologlari sog'liqni saqlash sohasida fanlararo jamoaviy ish olib borish orqali periodontal kasalliklarning tarqalishini kamaytirish muammosini hal qila oladi.*
Kalit so'zlar: *gingivit, periodontit, periodontit haqida xabardorlik.*

Relevance. Gingivitis is a common type of periodontal disease in people of all ages, including children and adolescents. However, epidemiological data on gingivitis in Uzbekistan are scarce, especially in relation to nationally representative studies [1,4,6]. In addition, in the study of gingivitis, some methodological difficulties arise, such as the lack of a uniform definition of a case of gingivitis, a critical point for determining its presence, the variety of periodontal indices used and the use of partial records that can overestimate or underestimate the prevalence of the disease [2,5,6] The most commonly used indices are the periodontal community index and the periodontal treatment need index from the community, both of which correspond to the partial registers proposed by the World Health Organization (WHO) [5].

With regard to periodontitis, most data are not available for Uzbekistan. are still directly or indirectly based on the characteristics of the periodontal scanning depth [6]. Measuring the loss of periodontal attachment will lead to an estimate of the total destruction of the periodontal, while the depth of the periodontal scan ignores the destruction of the periodontal, accompanied by gingival stagnation, or the position of the gingival margin in relation to the size of the periodontal pocket [2,5]. Consequently, the use of periodontal probing depth estimates will lead to conflicting video information. Several concepts of periodontitis cases have been proposed and combined; also, during the World Workshop 2017 (A Meaningful Report from Work Group 2 of the 2017 Worldwide Workshop on the Classification of Periodontal and Peri-implant Inflammations and Conditions) [3].

A unified definition of periodontitis has been proposed, indicated by either loss of interdental clinical attachment (CAL) found in areas of two or more non-adjacent teeth, or literal or oral CAL ≥ 3 mm with periodontal pockets> 3 mm in at least 2 teeth [1,3,5,6]. However, there are currently no Uzbekistan studies using this definition of a case of periodontitis.

A recent literature review suggests, in fact, that inflammatory periodontal disease is widespread in Latin American children and young adults. Grossly gingivitis overwhelms 34.7% of young people from Latin America, while the infinitely longest intrazonality of the banquet was found in Colombia (77%) and Bolivia (73%), and infinitely low in Mexico (23%). In other kingdoms (Russian Federation, Japan, Country, etc.), intrazonality of gingivitis swings from 31 to 56%. In Uzbekistan (22-35%). In this way, due to the longest prevalence of gingivitis, it is necessary to find and use in young people, all the more demanding its logos as an indicator of the notch for the development of periodontitis, sometimes these people are produced mature. Currently, all kinds of civilized and socio-economic barriers to professional support prevent the population from adopting equitable preventive approaches, earning early diagnosis and dispensing with topical treatment, which leads to limited progress in improving periodontal well-being.

Periodontal diseases are socially determined. For an effective war against this disease, action and social geopolitics of justice, oriented to limit social inequality, are required. Prevention is appropriate, to exist as a fundamental boundary of actions, policies and programs in the area of oral hygiene to maintain the well-being of the oral cavity and prevent periodontal diseases by effectively treating gingivitis and promoting a great lifestyle as at the level of the population, similarly at the individual level. This can be done by dentists and doctors, which provide customers with installations for effective independent hygiene of the oral cavity, for example, as if specifically to polish bread-bites and to polish interdental

spaces; in addition to a comprehensive and population-oriented approach to health education with an emphasis on a common risk agent. Above all, it is fitting to emphasize the concept that every person is forced to represent functional values in awareness of oral health, boundaries after self-care, strengthening of well-being and prevention of diseases for optimal oral health and corporate well-being throughout life. In addition, it is advised to increase the preparedness of the population about the importance of identifying early signs of periodontal disease, instructing people to understand the significance of gum inflammation, the presence of bleeding gums and independently examine the gum tissue in the prevention of these diseases.

In order to achieve more monolithic data, social bonds can be a useful tool, some should be explored, given that they provide fast, comfortable and numerous information dissemination assets that can facilitate the implementation and widespread use of strategies in order to teach our patients with periodontics. For example, it is possible to dispose of a self-report questionnaire defined for population surveillance following adolescent gingivitis. In addition, these platforms can increase the preparedness of the public and professionals about periodontal health.

A long-term stable policy of universal oral health should exist centered on enhancing oral health and disease prevention by controlling their shared and modifiable score points based on an integrated link between oral health and general well-being. Consequently, the blighted diseases of the oral cavity, including periodontal disease, are appropriate, subject to effective prevention, control, care and healing from the side of all doctors by means of a corporate alignment to achieve a corporate state of health. However, despite the need for more research in Uzbekistan, the current certificate is endlessly useful for the development of public policies for health promotion, prevention and treatment of oral diseases with an emphasis on cumulative care.

In almost all variants, destructive periodontal disorder can be reduced, or avoided, if prevention and treatment of difficult gingivitis occurs at an early age. The likelihood that untreated periodontal diseases can negatively affect the general state of well-being of people reveals an additional effect for the periodontal health improvement in young men in Uzbekistan. However, periodontal disease is one of the predominantly public health problems, unfortunately, they are often overlooked in public health strategies and policies. This has led to significant socio-economic consequences in terms of health care costs, lack of work to study, and yes for the sake of prosaic life and self-esteem of people.

Periodontal disease and non-communicable diseases have corporate risks such as tobacco consumption. Therefore, it is immensely essential to integrate oral well-being into the overall health agenda with the goal of the benefits of wellness and overall well-being. It is in this context that dental schools are appropriate, to represent the paramount importance in training professionals with an emphasis on the promotion, prevention and early diagnosis of oral diseases, starting periodontal disease, taking into account the notch and knowledgeable biopsychosocial and ethical components.

Consequently, upcoming Latin American dentists will be able to meet the challenge of reducing the prevalence of periodontal disease by leading an interdisciplinary health education service. Consequently, corporate dentists are appropriate, to exist impeccably prepared for the healing of most patients with periodontal disease for light and more typical stages of periodontitis (stages I and II, unanimously systematizing the infirmities and conditions of periodontal disease in 2018) and to be able to predetermine the subjects, this should be focused on specialists in periodontal disease.

Conclusions.

1. The use of goal setting, self-control and planning are effective measures to improve oral hygiene in patients with periodontal disease.

2. Therefore, we need future dentists who understand the severity of periodontal disease and the benefits of behavioral change in periodontal patients in the context of comprehensive human care.

LITERATURE AND REFERENCES:

1. Botero J.E., Rosing K.K., Duque A., Jaramillo A., Contreras A. Periodontal disease in children and adolescents in Latin America. Periodontol 2000.2015 February; 67 (1): 34-57. https://doi.org/10.1111/prd.12072 [Links]

2. Eke P.I., Page R.K., Wei L., Thornton-Evans G., Jenko R.J. Update of case definitions for population-based periodontitis surveillance. J Periodontol. December 2012; 83 (12): 1449-54. https://doi.org/10.1902/jop.2012.110664 [Links]

3. Elias-Boneta A.R., Toro M.J., Rivas-Tumanyan S., Rajendra-Santosh A.B., Brach M., Collins S.D. Prevalence, severity and risk factors for gum disease in adult Caribbean residents: crossover

4. Giermo P., Rosing K.K., Susin S., Oppermann R. Periodontal disease in Central and South America. Periodontol 2000.2002; 29 (1): 70-8. https://doi.org/10.1034/j.1600-0757.2001.290104.x [Links]

5. Murillo G.V., Castillo J., Serrano J., Ramirez J., Viales J., Benitez C. Prevalence and severity of plaque-induced gingivitis in three Latin American cities: Mexico City, Metropolitan Area-Costa Rica, and Bogota-Colombia. ODOVTOS-Int J Dental Sci. 2018 May-August; 20 (2): 91-102. https://doi.org/10.15517/ijds.v20i2.32451 [Links]

6. Rizaev Zh.A., Abdashimov Z.B., Nurmamatova K.Ch., Usmanbekova G.K. Some issues of long-term planning in the dental service of the Republic of Uzbekistan /. Stomatologiya. No. 4.77.2019

7. Savage A, Eaton KA, Moles DR, Needleman I. A systematic review of the definitions of periodontitis and the methods used to detect this disease. J Clin Periodontol. June 2009; 36 (6): 458-67. https://doi.org/10.1111/j.1600-051X.2009.01408.x [Links].

УДК 616.008; 616.1

МЕТАБОЛИЧЕСКИЙ СИНДРОМ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА: ДИЕТОТЕРАПИЯ И НУТРИЦЕВТИЧЕСКАЯ ПОДДЕРЖКА

Хасанова Г.Х.[1], Тухтаева Н.Х.[2]
[1]Ташкентский международный университет Кимё, Ташкент,
[2]Ташкентская Медицинская Академия, Ташкент.

METABOLIC SYNDROME IN WOMEN OF FERTILITY: DIET THERAPY AND NUTRICEUTIC SUPPORT

Khasanova G.Kh.[1], Tukhtaeva N.Kh.[2]
[1]Kimyo International University in Tashkent, Tashkent,
[2]Tashkent Medical Academy, Tashkent.

FERTIL YOSHDAGI AYOLLARDA METABOLIK SINDROM: DIYETOTERAPIYA VA NUTRITSEVTIK KO‘MAK

Xasanova G.H.[1], Tuxtaeva N.Kh.[2]
[1]Toshkent Kimyo xalqaro universiteti, Toshkent,
[2]Toshkent Tibbiyot Akademiyasi, Toshkent.

Резюме. *Метаболический синдром (МС) является актуальной проблемой современной медицины в связи с высокой распространенностью, постоянным ростом числа больных и высокой частотой сердечно-сосудистых осложнений (Ройтберг Г.Е., 2007).*

По современным представлениям, ключевыми факторами, приводящими к развитию нарушений обмена веществ при МС, являются увеличение массы висцерального жира и снижение чувствительности периферических тканей к инсулину с развитием компенсаторной гиперинсулинемии, которые ассоциируются с нарушениями углеводного, липидного, пуринового обмена и артериальной гипертонией (АГ) [ВНОК, 2009].

Ключевые слова: *Метаболический синдром (МС), сахарный диабет (СД), артериальная гипертензия (АГ), репродуктивный возраст, ожирение, гликемический индекс (ГИ), инсулин, магний, витамин Д.*

Abstract. *Metabolic syndrome (MS) is an urgent problem of modern medicine due to its high prevalence, the constant increase in the number of patients and the high frequency of cardiovascular complications (Roitberg G.E., 2007).*

According to modern concepts, the key factors leading to the development of metabolic disorders in MS are an increase in the mass of visceral fat and a decrease in the sensitivity of peripheral tissues to insulin with the development of compensatory hyperinsulinemia, which are associated with disorders of carbohydrate, lipid, purine metabolism and arterial hypertension (AH) [RSSC, 2009].

Key words: *Metabolic syndrome (MS), diabetes mellitus (DM), arterial hypertension (AH), reproductive age, obesity, glycemic index (GI), insulin, magnesium, vitamin D.*

Rezyume. *Metabolik sindrom (MS) keng tarqalganligi, bemorlar sonining doimiy ko‘payishi va yurak-qon tomir asoratlarining yuqori chastotasi tufayli zamonaviy tibbiyotning dolzarb muammosi hisoblanadi (Roitberg G.E., 2007).*

Zamonaviy kontseptsiyalarga ko‘ra, MSda metabolik kasalliklarning rivojlanishiga olib keladigan asosiy omillar visseral yog‘ massasining ko‘payishi va periferik to‘qimalarning insulinga sezgirligining pasayishi bilan bog‘liq bo‘lgan kompensatsion giperinsulinemiya rivojlanishi bilan bog‘liq. uglevod, lipid, purin almashinuvi va arterial gipertenziya (AH) hisoblanadi [Butunrossiya kardiologiya ilmiy jamiyati, 2009].

Kalit so‘zlar: *Metabolik sindrom (MS), qandli diabet (QD), arterial gipertenziya (AG), reproduktiv yosh, semizlik, glikemik indeks (GI), insulin, magniy, D vitamini.*

Во всем мире в последние годы отмечается устойчивый рост распространенности ожирения, сахарного диабета (СД) и артериальной гипертензии(АГ)-факторов риска, тесно связанных между собой и объединяемых в рамках метаболического синдрома (МС) [1].

Kirish. Malakali kadrlar tayyorlashda ta’lim jarayonini samarali tashkil qilish muhim o‘rin tutadi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8 oktabrdagi farmoni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiya”ga ko‘ra yurtimizdagi oliy ta’lim muassasalarining 85% 2030-yilgacha kredit-modul tizimiga bosqichma bosqish otishi rejalashtirilgan. Ma’lumki, kredit-modul tizimida talabaning o‘qish yuklamasi auditoriya (40%) va mustaqil o‘qish (60%) soatlariga ajratiladi. Zamonaviy ta’lim jarayonida mustaqil ta’lim olish yetuk mutaxassis bo‘lib yetishishning muhim omili hisoblanadi. Zamonaviy ta’lim jarayoni – bu talabalarga faqat bilim berish, ularda fikrlash qobiliyatini rivojlantirish, olingan bilimlardan foydalanish bo‘yicha o‘quv ko‘nikmalarini shakllantirishdan iborat bo‘lmay, balki ularga mustaqil bilimlarni qidirib topish, o‘zlashtirish shakllari, usullari, vositalarini o‘rgatishdan iborat. Ta‘lim dasturini o‘zgarishi jarayonida fanlarning bir qator masalalari va muammolari mustaqil ta‘lim orqali o‘rganilishi lozim. An’anaviy o‘qitish modelida ta’lim beruvchi o‘quv jarayonining asosiy tashkilotchisi va ma‘lumot tarqatishning bosh manbai hisoblanadi. Ta’lim beruvchi ta’lim jarayonida shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi. O‘z navbatida, auditoriya mashg‘ulotlari o‘quv jarayonining asosiy qismini tashkil etadi. Axborot va bilimlar doirasi tez sur‘atlar bilan kengayib borayotgan hozirgi sharoitda barcha ma’lumotlarni faqat dars mashg‘ulotlari paytida talabalarga yetkazish qiyin. Talabalar egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishlari, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlari va hatto hulosa qilishlarishlari o‘rgatilmoqda. Kredit – modul tizimiga o‘tish bilan ta‘lim beruvchining o‘quv jarayoni asosiy tashkilotchisi hamda ma‘lumot tarqatishning yagona manbasi sifatidagi roli susayadi. Talaba ushbu o‘quv jarayoni markazida bo‘ladi. Bunda u asosiy vaqtini mustaqil ta‘lim olishga sarflashi lozim.

Tadqiqot maqsadi. Mazkur tizimning joriy etilishi ta’lim sifatini oshirish, bu jarayonda pedagog va talaba o‘rtasidagi munosabatni mustahkamlashda muhim omil bo‘lishi zarur. Talabalarda mustaqil bilimlarni to‘ldirib borish, ma’lumotlar oqimi ichidan kerakligini ajratib olish va ma’lumotlarni qayta ishlash, tahlil qilish qobiliyatlarini shakllantirish.

Shuning uchun hozir ta’lim jarayonida asosiy urg‘u mustaqil ta’limga berilmoqda. Mustaqil ta’lim o‘qituvchi tomonidan beriladigan topshiriqlarni bajarish bilan kechadigan o‘qitishning maxsus shakli bo‘lib, faol aqliy mehnatni talab qiladi. Mustaqil ta‘limni metodologik asosini faol yondashuv tashkil qiladi, bunda o‘qitish maqsadlari masalalarni yecha olishligiga qaratilgan bo‘ladi, ya‘ni talabalar aniq bilimlarni namoyon eta oladigan real vaziyatlarga qaratilgan. Talabalar mustaqil ta‘limi metodik ta‘minlanishni tematikasi va shakllari ro‘yxatini tuzish uchun har birini maqsad va vazifalarini ifodalab berish, yo‘riqnoma yoki metodik yo‘llanmalar ishlab chiqish va ilmiy adabiyotlarni tanlash deganidir. Talaba mustaqil ishining asosiy maqsadi – o‘qituvchining rahbarligi va nazorati ostida talabada muayyan o‘quv ishlarini mustaqil ravishda bajarish uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalarni shakllantirish va rivojlantirish hisoblanadi. Talabalarning fanlardan mavzularni o‘zlashtirish uchun nazorat mashg‘ulotlariga, amaliy mashg‘ulotlarga va mustaqil ta‘lim uchun o‘quv rejada vaqt ajratilgan. Talaba ma‘ruza mashg‘ulotlariga qatnashib har bir mavzu bo‘yicha nazariy bilimlarga ega bo‘lishi mumkin. Amaliy mashg‘ulotlarda esa ushbu mavzularga doir olingan nazariy bilimlarni talaba amalda qo‘llashga doir malakalarni o‘qituvchi yordamida shakllantiradi. Talaba mustaqil ta‘limni bajarish davomida

esa bilimlarni amalda qo‘llash borasida ko‘nikmalar hosil qiladi, ya‘ni mustaqil ishlarni bajarish uchun talaba nazariy bilimlarga ega bo‘lishi va amaliy mashg‘ulotlarda o‘rgangan bilimlarini amalda qo‘llash uchun malaka hosil qilishi kerak bo‘ladi. Bundan bir necha asr avval Konfutsiy “Eshitganlarimni unutaman, ko‘rganimni eslab qolaman, mustaqil bajarsam tushunib olaman” degan ekan. Hozirgi zamonaviy ta‘limda talaba mustaqil ravishda o‘qib, o‘rganib, o‘z ustida tinimsiz ishlab berilgan bilimlarni chuqur o‘zlashtirishi mumkin. Talabalarning asosiy bilim, ko‘nikma va malakalari mustaqil ta‘lim jarayonidagina shakllanadi, mustaqil faoliyat ko‘rsatish qobiliyati rivojlanadi va ularda ijodiy ishlashga qiziqish paydo bo‘ladi. Shuning uchun talabalarning mustaqil ta‘lim olishlarini rejalashtirish, tashkil qilish uchun barcha zaruriy shart-sharoitlarni yaratish, dars mashg‘ulotlarida talabalarni o‘qitish bilan bir qatorda ulardagi kreativ kompetensiyalarini shakllantirish, bilim olish yo‘llarini ko‘rsatish, mustaqil ta‘lim olish uchun yo‘llanma berish oliy ta‘lim muassasasining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Ta‘lim beruvchilar ta‘lim oluvchilarni mustaqil fikrlashlari uchun sharoit yaratishlari lozim bo‘ladi. Mustaqil fikr yuritish jarayoni talabada fikr, mulohaza, g‘oya, faraz, maqsad kabilarni vujudga keltiradi. Bu esa o‘z navbatida talabalarning shaxsiy ehtiyoji, qiziqishi, qobiliyati, iste‘dodi, salohiyati bilan bog‘liq ravishda mustaqil fikr yuritishning negizini tashkil etadi. Mustaqil ishlash jarayonida talabalar ta‘lim beruvchi tomonidan berilgan mavzuga doir topshiriqlarni bajaradi, kerakli adabiyotlarni topish bilan chegaralanmasdan mavzuga oid ilmiy nazariy fikrlani jamlab, mavzu doirasida ilmiy tasavvur hosil qiladi, o‘z bilimini boyitish orqali tegishli fanni o‘zlashtira boradi, mustaqil o‘rganayotgan mavzu ustida ishlash asosida ijodiy fikrlarini umumlashtirib xulosa qilish malakasini hosil qiladi. Talabalarning mustaqil ta‘lim olish ko‘nikmalarini rivojlantirishda pedagogik texnologiyalardan didaktik o‘yinlarni o‘rni alohida ahamiyatli bo‘lib mustaqil bilish faoliyatini takomillashtirishda didaktik o‘yinli texnologiyalarni qo‘llanilishi ularning fanga bo‘lgan qiziqishini oshiradi. Talabalar ham ijodiy, ham mustaqil faoliyat bilan shug‘ullanish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Didaktik o‘yinlardan foydalanganda ularning bir-biridan farqlanishi va o‘ziga xos tavsifga ega ekanligiga e’tibor beriladi. Masalan, syujetli - rolli o‘yinlar kundalik xayotdagi ijtimoiy munosabatlarni, tabiat va tabiiy hodisalarning ob’ektlar o‘rtasidagi aloqalarini o‘ziga xos ko‘rinishda yoritishga qaratiladi. Ijodiy o‘yinlar – talabalarning ijodiy izlanish, mantiqiy fikr yuritishini rivojlantirish va qo‘shimcha bilim olishga bo‘lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan o‘yinlardir. Bu o‘yinlar ta’sirida talaba ijodiy izlanib, yangiliklarni kashf etadi va uni o‘z hayotida ham qo‘llaydi.

Xulosa. Shuni alohida ta’kidlash joizki, talabalarning mustaqil ishlari: mashg‘ulot jarayonida mustaqil ish, dars jarayonida mustaqil o‘qish va o‘rganish, yangi materialni tushunish va mustahkamlash, turli ijtimoiy foydali faoliyatlar, topshiriq; va mashqlarni bajarish, fan bo‘yicha o‘tilgan materiallarni takrorlash, test-sinov topshiriqlarini bajarish, savol-javob, bahs-munozara yuritish, sayr-sayohatlar uyushtirish, shaxsiy taassurotlarni hikoya qilish, mustaqil o‘qishni sahna va kino ko‘rinishini tashkil etish, kitob bilan mustaqil ishlash, soha bo‘yicha amaliy ishlarni mustaqil bajarish, referat, ma’ruzalar tayyorlash, dastur yo‘nalishida badiiy adabiyotlarni tahlil etish, topshiriq, kartochkalar asosida mustaqil ishlash, mavzu mazmunini to‘liq o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan mustaqil ishlar, fan bo‘yicha takrorlash darslari, turli yo‘nalishda mustaqil yasash, chizish, o‘lchash va hisoblash hamda ilmiy texnik va badiiy ijodkorlik, ixtirochilik ishlarini amalga oshirishda didaktik o‘yinlardan foydalanishning ahamiyati katta.

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qilib, ta‘lim oluvchilarning o‘quv ijodiy tayyorgarlik tizimida mutaxassislik, ixtisoslik yoki umumkasbiy fanlaridan chuqur bilim va malakalarga ega bo‘lishida mustaqil ta‘lim olish ko‘nikmalarining shakllanganligi muhim hisoblanadi. Mustaqil ta‘limni tashkil etish orqali, har tomonlama yetuk, bilimli, mustaqil fikrlay oladigan, izlanuvchan shaxslarni avlodni shakllantirish mumkin.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Бибенко, П.Н. Дидактическая концепция цифрового профессионального образования и обучения: монография / П.Н. Биленко, В.И. Блинов, М.В. Дулинов, Е.Ю. Есенина [и др.]; под науч. ред. В.И. Блинова. – Москва: Издательство «Перо», 2019. – 98 с.
2. Борщева В.В. Технология M-Learning для формирования учебной автономии студентов в неязыковом вузе [Текст] / В.В. Борщева // Современное языковое образование: инновации, проблемы, решения: сб. науч. тр. Вып. 2 / отв. ред. О.А. Чекун. – М., 2015. – С. 58–60.
3. Кулжанбекова Г.К., Адилбаева У.Б. Активизация самостоятельной работы студентов в условиях цифровизации образования // Современные наукоемкие технологии. – 2020. – № 12-1. – С. 176-181.
4. Логинова, С.Л. Цифровизация высшего образования: основные противоречия / С.Л. Логинова // Непрерывное образование: теория и практика реализации: материалы II Международной научно-практической конференции (Екатеринбург, 22 января 2019 г.). – Екатеринбург: Российский государственный профессионально-педагогический университет, 2019. – С. 104–107.
5. Мусаханова Г. Талабаларда мустақил таълим кўникмаларини шакллантириш зарурати //Архив научных исследований. – 2020. – №. 25.
6. Санько, Альбина Михайловна, Средства обучения в условиях цифровизации образования: учебное пособие / А.М. Санько. – Самара: Издательство Самарского университета, 2020. – 100 с. : ил.
7. Шмидт, Ю.Д. Стимулирование труда профессорско-преподавательского и учебно-вспомогательного персонала вуза / Ю.Д. Шмидт, А.В. Купера // Университетское управление : практика и анализ. – 2006. – № 6. – С. 85–89.
8. Юртаева Е.С. Активизация творческого потенциала студентов экономических специальностей в процессе организации самостоятельной работы по иностранному языку [Текст] / Е.С. Юртаева // Организация самостоятельной работы студентов: материалы докладов IV Международной очно-заочной научно-практической конференции (27 ноября 2015 года). – Саратов: Техно-Декор, 2015. – С. 229–233.
9. Ashurova G. Mustaqil ishlar–talaba mustaqil fikrlashining garovi //Independent thinking culture formation in the educational process. – 2016. – С. 40.
10. Cho’lliyev S.I., Yuldasheva K.A. Jismoniy tarbiya va sport sohasining rivojlanishida raqamli texnologiyalarining istiqboli. //Тиббиёт ва спорт. – 2022. – Т. 1. – С. 146.
11. Hakimova M. Олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш–давр талаби //Архив научных исследований. – 2020. – №. 32.
12. Nosirova D., Jalilov S. Oliy ta‘lim muassasalarida kredit-modul tizimida mustaqil ta‘limni o‘rni va ahamiyati // Журнал математики и информатики. – 2021. – Т.1. – №. 2.
13. Roger M. Schwarz. The Skilled Facilitator: A Comprehensive Resource for Consultants, Facilitators, Coaches, and Trainers. 3rd Edition. – San Francisco. CA. US. Publisher: Jossey-Bass, 2016. – 408 p.

UDK: 796

SPORTCHILARNING HARAKAT FAOLIYATI VA TEXNIK MAHORATNI TADQIQ QILISHDA SPORT BIOMEXANIKASINING METODLARI

Cho'lliyev S.I.
O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteri, O'zbekiston, Chirchiq shahri.

МЕТОДЫ СПОРТИВНОЙ БИОМЕХАНИКИ В ИССЛЕДОВАНИИ ДВИГАТЕЛЬНЫХ ДЕЙСТВИЙ И ТЕХНИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА СПОРТСМЕНОВ

Чўллиев С.И.
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта Узбекистан, Чирчик.

METHODS OF SPORTS BIOMECHANICS IN THE STUDY OF MOTOR ACTIONS AND TECHNICAL SKILLS OF ATHLETES

Chulliyev S.I.
Uzbek State University of Physical Culture and Sport, Uzbekistan, Chirchik.

Annotatsiya. *Ushbu maqolada sport biomexanikasining turli metodlari asosida sportchilarning harakat faoliyati va texnik mahoratini o'rganish va takomillashtirish yo'llari hamda tahlil usullarining tasnifi keltirilgan.*
Kalit so'zlar: *sport biomexanikasi, texnik mahorat, harakat faoliyati, metod.*

Аннотация. *В данной статье представлена классификация способов изучения и совершенствования двигательных действий и технического мастерства спортсменов на основе различных методов спортивной биомеханики, а также методов анализа.*
Ключевые слова: *спортивная биомеханика, техническое мастерство, двигательная действий, метод*

Annotation*: This article presents a classification of methods for studying and improving the motor actions and technical skills of athletes based on various methods of sports biomechanics, as well as methods of analysis.*
Keywords: *sports biomechanics, technical skill, movement activity, method.*

Dolzarbligi. Sport biomexanikasi yordamida harakatlarini o'rganish va sportchilarning texnik mahoratini baholash muammolarining uslubiy jihatlari ko'rib chiqish hamda "Harakat faoliyati va texnik mahorat" tushunchalarining mantiqiy va mazmunli tahlilini o'tkazish, uni miqdoriy baholash uchun qo'llaniladigan biomexanik parametrlarini ko'rib chiqish dolzarb masalaligicha qolmoqda. Sport jihozlarining oqilonaligi va samaradorligi kabi ko'rsatkichlarga alohida e'tibor qaratilmoqda. "Harakat faoliyati va texnik mahorat" tushunchasi sportda harakat faoliyati xususiyatlarini ham, sportchilarning texnik mahoratini ham tavsiflaydi. Sportchilarning texnik ko'nikmalarini o'rganish va baholashning muvaffaqiyati ko'p jihatdan sport biomexanikasida motor harakatlarini o'rganishning mavjud va ishlab chiqilgan metodlariga bog'liqdir. Sportchilarning texnik tayyorgarligini o'rganish va baholash uchun mavjud usullardan foydalanish hamda muammoni hal qilishda yangi yondashuvlarni izlash zaruriyatini tug'duradi. Uni hal qilishning mumkin bo'lgan usullaridan biri mavjud tadqiqot usullaridan kompleks foydalanish bo'lib, ularning har biri o'ziga xos muammoni hal qilish imkonini beradi. Shunday qilib, harakat faoliyatining elementlarini biomexanik asoslash usullari, regression qoldiqlarining mantiqiy-statistik usuli va inson harakatlarini mexanik-matematik modellashtirish usulining ijobiy imkoniyatlarini birlashtirgan holda integrativ yondashuv taklif etiladi. Sport mashg'ulotlarining ko'p yillik tayyorgarlik tizimi sportchilarni tayyorlashning turli tomonlarini: texnik, jismoniy, taktik, psixologik va boshqalarni takomillashtirishga qaratilgan. Bundan asosiy maqsadi sport natijalarini doimiy ravishda yaxshilashdir. Ushbu turdagi mashg'ulotlardan, ayniqsa texnik tayyorgarlik mashg'ulotlari tayyorgarlikning dastlabki bosqichlarida eng muhimlaridan biri xisoblanadi.

Harakat faoliyatini o'rganishda sport biomexanikasining asosiy roli bu harakatlarni bajaruvchi hamda harakatga keltiruvchi faktorlarning mohiyatini ochib berishdan iborat, albatta, bu xususiyat miyaning aqliy va fiziologik faoliyati bilan belgilanadi, bu nafaqat jismoniy faoliyatni ta'minlaydi balki harakatlarni nazorat qilish, harakatlarni yo'naltirish va boshqarish bilan nomoyon bo'ladi.

Tadqiqotning maqsadi. Sportchilarning harakat faoliyati hamda texnik mahoratini tahlil qilishda integrativ yondashuv usullarini qo'llash va sportchilarning texnik mahoratini baholashda yuzaga keladigan muammolarini yechishning uslubiy jihatlarini izohlashdir.

Tadqiqot usullari. Sport biomexanikasida jismoniy mashqlar texnikasini va sportchilarning texnik tayyorgarligini o'rganish ko'p hollarda turli xil tadqiqot usullari (optik-elektron, mexanik, elektrofiziologik va boshqalar) yordamida harakatning kinematik, dinamik va energiya xususiyatlarini biomexanik tahlil qilish usuli bilan amalga oshiriladi. Biroq, insonning motor harakatlarini o'rganishning boshqa usullari ham mavjud, bunga misol qilib, mantiqiy-statistik, mexanik-matematik va tizimli usulalarni sanab o'tishimiz mumkin. Ushbu usullarning har biri o'zining afzalliklari va kamchiliklariga ega, ularni bilish nafaqat tadqiqot muammolarini muvaffaqiyatli hal qilish uchun, balki ushbu muammoni hal qilishda yangi yondashuvlarni izlash uchun ham zarurdir. Sportda motor harakatlari texnikasini o'rganishga integratsiyalashgan yondashuvlardan foydalanish samaradorligini ishlab chiqish va eksperimental tekshirish sport biomexanikasining dolzarb uslubiy vazifalaridan biridir.

Mantiqiy-statistik metod: Sport biomexanikasi bo'yicha tadqiqotlarning aksariyati, ayniqsa, ushbu fanning empirik rivojlanishi darajasida, o'lchov natijalarini qayta ishlashning statistik usullaridan foydalangan holda amalga oshiriladi. Ushbu usullarning imkoniyatlarini va ularni qo'llashdagi cheklovlarni bilish tajribani oldindan rejalashtirish va hatto sport mashqlari texnikasini o'rganish va baholash uchun biomexanikaga xos usullarni yaratishga imkon beradi. Murakkab harakatlarini o'rganishdagi muammolar orasida etakchi o'rinlardan birini umumiy va xususiy nisbatlar

o'rtasidagi muammolar egallaydi. Xususan, sportda ko'pincha quyidagi savollar tug'iladi.

1. Tanlangan sport turi bo'yicha texnik mahorat yaxshilanishining umumiy qonuniyatlari qanday?

2. Insonning individual xususiyatlari texnika va sport yutuqlariga qanday ta'sir qiladi?

3. Bir sportchi tomonidan harakatlarni takroriy bajarishda kuzatilgan texnikaning individual qonuniyatlari umumiy qonuniyatlarga qay darajada mos keladi?

4. Tanlangan sport turida texnikaning umumiy modelini qurish mumkinmi yoki u qat'iy individual bo'lishi kerakmi?

Ushbu va boshqa ko'plab savollarga javobni insonning motor harakatlarini shakllantirish va takomillashtirishning umumiy va individual qonuniyatlarini bilish nuqtai nazaridan izlash kerakdir.

Sportda texnik mashqlarni bajarish ko'nikmalaridagi rivojlanish umumiy qonuniyatlarini o'rganishda, asosan, u yoki bu mustaqil o'zgaruvchining individual xususiyatlaridan qat'iy nazar, bog'liq o'zgaruvchiga ta'sirini tushunishga intiladi. Bunday vaziyatlarda tadqiqotchilarni individual farqlanish qiziqtirmaydi, bu bir sportchi boshqasiga nisbatan bir oz boshqacha xulq-atvor strategiyasidan yoki vazifasini bajarish usulidan foydalanishi mumkinligida namoyon bo'ladi.

Harakat faoliyatining individual xususiyatlarini o'rganishda tadqiq qilinayotgan parametrlarning o'zgarishining individual va o'zaro farqlari hamda ichki individual qonuniyatlari tekshiriladi.

Metodning asosiy g'oyasi shundaki, sportchidan ikkita vazifani bajarish so'raladi.

Birinchi topshiriqdagi natija ko'p jihatdan sportchida ma'lum bir qobiliyatining rivojlanishiga bog'liq bo'lishi kerak (masalan, tezlik, kuch yoki chidamlilik) va uni bajarish texnikasi juda oddiy bo'lishi talab etiladi. Shunday qilib, vazifada sportchining motor salohiyati baholanadi.

Ikkinchi vazifadagi natija sportchining texnik tayyorgarligi va bir xil qobiliyati bilan belgilanishi zarurdir. Agar topshiriqlar natijalari o‘rtasidagi korrelyatsiya yetarli darajada yuqori bo‘lsa, regressiya tenglamasi hisoblab chiqiladi, bunda argument sportchining salohiyatini baholovchi topshiriqdagi natija, funksiya esa texnikasi baholanishi kerak bo‘lgan vazifadagi natijadir. Regressiya tenglamasiga ko'ra, sportchining harakat imkoniyatlaridan kelib chiqib, u ko'rsatishi kerak bo'lgan nazariy natijasini aniqlash mumkin. Regressiya qoldig'i deb ataladigan nazariy natija va haqiqatda ko'rsatilgan natija o'rtasidagi farq texnik harakatni amalga oshirish samaradorligini baholash uchun qo’llaniladi. Masalan, to'siqlar osha yugurishda sportchining tezligi kamida ikkita omilga bog'liq: yugurish vaqtidagi o’rtacha tezlik va to'siqlar texnikasi. Biz sportchilarga bu ikkala vazifani bajarishni taklif qilamiz. Birinchi vazifada harakatdan 30 m masofaga imkon qadar tezroq yugurish va ushbu test natijalariga ko'ra sportchilarning tezlik qobiliyatini baholash talab qilinadi. Ikkinchi vazifada ham xuddi shunday bajarilishi kerak, lekin to'siqlar bilan. Shundan so'ng biz test natijalari orasidagi korrelyatsiya va regressiyani hisoblanadi. Regressiya chizig'i to'siqdan o'tishda o'rtacha natija qanday bo'lishi kerakligini ko'rsatadi.

Biroq, bu usul sezilarli kamchilikka ega. Uning yordami bilan faqat ma'lum bir sportchining texnikasi o'rtacha darajadan yaxshiroq yoki yomonroq degan xulosaga kelish mumkin, ammo nima uchun shundayligiga javob berib bo’lmaydi. Bu savolga javob berish uchun boshqa biomexanik metodlarni izlashni taqozo etadi.

Mexanik-matematik metod. Ilmiy bilimlarning eng rivojlangan sohalaridan biri bo'lgan nazariy mexanikada moddiy jismlarning mexanik harakati muammolarini hal qilishning ko'plab usullari ishlab chiqilgan. Bu fan taraqqiyotining hozirgi bosqichining o`ziga xos xususiyati shundaki, uni o`rganish ob`ekti real moddiy ob`ektlar emas, balki fan taraqqiyotining nazariy bosqichiga mos keladigan ideal obrazlari hisoblanadi. Insonning motor harakatlarini o'rganishda, nazariy mexanika g'oyalarini qo'llashda ko'pincha shunga o'xshash yondashuv qo'llaniladi. Tadqiqot maqsadiga qarab, inson tanasi turli darajadagi murakkablikdagi modellar bilan ifodalanadi.

Biomexanik tadqiqotlarda mexanik va matematik modellashtirish usullaridan foydalanishni ikkita asosiy bosqichga bo'lish mumkin.

Birinchi bosqich - mavjud mexanik va matematik modellardan foydalanish va yangilarini ishlab chiqish va bir qator muammolarni hal qilishda ularning samaradorligini tekshirish. Ushbu bosqichning asosiy maqsadi - harakatlarning tashqi ko’rinishi (harakatlarning burchak va chiziqli kinematik xususiyatlari) haqida miqdoriy ma'lumotlarni olish, shuningdek, inson harakatlarini dinamikasini o'rganish, ya'ni. butun tananing bo'g'inlarining ishi, kuchi va mexanik energiyasi va alohida bo'g'inlar, mushaklar qisqarishining mexanik xususiyatlari va boshqalar. Ushbu muammolarni hal qilishda tadqiqotchilar ko'plab qiyinchiliklarga duch kelishadi, masalan, o'lchash uskunasining aniqligi va uning imkoniyatlari; dastlabki ma'lumotlarni dastlabki qayta ishlash muammolari; modelning o'zi va tegishli dasturiy ta'minotni yaratish; uning ishlashini eksperimental tekshirish va boshqalardir.

Ikkinchi bosqich - biomexanika, shu jumladan sportdagi muammolarini o'rganish uchun mexanik va matematik apparatlardan foydalanish. Masalan, texnikaning turli xil variantlarini bajarish samaradorligini baholash, ma'lum bir harakatining mexanik samaradorligining turli ko'rsatkichlarini aniqlash, jarohatlarning mexanik sabablarini aniqlash uchun bo'g'inlardagi yuklarning kattaligini baholash, qidirish, mashqlarni bajarish texnikasidagi xatolar sabablari va boshqalar aniqlashda iboratdir. Shu ma'noda mexanik-matematik yondashuvni sport biomexanikasi muammolarini hal qilish usullaridan biri sifatida ko'rib chiqish mumkin.

Mexanik-matematik metod mushaklarning elektr faolligini qayd etish bilan birgalikda sportchilarning harakatlarida juda ko'p kinematik, dinamik va elektrofiziologik ko'rsatkichlarni o’rganish imkonini beradi. Biroq, ularni qo'llash, bir tomondan, juda mashaqqatli va malakali mutaxassislarni talab qilsa, ikkinchi tomondan, sportchilarning texnik mahoratini, ta'bir joiz bo'lsa, sof shaklda baholashga imkon bermaydi. Buning uchun esa tizimli metoddan foydalanish talab etiladi.

Tadqiqot tizimli metodi: Murakkab jarayon va hodisalarning yaxlitligi va tizimli tuzilishi tamoyillariga asoslangan tizimli yondashuv g‘oyalari fanda keng qo‘llanilmoqda. Insonning motor harakatlariga kelsak, shuni aytish mumkinki, tizimning xususiyatlari uning tarkibiy elementlarining xususiyatlarining mexanik yig'indisi natijasi emas, balki butun tuzilmaning xususiyati, maxsus integrativ tizim bilan belgilanadi. Shuning uchun, harakatlarining, shu jumladan sportdagi maxsus harakatlar tuzilishining mohiyatini tushunish uchun tizimning elementlarini va ular o'rtasidagi munosabatlarni, ya'ni uning tuzilmasini ajratib olish va o'rganish usuli talab etiladi. Demak, tizimli yondashuvda asosiy e'tibor tizim ichida ham, uning tashqi muhit bilan o'zaro ta'sirida ham harakat qiluvchi elementlarni aniqlash va turli xil munosabatlarni o'rganishga qaratilgan.

Biomexanizm – bu, bir turdagi energiyani boshqasiga aylantirish yoki tana qismlariga energiyani o'tkazish bilan namoyon bo’ladigan inson tayanch-harakat tizimining bir qismi yoki butun modelidir.

Biomexanizm quyi integral tizim sifatida uning tarkibini tashkil etuvchi elementlar to'plamidan iboratdir. Har bir element inson harakatlarida turli yo'llar bilan o'zini namoyon qilishi mumkin bo'lgan ma'lum xususiyatlarga ega.

Motorika harakatining tuzilishini biomexanik asoslash usuli quyidagi vazifalarni bosqichma-bosqich hal qilishni o'z ichiga oladi.

I. bosqich. Bog'lanishlar va umuman butun tananing harakatlarining kinematikasi va dinamikasini tavsiflash bilan o'rganilayotgan harakatlarni mantiqiy va mazmunli tahlil qilish.

II. bosqich. Harakatlarning fizik mexanizmini tushuntirish.

III bosqich. Uni tashkil etishning biomexanizmlarini va ularning ishlashini aniqlashga asoslangan harakat strukturasini yaratishdir.

Ushbu maqolaning asosiy maqsadi sportchilarning texnik ko'nikmalarini tahlil qilish va baholashda integratsiyalashgan yondashuvni qo'llash mantig'ini tavsiflash bo'lganligi sababli, biz mexanik va matematik tadqiqot usullari yordamida olingan natijalarni batafsil ko'rib chiqmaymiz.

Hulosa. Harakat faoliyatini biomexanik asoslash usuli ko'plab harakatlar elementlarining mohiyatini o'rganishga chuqurroq kirib borishga imkon beradi. Biroq, sport mashqlari texnikasini o'rganish va sportchilarning texnik mahoratini baholash uchun faqat ushbu usuldan foydalanish muammoni to'liq hal qilmaydi. Barcha ko'rib chiqilgan tadqiqot usullarining afzalliklarini birlashtirish hamda ularni qo'llashda integrativ yondashuvgina ijobiy natija beradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1.Донской Д.Д., Зациорский В.М., Биомеханика. (1979).

2.Зациорский В.М., Аруин А.С., Селуянов В.Н. (1981). Биомеханика двигательного аппарата человека

3. Brancazio, P. (1984). Sport science: Physical laws and optimum performance. New York: Simon & Schuster

4. Safrit M.J., Wood T. (1989). Measurement Concepts in Physical Education and Exercise Science: Human Kinetics Books. Champaign, Illinois.

5. Hay, J. G. (2000). The biomechanics of sport techniques, Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall.

6.Knudson, D., & Morrison, C. (2002). Qualitative analysis of human movement (2nd ed.). Champaign, IL: Human Kinetics.

УДК 796.01

ПОВЫШЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КУРАШИСТОВ 15-16 ЛЕТ С ПОМОЩЬЮ ДВИГАТЕЛЬНЫХ ИГР

Акбаров А., Худоёрова Г.У.
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, г. Чирчик, Узбекистан.

HARAKATLI O'YINLAR YORDAMIDA 15-16 YOSHLI KURASHCHILARNING TEXNIK KO'RSATKICHLARINI OSHIRISH

Akbarov A., Xudoyorova G.U.
O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya universiteti, Chirchiq, O'zbekiston Respublikasi.

INCREASING THE TECHNICAL PERFORMANCE OF KURASH PLAYERS 15-16 YEARS OLD WITH THE HELP OF MOTOR GAMES

Akbarov A., Khudoyorova G.U.
Uzbek State University of Physical Culture and Sports, Chirchik, Republic of Uzbekistan.

Аннотация: *в статье приводятся результаты применения комплекса двигательных игр, применяемых для совершенствования технических показателей, в годичном цикле процесса технической подготовки спортсменов различных весовых категорий контрольной и экспериментальной групп, специализирующихся в направлении борьба кураш. Применение указанного комплекса в экспериментальной группе курашистов 15-16 лет, в программу которой включен комплекс двигательных игр, привело повышению технических характеристик курашистов к концу эксперимента, по отношению к показателей в начале эксперимента на 13,40%, чем в контрольной группе – 6,17 %, подготовка которой прошла по программе действующего учебного плана.*

Ключевые слова: *двигательные игры, курашисты, весовые категории, относительный прирост, статистическая достоверность, критерии Стьюдента.*

Annotatsiya: *maqolada nazorat va tajriba guruhlari turli vazn toifalariga mansub kurash sport turiga ixtisoslashgan sportchilarning texnik ko'rsatkiclarini takomillashtirishda qo'llanadigan harakatli o'yinlar majmuasini 15-16 yoshli kurashchilarning yillik texnik tayyorgarlik tsiklida qo'llash bo'yicha amalga oshirilgan pedagogik tajriba natijalari keltirilgan. Zikr etilgan va tarkibiga harakatli o'yinlar to'plami kiritilgan majmuani kurashchilarning tajriba guruhida qo'llanishi tajriba oxiriga kelib kurashchilarning texnik xarakteristikalarini tajriba boshidagi mos ko'rsatkichlarga nisbatan mashg'ulotlari amaldagi oquv rejasi bo'yicha olib borilgan nazorat guruhidagi 6,17 % nisbiy o'sishga qaraganda tajriba guruhida 13,40 % ga ortishiga olib kelishi aniqlangan.*

Kalit so'zlar: *harakatli o'yinlar, kurashchilar, vazn toifalari, nisbiy o'sish, statistik ishonchlilik, Styudent mezoni.*

Abstract: *the article presents the results of the application of a complex of motor games used to improve technical indicators in the annual cycle of the process of technical training of athletes of various weight categories in the control and experimental groups, specializing in kurash wrestling. The use of this complex in the experimental group of kurash wrestlers aged 15-16 years, the program of which included a complex of motor games, led to an increase in the technical characteristics of kurash wrestlers by the end of the experiment, in relation to the indicators at the beginning of the experiment by 13.40% than in the control group - 6.17 %, the preparation of which took place according to the program of the current curriculum.*

Key words: *movement games, kurash wrestlers, weight categories, relative gain, statistical significance, Student's criteria.*

В настоящее время на современном этапе развития видов борьбы значительно увеличился объем двигательной деятельности, которая осуществляется в вероятностных и неожиданно возникающих ситуациях и требует проявления изобретательности, скорости реакции, способности к концентрации и переключению внимания, пространственно-временной точности движений и их биомеханической рациональности. Многообразие и сложность координационных способностей, которые проявляются в спортивной деятельности, предопределяют необходимость разработки критериев, которые позволяют осуществлять количественную оценку качественных параметров движения.

Изучения как стойкого, стабильного, так и подвижных, вариативных компонентов, которые определяют координационную структуру движений, может стать основой для оценки и дальнейшей разработки педагогических подходов с целью их совершенствования. Кроме того, оценка двигательной координации с учетом вариативности «... имеет универсальное приложение к движениям всевозможных видов, не требуя при этом внесения любых изменений или осложнений. Идеи критерия вариативности заключаются в том, чтобы сравнивать движения между собой, а не с внешним контрольным знаком» [8]. Следовательно, изучение вариативности компонентов движений может войти в основу универсального подхода при разработке критериев оценки всего многообразия двигательных координаций. Техника и тактика, обусловленные прочностью двигательных навыков, а также часто связаны со способностью строить и координировать движения с высшим проявлением этой способности – ловкостью. Чем выше эти качества, тем более успешно овладевает спортсмен все более совершенной техникой, все более эффективным ее приложением. На тренировочных занятиях необходимо демонстрировать примеры значительной сложности комбинаций, как например, в спортивной гимнастике, в жонглировании одновременно многими предметами, в других сложнокоординационных спортивных упражнениях и цирковых номерах. Улучшение этой способности заключается в широкой возможности совершенствования урожденных механизмов координации движений, под воздействием все растущих и требований, которые усложняются к этим механизмам.

Методы исследований. Для решения намеченных задач в работе использованы педагогические и математические методы исследования. Их содержание сводится к следующему. В группу педагогических методов исследования включены: Анализ научно-методической литературы; Анкетирование; Педагогическое наблюдение за соревновательной и тренировочной деятельностью; Педагогические контрольные испытания.

С целью установления уровня развития координационных способностей, лимитирующих рост спортивного мастерства борцов были проведены исследования, в которых приняли участие 48 спортсменов детско-юношеской спортивной школы г. Чирчик.

В начале исследования были организованы две группы контрольная (КГ) и экспериментальная (ЭГ) группы в каждой по 24 курашистов 15-16 лет примерно одинаковых весовых категорий, в состав которых были включены борьцы по данному виду спорта. Порядковые номера, наименование и смысловой перевод (дословный перевод не уместен) наступательных и контрнаступательных технических приемов означают: 1-«ўнгга буриб ташлаш»-бросок с поворотом направо, 2-«чапга буриб ташлаш»-бросок с поворотом налево, 3-«ўнг тизза ёрдамида кўтариб ташлаш»-бросок поднятием с помощью правого колена, 4-«чап тизза ёрдамида кўтариб ташлаш»-бросок поднятием с помощью левого колена, 5-«кўкракдан ошириб ташлаш»-бросок поднятием через грудь, 6-«ўнг томонга қайтарма усулида ташлаш»-бросок методом вращения направо, 7-«чап томонга қайтарма усулида ташлаш»-бросок методом вращения налево, 8-«ўнг ёнбошдан ошириб ташлаш»-бросок на правом боку, 9-«чап ёнбошдан ошириб ташлаш»-бросок на левом боку, 10-«ўнгга тўсиб ташлаш»-бросок ограждением справа, 11-«чапга тўсиб ташлаш»-бросок ограждением слева.

В начале и в конце эксперимента были определены количество наступательных и контрнаступательных технических приемов, выполненных исследуемыми КГ и ЭГ в ходе одного учебно-соревновательного периода.

Значения в группах, их среднеквадратичные (стандартные) отклонения, относительный прирост (он определен как процентное соотношение абсолютного прироста к превоначальному значению по каждому из указанных в таблице действий в КГ и ЭГ в отдельности) количеств-попыток выполненных технических действий в пяти, проведенных с интервалом отдыха в 4 дня, контрольных поединках с одним и тем же приблизительно равным по основным характеристикам подготовленности противником (причем учитывались различные технические действия обеих участников) в начале и в конце, т.е. в ходе эксперимента, приведены в таблице 1.

Результаты изменений к концу эксперимента по выполнению наступательных и контрнаступательных технических действий КГ и ЭГ борьцов 15-16 лет (количество выполненных действий)

Таблица 1

№ п.п.	группа	В начале эксперимента			В конце эксперимента			t	P
		X	σ	V, %	X	σ	V, %		
1	КГ	21,79	2,32	10,65	22,94	2,32	10,11	1,72	>0,05
	ЭГ	20,98	2,3	10,96	23,32	2,36	10,12	3,48	<0,01
2	КГ	20,67	2,41	11,66	21,86	2,44	11,16	1,70	>0,05
	ЭГ	20,94	2,49	11,89	23,49	2,62	11,15	3,46	<0,01
3	КГ	19,27	1,86	9,65	20,38	1,86	9,13	2,07	<0,05
	ЭГ	18,89	1,88	9,95	21,33	1,95	9,14	4,41	<0,001
4	КГ	20,43	2,57	12,58	21,71	2,63	12,11	1,71	>0,05
	ЭГ	20,17	2,61	12,94	22,89	2,79	12,19	3,49	<0,01
5	КГ	19,44	2,26	11,63	20,56	2,29	11,14	1,71	>0,05
	ЭГ	19,76	2,37	11,99	22,19	2,47	11,13	3,48	<0,01
6	КГ	21,37	2,69	12,59	23,01	2,79	12,13	2,07	<0,05
	ЭГ	21,74	2,82	12,97	25,52	3,1	12,15	4,42	<0,001
7	КГ	18,73	1,79	9,56	19,79	1,79	9,04	2,05	>0,05
	ЭГ	18,96	1,89	9,97	20,87	1,91	9,15	3,48	<0,01
8	КГ	19,36	2,24	11,57	20,71	2,3	11,11	2,06	<0,05
	ЭГ	19,68	2,35	11,94	22,81	2,54	11,14	4,43	<0,001
9	КГ	17,63	1,86	10,55	18,56	1,89	10,18	1,72	>0,05
	ЭГ	17,82	1,95	10,94	19,81	2,01	10,15	3,48	<0,01
10	КГ	21,86	2,54	11,62	23,38	2,6	11,12	2,05	<0,05
	ЭГ	21,42	2,56	11,95	24,82	2,77	11,16	4,42	<0,001
11	КГ	19,72	1,91	9,69	20,85	1,91	9,16	2,05	<0,05
	ЭГ	19,96	1,98	9,92	22,54	2,06	9,14	4,42	<0,001
Среднее действий	КГ	20,02	2,12	10,59	21,25	2,16	10,16	1,98	>0,05
	ЭГ	20,06	2,19	10,93	22,69	2,31	10,18	4,10	<0,001

Результаты, приведенные в таблице и рис.1, их обобщение и анализ показывает, что относительный прирост общего количества наступательных действий в конце эксперимента по отношению к начальной в КГ составил (в среднем 21,25 действий за один поединок) 6,17 %, а в ЭГ (22,69 действий) 13,40 %, т.е. 2,17 раза больше и это указывает на эффективность примененного комплекса двигательных игр на занятиях в КГ при $p>0,05$, причем прирост в ЭГ оказался со статистической достоверностью $p<0,001$.



Рис.1. Сравнение относительного прироста среднеарифметических значений результатов по выполнению наступательных и контрнаступательных технических действий исследуемых контрольной и экспериментальной групп в ходе эксперимента (в процентах)

Суммарные результаты изменений (количество выполненных технических действий и в процентах по отношению к общему числу технических приемов) по отношению начальных показателей к концу эксперимента по выполнению технических действий борьцов КГ и ЭГ приведены в таблице 2. Анализ, приведенных в таблице 2, данных показывает, что как и в случае наступательных действиях, прирост количества выполненных контр-наступательных действий в ходе эксперимента, в среднем за один поединок, в ЭГ (3,01) больше чем в КГ (2,51), причем прирост этих действий в ЭГ был статистически достоверными ($p<0,05$). При этом количество наступательных действий в КГ в начале эксперимента составил 50,80 % от общего числа технических действий, а в конце 50,76 %; а в ЭГ эти же показатели оказались равными, соответственно, 51,23 и 52,48 %.

Суммарные результаты изменений к концу эксперимента по выполнению технических действий КГ и ЭГ борьцов (количество выполненных действий) Технические приемы

Таблица 2

Т.р.	группа	В начале эксперимента			В конце эксперимента			(кол-во / %)	P
		X	σ		X	σ			
Наступательные действия									
1	КГ	898,89	50,80	88,69	946,78	50,76	93,61	5,33	>0,05
	ЭГ	901,99	51,23	89,76	984,31	52,48	93,61	9,13	<0,01
Контрнаступательные действия (к-во / %)									
2	КГ	468,16	26,46	47,94	495,73	26,58	50,31	5,89	>0,05
	ЭГ	483,56	27,47	47,63	516,57	27,54	50,31	6,83	<0,05
Общее кол-во технических действий									
3	КГ	1769,63	175,48		1865,38	183,63		5,41	>0,05
	ЭГ	1760,53	175,63		1875,42	184,16		6,53	<0,05

Такая же общая тенденция наблюдается в отношении общего количествва технических действий, прирост этого показателя в КГ составил 5,41 % ($p>0,05$), а в ЭГ – 6,53 % ($p<0,05$).

Таким образом, полученные данные в ЭГ и их анализ показал эффективность примененного комплекса двигательных игр при технической подготовке курашистов 15-16 лет. Из этого выплывает важный вывод – чем больше разных двигательных навыков в «арсенале» спортсмена, чем разнообразнее они, тем более у него возможностей одной лишь мыслью мгновенно проявить их, соединив в действие. Практика убедительно показывает, что спортсмен, который владеет значительным двигательным опытом, легко и быстро построит те движения и действия, которые необходимы в данный момент.

Список литературы:

1. Акбаров А., Взаимосвязь показателей технических действий и скоростно-силовых способностей на этапе углубленной подготовки молодых дзюдоистов. Теория и методика физической культуры, 64 (2), 2021, с. 50–56, https://doi.org/10.48114/2306-5540_2021_2_50

2. Акбаров А., Спортда педагогик тадкикот натижаларини интерпретация килиш усулларини солиштириш, Фан-спортга, 2021, № 6, 62-64 б.

3. Акбаров А., Холиков Б.Х., Педагогическая оценка роли ведения поединка в разных стойках квалифицированных борцов, Достижения науки и образования, 2020, № 5 (59), с. 56-59.

4. Акбаров А., Артиков З.С., Холиков Б.Х. Применение подвижных игр в технической подготовке квалифицированных борцов. Достижения науки и образования, 2020, 6 (60), 21-24.

5. Акбаров А., "Спортда математик таҳлил усуллари", ўқув қўлланма, УзДЖТСУ, 2020, 228 с., http://library.uzdjtsu.uz/files/pdf/Sportda matematik tahlil.pdf

6. Акбаров А., Спортда педагогик тадкикот натижаларини интерпретация килиш усулларини солиштириш, Фан-спортга, 2021, № 6, 62-64 с.

7. Акбаров А., Мусаев Б.Б., Тошкент, Тафаккур қаноти, 2014, 459 с., Спорт метрологияси, дарслик, http://library.uzdjtsu.uz/files/pdf/Sportda matematik tahlil.pdf

8. Бернштейн Н. А. Биомеханика и физиология движений: избранные психологические труды / Н. А. Бернштейн; под ред. В. П. Зинченко. – [2-е изд.]. – М.: Изд-во Московского психологосоциального института; Воронеж: Изд-во НПО «МОДЭК», 2004. – 688 с

9. Захаров А.В. Индивидуальная технико-тактическая подготовка борцов-юниоров 17-18 лет на этапе углубленной специализации / Ученые записки университета им. П.Ф. Лесгафта, 2012. № 3 (85). С. 90-94.

10. Керимов Ф.А., Юнусов Н.М. Двигательные игры для кураша. Т.: Абу Али Ибн Сино, 2003. 72с.

11. Yusupov K. Interational kurash rules techiques and tactics. T., 2005.

12. Wallander H. Quality of life measurement in children and adolescents: issues, instruments, and applications / H. Wallander, M. Schmitt, H. V. Koot // J Clin Psychol, 2001. – Vol. 57. – P. 571 – 585.

13. Wilmore J. H. Physiology of sport and exercise / J. H. Wilmore, D. L. Costill. – Champaign, Illinois: Human Kinetics, 2004. – 726 p.

14. Wojnar J. Sense-motor reactivity and physical development of schoolchildren / J. Wojnar, N. Makarenko, W. Lyzogub, E. Menshyh, Yu. Petrenko, V. Pustovalov // Annales Lublin Universitatis Mariae CurieSklodowska. Sectio D, Medicina. – 2006. – Vol. Lx, Suppl. XVI, № 8. – P. 325 – 331.

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять по адресу:
sportmedscience.uz@gmail.com
Формат 210х297 мм.
Цена договорная.
г. Ташкент, Шайхантохурский район, ул А. Кадырий 1А, тел. (3712) 241 64 21